


44  
Д 40

Р.Х.ДЖУРАЕВ, С.Т.ТУРГУНОВ,  
Г.М.НАЗИРОВА

# ПЕДАГОГИКА



1  
4C

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ  
ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

Р.Ҳ.ДЖУРАЕВ, С.Т.ТУРҒУНОВ, Г.М.НАЗИРОВА

П Е Д А Г О Г И К А

N 1623. 144

2/3-4

|                                    |  |
|------------------------------------|--|
| NAVOIY DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI |  |
| AXBOROT-RESURS MARKAZI             |  |
| 133254                             |  |
| 14.11.03                           |  |

ТОШКЕНТ-2013

Мазкур ўкув кўлланма Халқ таълими тизими раҳбар ва педагог кадрлари малакасини ошириш курслари тингловчилари учун мўлжалланган бўлиб, кўлланмада таълим муассасаларида ташкил этиладиган педагогик жараёнлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари, педагогик тизим; педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда инновациялар; педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда мотивлаштириш; педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда ахборотлар ва коммуникация; педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришнинг функция ва методлари; узлуксиз малака ошириш жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш; педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда раҳбарлик услубларидан фойдаланиш; педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш жараёнларини такомиллаштириш масалалари ёритилган.

Ўкув кўлланма А1-ХТ-1-33147 - “Узлуксиз таълим тизимида педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш, сифат ва самарадорлигини ошириш технологиялари” номли амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида раҳбар ва педагог кадрлари малакасини ошириш курслари тингловчилари учун педагогиканинг долзарб масалалари курси ўкув дастури асосида тайёрланган.

**Масъул муҳаррир:**

Х.Ф.Рашидов

- Педагогика фанлари доктори,  
профессор

**Тақризчилар:**

Р.Ф.Сафарова

- Педагогика фанлари доктори,  
профессор

Х.И.Ибрагимов

- Педагогика фанлари доктори,  
профессор \*

## **КИРИШ**

**Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди - бу шарқона қараш, шарқона ҳёт фалсафаси.**  
**И.А.Каримов**

Мамлакатимиз мустақилликка эришган кундан бошлаб ўтган қисқа вақт ичида ўзбек халқи сиёсий - ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларда катта ютукларга эриши. Ўз тарихига янгила тафаккур асосида ёндошиш, улуғ аждодлар қолдирган бой маданий, маънавий меросни ўрганиш шарафига муяссар бўлинди, миллий ғуруримиз қайта тикланди, республикада илм-фан, жумладан педагогика фани янги тараққиёт босқичига кўтарилимоқда. Ўтмишдаги педагогик тафаккур даҳоларининг шухратини тиклаш, уларнинг ғояларини халқ ҳётига татбиқ этишдек улуғ ишлар амалга оширилимоқда.

Инсоният пайдо бўлгандан бошлаб, одамлар у ёки бу шакл ва мазмунда фарзандлар тарбияси билан шуғулланганлар. Ибтидоий жамоа тузуми даврида бу жараён баъзан онгли, гоҳида эса онгсиз равишда кечган бўлиши мумкин. Қандай бўлишидан қатъий назар, тарбия усуслари муттасил ривожланиб борган. Таълим ва тарбия даврлар ўтиши, ҳёт ва турмушнинг мураккаблашиши натижасида тобора чукурроқ ва кенг маъно касб эта борган.

Таълим-тарбия бериш деганда, кимнидир маҳсус бир хонага ўтқазиб, факат панд - насиҳат беришни эмас, балки ўйин давомида, уй юмушлари жараёнида, таълим ва илм ўргатиш вақтида ҳёт ва турмуш сабоқларини киёсий йўсинда тушунтириши, қолаверса, шахсий ўрнак кўрсатиш одатини тушунмоқ ва билмоқ лозим. Шу омиллар бир-бири билан кўшиб олиб борилиши керак.

Инсон асосан, икки йўл билан таълим олиши ва тарбияланиши мумкин: бирорнинг беъвосита таъсири, яъни ўргатиши, шунингдек, донолар фикрлари, ўйтлари ва асарларини ўқиш орқали; инсон ўзининг фикрлаши, одамлар хатти-ҳаракатидан, қилган ва қилаётган ишларидан тегишли холосалар чиқариб олиши; энг курдатлиси - тафаккури воситасида.

Асримизнинг бошларида Абдулла Авлоний "Тарбия бизлар учун ё ҳёт - ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир", деган эди. Бу фикр бугунги кунда ҳам таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришда ўзига хос аҳамият касб этмоқда.

Таълим-тарбия жараёнини социал (ижтимоий) маънода олиб қаралганда бутун бир социумнинг инсонга тарбиявий таъсири жараёнларини тушуниш мумкин. Педагогик маънодаги таълим-тарбия жараёни деганда узлуксиз таълим тизимида ёки алоҳида олинган бир таълим муассасасида амалга ошириладиган, маълум мақсадга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнларини тушуниш мумкин. Жузъий педагогик маънодаги таълим-тарбия жараёни деганда маҳсус таълим-тарбиявий тадбирлар, тарбиявий муносабатлар жараёнларини тушуниш мумкин.

Кенг педагогик маънодаги таълим-тарбия жараёнлари маълум мақсадга йўналтирилган бўлиб, жамият томонидан тайёрланган, ажратилган кишилар ёхуд ўқитувчилар ёки тарбиячилар томонидан амалга оширилади ва турли хилдаги ўқув машғулотлари, махсус ўтказиладиган бир қатор таълим-тарбиявий тадбирлар жараёнларини ўз ичига олади.

Кўпчилик олиму-фузалолар тарбия деганда факат болага тарбия беришни тушунадилар. Бизнингча, бу анча тор тушунчадир. Чунки тарбияга факат болалар эмас, балки катталар ҳам мухтождирлар. Ҳозирги кунда эса айrim йигит-қизлар, шунингдек ёши улардан ҳам улуғлар одоб-аҳлоқ ақидаларига зид иш тутадилар. Бунга далиллар кўп топилади.

Демак, педагогика инсонни гўдаклигидан бошлаб то умрининг охиригача ҳаёт ва турмуш одобига ўргатувчи ва шу нарсаларни таҳлил ҳамда тадқиқ этувчи фандир. Тарбия ва тарбияшунослик ҳақидаги бу таъриф маъно ва мазмунига одамларнинг бутун умри давомидаги хулқ-атвори, одоб-аҳлоқи, бу борадаги миллий анъаналарга садоқат ва шуларга тарбиячи ҳамда тарбияланувчининг тўла амал қилиши, миллий қадрият, маънавият ва маърифатга ҳурмат, иймон ва виждан сингари гўзал фазилатлар сингтан.

Ўн иккинчи чакириқ Ўзбекисон Республикаси Олий кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини чукур ўрганиб, мазмун-моҳиятига эътибор қаратилса, унда юқорида зикр қилинган таълим-тарбия ва тарбияшунослик ҳақидаги фикрлар ўз ифодасини топганлигига икорор бўламиз. Бошқача айтганда, бизнинг Конституциямиз - миллий таълим-тарбия ва тарбияшунослик Қомусидир. Унинг деярли ҳар бир моддасида таълим-тарбия маънолари силсиласи мавж уриб турибди.

Демак, мамлакатимизда ёш авлодга таълим-тарбия, беришнинг ягона ва узлуксиз тизими яратилган бўлиб, унда ўқувчиларни илмий дунёқараш, инсонпарварлик, ғоявийлик, ижтимоий гуманизм ҳамда ватанимизга чексиз муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш ўзига хос аҳамият касб этади.

Шундай экан, давлат ва жамият, шахс, таълим, фан ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларидан келиб чиқиб баркамол шахсни шакллантиришда узлуксиз таълим тизимининг интегратив табиатига мос ривожлантирувчи стратегияларни танлап ҳамда мазкур тизимни тадқиқ этиш ва такомиллаштиришга тизимли, вазиятли, ижодий, рефлексив, мувофиқлаштирилган, этник, шахс-фаолият, миллий-худудий ва инновацион ёндашув каби ёндашувларни кўллаш ва улардан мазмун-моҳиятига кўра тўғри фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур ёндашувларни таълим-тарбия жараёнларининг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигини таъминлаш ва самарадорлигини оширишининг методологик асослари сифатида кўриб чиқиш вужудга келаётган вазиятларга боғлиқ ҳолда узлуксиз таълим тизимида ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнлари самарадорлигини

ўрганиш, таҳлил қилиш ва такомиллаштиришда ўзига хос аҳамиятга эга.

Бугунги кунда таълим-тарбия жараёнлари иштирокчилари учун кўйилаётган замонавий талаблар педагогик жараёнларни лойиҳалаштириш ва субъектлар фаолиятини режалаштириш, ташкил этиш ва такомиллаштиришда узлуксиз таълим тизими компонентларининг ўзаро алоқадорлиги ва боғлиқлиги, интегратив табиати каби қатор ўзига хос хусусиятларини инобатта олиш; мазкур тизимда инновацион ва ҳамкорликдаги фаолиятни режалаштириш, ташкил этиш ва такомиллаштириш учун шарт-шароитлар яратиш, яъни таълим-тарбия жараёнларининг самарадорлигини таъминлаш йўналишида маҳсус курслар, ўқув-семинарлари ташкил этиш ва ўқув-методик маҳсулотлар билан таъминлаш; таълим муассасаси, оила, маҳалла, жамоавий бошқарув органлари ва жамоатчилик ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш, яъни ҳамкорликда таълим муассасаларида кулагай таълимий муҳитни шакллантириш ва такомиллаштириш каби қатор йўналишлар бўйича мавжуд муаммоларни бартараф этишни назарда тутади.

Халқ таълими тизими таълим муассасалари раҳбарлари ва педагог ходимлари малакасини ошириш курси тингловчилари учун мўлжалланган мазкур ўкув қўлланмани тайёрлашда Халқ таълими вазирлиги Ҳайъат мажлисининг 2010 йил 1 июлдаги "Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 5/1 сонли қарорига асосан таёrlанган ҳамда Халқ таълими вазирлигининг 2012 йил 25 июлдаги 227-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Халқ таълими муассасалари раҳбарлари ва педагогларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга кўйиладиган давлат талаблари"да белгиланган "УЎТМ ўқитувчилари нафақат ўз соҳаси йўналишида назарий ва амалий тушунчаларга эга бўлиши, балки таълим муассасаси амалиётида педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш, вазиятларга кўра ўкувчиларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларни бошқариш ҳамда педагогик жараёнларни такомиллаштириш йўналишиларида ҳамкорликда фаолият кўрсатиши зарурияти" йўналишидаги талаблар асос қилиб олинди.

## **I БОБ. ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИГАН ПЕДАГОГИК ЖАРАЁНЛАР**

### **1.1. Таълим ва тарбия жараёнларининг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги**

Мамлакатимиз мустақилликка эришган кундан бошлаб ўз тарихимизни, ўтмишимизни, буюк аждодларимизнинг ҳаёти ва ижоди, уларнинг фикр ва ғояларини, ўзбек халқининг инсоният маданиятига кўшган ҳиссаларини ва уларнинг мазмун-моҳиятини, умуминсоний қадриятлар ва миллий урф-одатлар, шунингдек, миллий онг ва миллий ғурур асосларини ўрганишга ва қадрлашга имконият яратилди.

Президент Ислом Каримовнинг мамлакатимизнинг мустақиллиги, унинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида, яъни мустақиллик шарофати билан халқимиз ўзлигини англашани, умуминсоний қадриятлар ва миллий урф-одатларни қадрлангаётганлиги, яшаш ва меҳнат қилиш, эркин фикрлаш, сўзлаш ва ижод қилиш, ўзи истаган динга эътиқод қилиш ёки қилмаслик каби имкониятларнинг яратилганлиги борасидаги куйидаги фикрлари диккатга молик: "Мустақиллик йиллари - ўз ўтмишимиз, ўз маданиятимизни холисона билиб олиш давридир. Бу - жаҳон ҳамжамияти, тарих олдидаги вазифамизни англаш олиш давридир. Бу давр бой имкониятларга эга бўлган республикани танг аҳволга солиб кўйган сабабларни мафкуравий ақидалардан холи тарзда жиддий таҳлил қилиш, тангликни тезроқ бартараф этиш йўлларини излаш йилларидир. Мустақиллик йиллари - ёш демократик давлатни фаол кўриш, унинг сиёсатини ишлаб чиқиш давридир. Бу давр маънавий уйғониш ва миллий ўзлигини англашнинг ўсиши давридир. Бу - озодлик рухи, ўз кучларига, мамлакатнинг, халқнинг ёркин келажагига ишонч билан тўлиб-тошган даврдир. \*

Энг муҳими шуки, мустақилликни дастлабки йиллари - республиканинг ўз тараққиёт йўлини фаол излаш, Ватанимизни эркин, кучли ва равнақ топган диёрга айлантиришга интилиш даври бўлди" [1, 175 - 176-б.].

Юқорида келтирилган фикрларнинг тасдиғи мустақиллик йилларида мамлакатимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш асосида таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш, педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжни тўлақонли қондириш, таълим-тарбия жараёни иштирокчиларига зарурӣ ва етарли шарт-шароитларни яратиш, илғор педагогик тажрибаларни, замонавий педагогик технологияларни амалиётга татбик этиш учун имкониятлар яратилишида ҳам ўз ифодасини топди.

Мазкур жараёнда, Ватанимиз тарихи ва маданияти, қадимий урф-одатларимизни ҳар томонлама ўрганишга эътибор кучайди. Таълим-тарбия жараёнларида буюк аждодларимизнинг илмий, маънавий ва маданий меросларидан кенгрок фойдаланишга имконият яратилди. Таълимий ислоҳотлар таълим-тарбия жараёни иштирокчилари, тадқиқотчилар ва олимларимиз учун улкан имкониятлар вужудга келтирди.

Узлуксиз таълимни фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциялашуви, ўқувчиларнинг қобилиятлари ва имкониятларига мувофиқ равишда таълимга табақалаштирилган ёндашувни жорий этилиши, таълим беришнинг илғор педагогик технологияларини ҳамда замонавий ўқув-услубий мажмуаларни яратилиши, таълимтарбия жараёнларини дидактик жиҳатдан таъминланиши таълим тизимини такомиллаштиришга асос бўлмоқда.

Таълим муассасида таълим-тарбия жараёнларини илмий асосда ташкил этиш ва бошқаришда ҳамда узлуксиз малака ошириш жараёнларида таълим муассасаси раҳбарлари ва педагог ходимлар ўз устида ишлами, ўзининг педагогик ва бошқарувчилик қобилиятларини мустакил шакллантириб боришлида шахсий ривожланишнинг асоси бўлган асосий педагогик тушунчалар тизими мухим аҳамият касб этади.

Педагогика фани ҳам бошқа фанлар каби фан сифатида шаклланиб, ривожланиб борар экан ўзининг асосий тушунчаларига эга, бу тушунчалар физиология ва психология фанларидан таниш бўлсада, биз буларни ўзаро боғлиқлигига тўхталамиз. Педагогиканинг асосий тушунчалари мазмун-моҳиятига кўра (1-расмда кўрсатилганидек) ўзаро боғлиқ ва алоқадор бўлиб, ривожланишга асос сифатида хизмат қиласди.

Ҳаётда шахснинг ривожланиши аввало унда шахсий хислатларнинг шаклланиши билан белгиланади. Ривожланиш ўзида шахснинг жисмоний, аклий, ахлоқий ва бошқа хислатларининг такомилини намоён этадиган жараён ҳисобланади.

Демак, шахснинг ривожланиши бу унинг руҳияти ва организмидаги сифатий ўзгаришлардир деб айтиш мумкин. Бу ўзгаришлар ижтимоий мухит, уй-жой шароитлари, унинг куршаб турган кишиларнинг таъсири натижасида юз беради. Инсонга түфма равишда хатти-харакатларнинг ҳеч қандай, на ижтимоий, на иоижтимоий дастурлари берилган эмас. Ҳар бир инсон учун, шахс сифатида фазилатларнинг шаклланиш жараёни амалда нолдан бошланади. Шунинг учун ҳам маълум мақсадларга йўналтирилган таълим-тарбия шароитлари инсон шахсининг шакллантиришнинг умумий қонуниятларини инкор этмайди.

Инсоннинг ривожланишида, яъни уни тарбиялашда жамият томонидан ташкил этилган таълим муассасаларидаги таълимий мухит ва таълим-тарбия жараёнига қатнашаётган барча кишиларнинг фаолиятлари, яъни таълим-тарбия жараёни иштирокчилари таъсири ўзига хос аҳамият касб этади.

Тарбия - инсонларнинг шахсий ривожланишида асосий роль ўйнайдиган жараён бўлиб, бир авлоднинг ижтимоий тажрибасини кейинги авлодлар томонидан ўзлаштиришларини ва уларнинг ижтимоий ҳаётга қўшилишларини таъминлаб берувчи зарурӣ фаолиятдир. Тарбия - инсон тарбияланганлигининг мезони сифатида шахсий хислатларни шакллантириш билан боғлиқ ҳолда тарихан шаклланиб келган педагогик тушунча. Унинг ёрдамида инсоннинг ривожланишига ташки мухитни таъсирини фан ва амалиёт исботлаб беради. Инсон бутун умри давомида ҳаётда кимнидир тажрибасига

таянади ҳамда унга асосан ўзининг кўнирма ва малакаларини шакллантириб боради. У фақат ўтмиш меросхўри сифатида ижтимоий ҳаётга қўшилиб боради ва келажак учун тайёрланади.

Ривожланиб бораётган авлодни катта ёшдагилар тажрибасини эгаллаб бориш жараёни тарбиявий жараён бўлиб, у инсонлар ривожланишини бошқариш ҳамда уларни шахсий хислатларини шаклланишига зарур шароитлар яратиб беради. Айрим ҳолларда тарбия билан ривожланиш ўртасида ўзаро боғлиқлик йўқдек тюлади, аслида улар ўртасида боғлиқлик жуда мураккаб ва аҳамиятлидир. Инсон шахси тарбия жараёнида ривожланиб боради, ривожланиш даражаси унинг тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади яъни ўзгартиради, шакллантиради. Яхши ташкил этилган тарбия жараёни шахснинг ривожланиш даражасини тезлаштиради ва яна тарбияга қайта таъсир кўрсатади. Шу тарзда инсоннинг бутун ҳаёти давомида бу таъсир ва акс таъсирлар ўзаро бир-бирини тўлдириб, таъминлаб боради.

“Тарбия” атамасидан кўпгина педагогик атамалар келиб чиқсан: тарбиячи, тарбияланувчи, тарбияланган, тарбияланганлик, тарбиявий ва ҳоказо. Буларнинг барчасини манбаси ва маъноси битта. Тарбиячи - инсон, авлодлар тажрибасини эгаллаш учун мажбурий ёки зарурый таъминотчи. Тарбияланувчи - тажрибаларни эгаллайдиган ва ўрганадиган шахс. Тарбияланган (тарбия кўрган) - тажрибаларни яхши эгаллаган ва унумли фойдаланувчи. Тарбияланганлик - шахснинг сифат кўрсатгичи, ҳаётий тажрибаларни, одоб-аҳлоқ қоидаларини яхши ўзлаштирганлиги.

Инсонларни тарбиялаш мақсадида таълим-тарбия жараёнларини турли усуллар ва воситалар ёрдамида ташкил этиш мумкин. Яъни тарбиявий жараёнлар оммавий ахборот воситалар ёрдамида, санъат орқали, бошқарув тизими ва ташкилотларда сиёсий, маънавий ва маърифий ишларини ташкил этиш орқали амалга оширилиши мумкин. Мазкур жараёнларни ташкил этиш ва мақсадни амалга оширишда маълумот даражасини инобатга олиш мухим аҳамият касб этади.

Маълумот аниқ бир ёшдаги шахсларда билим, иқтидор ва кўникмаларнинг ўзлаштирилганлигини, интеллектуал қобилияти ўсганлигини ва улар асосида илмий дунёқараш, шахсий сифатлар шаклланганлигини, уларнинг билим, кўнирма ва малакалари ва қобилияtlарининг қай даражада ривожланганлигини англатади. Қачонки инсон маълумоти тўғрисида гапирилганда унинг маълумотлилиги тушунилади. **Маълумотлилик** - шахсий сифат кўрсаткичи, яъни шахснинг ривожланиш даражаси, унинг тажрибаси, кўнирма ва малакаларни қай даражада ўзлаштирганлиги ва улардан фойдаланиш ва улар ёрдамида яиги билим-кўникмаларни эгаллаб, тўлдириб бориш қобилиятлари тушунилади.

Маълумот тўғрисида гапирав эканмиз, маълумотли бўлиш учун тарбия ўзи етарли эмас. Тарбияни амалга оширишда маълум бир зарурый жараёнларни ташкил этиш зарур бўлиб, бу жараёнларни ташкил этиш негизида таълим тушунчаси мавжуд.

Таълим - тажрибалар алмашиниши жараёни бўлиб, режали равишда амалга ошириладиган "ўқитувчи-ўқувчи-ўқитувчи" муносабатлари жараёни, унинг натижасида маълумот, тарбия ва ривожланиш амалга ошади.

Маълумот олиш тизимида таълим асосий роль ўйнайди. Максадига кўра у иккита асосий қисмдан иборат: тажрибаларни ўргатиш (ўқитиш) ва уни ўрганиш (ўқиш). Ўқитиш - миллий қадриятларимизни, ҳаётий тажрибаларни, фан ва техника соҳаларидаги ютуқларимизни ёш авлодларга ўргатишни таъминлайди. Ўқиш - миллий қадриятларни, фан-техника соҳасидаги ютуқларни, тажрибаларни ўрганишга, тушунишга, тафаккурни ривожланишига, мустақил фикрлашга ва улардан ҳаётда фойдаланиш учун кўникма ва малакаларни шакллантиради. Ўқитиш - педагогик фаолият (ўқитувчи, ишлаб чиқариш таълим устаси, тарбиячи фаолияти), ўқиш - ўқувчи (ўрганувчи, тарбияланувчи, таълим оловчи) фаолияти.

"Таълим", "тарбия" ва "маълумот" тушунчалари бир-бирини тўлдириши ҳамда биринчиси-иккинчисини, иккинчисини-учинчиси таъминловчиси ҳисобланади.

Педагогика фани "ўзини-ўзи тарбия", "мустақил маълумот" "мустақил таълим" тушунчалари орқали инсоннинг тұғма таланти, қобилияти, ҳис-туйғулари ҳамда ички дунёсининг шахсий ривожланишидаги аҳамиятини ёритиб беради. Инсоннинг ички дунёсида шундай ҳаракатланувчи кучлар мавжудки, булар инсон шахсини ривожланишида асосий ролни ўйнайди.

Ривожланиш - бу объектив жараён бўлиб, ташки ва ички бошқарилувчи омиллар томонидан микдор ва сифат жиҳатидан жисмоний ва маънавий шаклланиш, яъни, шахснинг фазилатлари, сифатлар ва хулқларнинг шаклланиши, тушунчаларнинг чукурлашиши, кентайиши, осондан - қийинга, оддийдан - мураккабга, мавхумдан - билишга, оддий ҳаёт кечириш шаклларидан - олий фаолиятга ўтиш жараёнидир.

Ўзини-ўзи тарбия - бу ички туйғулар ёрдамида миллий қадриятларни, инсон ҳаётидаги ютуқ ва муаммоларни, тажрибаларни ўрганиш, кўникма ва малакалар ҳосил қилиш, яъни, мустақил ривожланиш жараёнидир. Таълим-тарбия жараёни қандай ташкил этилмасин, ўзини-ўзи тарбиялашсиз уни амалга ошириб бўлмайди.


Мустақил маълумот - бу авлодлар тажрибасини, фан ва техника ютуқларини ўз ички туйғулари асосида мустақил ўрганишга қаратилган ҳаракатлар мажмуасининг натижаси бўлиб, инсоннинг шахсий қобилиятларини ривожлантириш жараёни ҳисобланади. Мустақил маълумот инсон шахсини ривожланишида, тажрибаларни эгаллашида қулайликлар яратса, мустақил таълим эса, таълим олишнинг асоси ҳисобланади.

Мустақил таълим - бу инсоннинг ўзи танлаган воситалар ва адабиётлар ёрдамида авлодлар тажрибасини, фан ва техника ютуқларини ўрганишга йўналтирилган шахсий ҳаракатлар жараёни. Бунда инсоннинг ички дунёси, ҳис-туйғулари, мустақил фикрлаш қобилияти асосий рол ўйнайди. Бир ҳадисда "Сўзда сехр, шеърда

хикмат бор” дейилганидек, бу ҳақда шеъриятда шундай ҳикматли мисралар бор:

“Кимки ололмаса ҳаётдан таълим,  
Унга ўргата олмас ҳеч бир муаллим”.

Демак, “тарбия” - “ўзини-ўзи тарбия”, “маълумот” - “мустақил маълумот”, “таълим” - “мустақил таълим” тушунчалари бир-бирини тўлдирувчи ҳамда бири-иккинчисини, иккинчиси-учинчисини ва ҳ.к., таъминловчisi сифатида шахснининг ривожланиши учун хизмат қиласи. Бу ўз навбатида педагогик тушунчаларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигини тасдиқлади (1-расм).



1-расм. Таълим-тарбиявий аҳамият касб этувчи жараёнлар тизими.

Мазкур расмда тасвиrlанганидек, келтирилган педагогик тушунчалар орқали ифодаланадиган жараёнлар ҳам ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигини инобатга олиб, таълим-тарбиявий аҳамият касб этувчи жараёнлар тизими деб аташ мумкин. Чунки, тизим ташкил этувчи компонентлардан бирининг ўзгариши иккинчи бир компонент ва бошқа компонентларнинг ўзгаришига, шунингдек, бутун бир тизимнинг ўзгаришига ўз таъсирини кўрсатади.

Юқорида келтирилган педагогик тушунчалар орқали ифодаланадиган жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги биргина таълим жараёнининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр билдирилганда таълим-тарбия жараёни хусусиятлари тушунилишида ҳам ўз тасдиғини топади. Чунки, ҳеч бир алоҳида ташкил этиладиган таълим жараёни йўқ-ки, мазкур жараёнда инсон фақат ўргансин, таълим олсин-у, тарбиявий хулоса чиқармасин, яъни тарбияланмасин. Ёки аксинча тарбиявий жараёиларда таълим олмасдан, ўрганмасдан ниманидир ўзлаштиурсин ва тарбияланмасин. Шунинг учун ҳам таълим жараёни ҳақида сўз боргандага таълим-тарбия жараёни ҳақида гапирилаётганлигини англаниши одат тусига кирган.

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб айтиш мумкини, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишда педагогик тушунчалар орқали ифодаланган жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигини инобатга олиш зарур. Чунки, таълим жараёнида

ўрганилган тушунчалар мустақил таълим жараёнида бойитилади ёки ўқувчининг мустақил равишда, олдиндан ўрганган тушунчалари таълим жараёнида янги тушунчаларни пухта ва осон ўзлаштиришига хизмат қиласди.

### **1.2. Тарбиявий муносабатлар жараёнлари**

Мустақиллик шарофати билан барча таълим муассасалари учун таълим-тарбия методларини танлаш, таълим-тарбия жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда мустақил қарорлар қабул қилиш, таълим муассасасининг мустақил сиёсатини олиб бориш, таълим-тарбия жараёнларни такомиллаштириш ва ривожлантириш стратегияларини мустақил белгилаш, ҳудудий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш каби йўналишларда кенг имкониятлар вужудга келди.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнларни ташкил этишда қуидаги омилларга эътибор қаратиш зарур:

- таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини таъминлашда ўқувчилар фаоллиги ва мустақил фаолиятининг аҳамияти;
- шахслараро муносабатлар жараёнида тафаккурнинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи тарбиявий муносабатларнинг мавжудлиги;
- таълим-тарбия жараёнларнинг ўзаро боғликлиги ва алоқадорлиги; таълим-тарбиявий жараёнларда шахсга йўналтирилган таъсири ўзига хос аҳамияти ва зарурияти;
- мотивлаштиришнинг самарадорлиги таълим-тарбия жараёнларининг натижавийлигини ифодалashi;
- таълим-тарбия жараёнлар самарадорлигининг мотивлаштиришга боғликлиги;
- мотивлаштириш жараёнида ахборотларнинг аҳамияти.

Таълим муассасаларида ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнларида юқори самарадорликка эришиш учун:

- ўқувчиларнинг бошланғич тушунчалари, тасаввури ҳамда мустақил фикрларига илмий ёндашиш;
- таълим-тарбия жараёни ҳамда тарбиявий муносабатлар жараёнларида мотивларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш;
- ўқувчиларда илм олишга бўлган ижобий мотивларни шакллантириш;
- ўқувчиларда мустақил фикрлашни шакллантириш ва ривожлантириш учун зарурӣ, қулай шарт-шароитлар яратувчи ижодий мухитни вужудга келтириш;
- таълим-тарбия жараёнларнинг ўзаро боғликлиги ва алоқадорлигини таъминлаш;
- ўқувчиларда мустақил фикрлашни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларига мураккаб инновацион таълим-тарбия тизим сифатида ёндашиш;
- таълим-тарбия жараёнларида ўқувчиларда ўтмиш ва келажак ҳақидаги бой тасаввурни шакллантирувчи рефлексив ёндашувни жорий этиш;

- таълим-тарбия жараёнларда шахсга йўналтирилган таъсирни аҳамиятини ва ўзига хос хусусиятларини иnobатта олиш каби шартларнинг бажарилишини таъминлаш зарур.


Демак, таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва юқори самарадорликка эришиш учун эътиборга олиниши зарур бўлган педагогик шартлардан бири таълим муассасасида шахслараро муносабатлар жараёнида шахснинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи тарбиявий муносабатларнинг мавжудлиги экан.

Таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва самарадорлигини таъминлашда, таълим муассасаси раҳбари, ўқитувчилар ва ўқувчilar ўзаро маълум бир белгиланган муносабатда бўладилар, бу муносабатларни иқтисодий, сиёсий ва бошқа муносабатлардан фарқли равишда тарбиявий муносабатлар деб атамиз.

Тарбиявий муносабатлар инсонлар ўртасидаги доимий муносабат (алоқалар) бўлиб, улар инсон шахсини ривожлантиришга, яъни мустақил маълумот, мустақил таълим олиш, ўзини-ўзи тарбиялашни шакллантиришга хизмат қиласи ва бу жараён раҳбарлар билан ходимлар ўртасидаги муносабатларда, шунингдек ўқувчилар ҳамда педагогик ходимлар ўртасидаги муносабатларда турли шаклларда намоён бўлади. Яъни, раҳбарларнинг билими, муомала ва мулокот маданияти, кийиниши, гавда ҳаракатлари, бошқарувчилик қобилияти, фан-техника, санъат ва табиатта бўлган муносабати ҳамда қизиқиши ўқитувчи ва ходимларнинг шахсий фазилатлари, билими, муомала ва мулокот маданияти, қизиқишилари, фан-техника, санъат ва табиатта бўлган муносабатлари ҳам ўқувчиларга шундай таъсир кўрсатади.

Тарбиявий муносабатлар - бу инсонларнинг ўзаро тажриба алмасиниши, тажрибаларни ўзлаштириши, кўллаши бўлиб, бунга фан, техника, санъат ва табиат билан бўлган муносабатлар ҳам киради. Бундай тарбиявий муносабатларнинг асосий шакллари сифатида "инсон-инсон", "инсон-китоб-инсон", "инсон-техника-инсон", "инсон-санъат-инсон", "инсон-табиат-инсон" муносабатлари жараёнларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Мазкур тарбиявий муносабатлар жараёнларида инсон иккинчи бир инсонга бевосита ўзининг ҳаракатлари билан ёки воситалар ёрдамида таъсир ўтказишини кўришимиз мумкин.

Тарбиявий муносабатларни - инсонлар ўртасидаги доимий муносабат, яъни алоқалар тизими деб ҳисоблар эканмиз, бу жараён ихтиёрий таълим муассасаларидағи раҳбарлар билан ўқитувчилар ҳамда бошқа ходимлар, педагог ходимлар ва ўқувчилар ўртасидаги муносабатларни ҳам қамраб олади.



Расм. Тарбиявий муносабатлар жараёнлари

Мазкур расмда келтирилган ўзаро таъсир жараёнлари ва воситаларига асосланадиган бўлсак, "инсон-инсон" муносабатлари шаклида биринчи ўринда раҳбарнинг ўз ходимлари билан "раҳбар-ходим", ўқитувчининг ўз ўкувчилари билан "ўқитувчи-ўкувчи" муносабатларини, яъни, ўзаро муносабатлар жараёнида бевосита ва билвосита таъсир жараёнлари мавжудлигини кўрамиз.

Бу бевосита ва билвосита таъсир жараёнлари, мулокот жараёнида ёки мулокотсиз масофадан туриб ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Мулокот жараёни сўзлар ёрдамида маълумот узатиш, яъни, таъсир этиш бўлиб, бундай жараёнларда субъект хисобланадиган, таъсир кўрсатувчи раҳбар ёки ўқитувчининг нутки билан бир қаторда, гавдасининг ҳолати, кўл ҳаракатлари, овозининг оҳангига ва кийиниши ҳам жуда катта ахамият касб этади. Шунинг учун раҳбар ва ўқитувчилар ўз ходимлари ва ўкувчилар билан бўладиган мулокот жараёнида қандай сўз ва атамалардан фойдаланишига, ургуни қаерга ва қайси жумлага кўйишига, қанақа интонация билан гапиришига ҳам эътиборини қаратмоғи зарур хисобланади.

Мулокот жараёнида раҳбар ёки ўқитувчининг самимий ва дикқат билан ўз сұхбатдошига қараб туриши ва уни тинглай билиши сұхбатдоши учун ўз фикрини тўла ва тўғри ифодалаши ҳамда самимий сұхбатлашиши учун имкон яратиш билан бир қаторда, уларнинг ўз раҳбарлари ёки ўқитувчилари билан бемалол сұхбатлашиши, ўз фикрларини ва таклифларини эркин билдириши, янгиликлар яратиш борасида ҳам раҳбари ёки ўқитувчисига суюниш мумкинилигига ишонч ҳосил қилишида ҳам ўзининг ижобий самарасини беради.

Ихтиёрий раҳбар ўқитувчи ёки ходимларининг барчаси билан ҳам доимий жонли мулокотда бўлавермаслиги аниқ, шунга қарамасдан, барча ўқитувчи-ходимлар, шу қатори ўқувчилар ҳам раҳбар билан доимий, бевосита ўзаро таъсирда бўлиши тарбиявий муносабатларда намоён бўлади. Бундай бевосита таъсир масофадан туриб, мулокотсиз тарбиявий жараёнларда вужудга келади ва ундан раҳбар ҳам, ўқитувчи-ўқувчилар ҳам бир хилда таъсирланишлари мумкин. Яъни, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ташки кўриниши, кийиниши, ютуклари, фан ва спорт йўналишлари бўйича турли мусобақалардаги ғалабалари раҳбарнинг кайфиятига ва унинг рейтингига қандай таъсир кўрсатса, раҳбарнинг ташки кўриниши, кийиниши, билими, жамоадаги мавқеи, ўзи каби таълим муассасалари раҳбарлари ўртасидаги обрўси, фан-техника, спорт ва санъатга бўлган қизиқиши ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаолияти ҳамда ўзаро муносабатларига шундай таъсир кўрсатади.

Инсон ўзига ёқсан, ўзи ҳавас қиласидиган, истараси иссик, хушфеъл, билимдон ва қобилиятли бўлган шахсни кўриши, унинг жилмайиши, бирдан кайфиятининг кўтарилишига сабаб бўлади. Шундай экан, раҳбарнинг соқоли олинганилиги, соchlарининг тозалиги ва тартиблилиги, дадил қадам, маънодор хатти-харакат, самимий жилмайишлар унинг ташки кўриниши ҳисобланниб, тоза, дазмол босилган кийим кийиши, кийимларининг ўқитувчи ва мураббий раҳбарларга мос бўлиши, шунингдек, ўз хонасининг тоза ва тартибли бўлиши, китоблар шкафида замонавий адабиётлар, дарслик ва қўлланмалар, айниқса, ўз ўқитувчилари томонидан тайёрланган методик маҳсулотларнинг бўлиши тарбиявий муносабатларда жуда катта аҳамият касб этади.

“Инсон-инсон” муносабатларида мулокот жараёнини ва мулокотсиз ўзаро таъсир жараёнларини тўғри ташкил этиш билан бир қаторда, раҳбарлар ўз ходимлари ва ўқитувчиларнинг, ўқитувчилар эса ўқувчиларининг фаолияти самарадорлигини объектив баҳолай билишлари ҳам зарур ҳисобланади. Оддий бир мисол келтирадиган бўлсак, раҳбар бинога ёки кабинетига киришида оёғини пол артиш лагтасига артиб кириши, яъни, фаррош меҳнатини қадрлаши, турли тадбирларда илғор тажрибага эга бўлган ўқитувчилар қатори, вижданан меҳнат қилаётган фаррош ва бошка техник ходимларни ҳам мукофотлаб, рағбатлантириб бориши жамоа аъзолари ўртасида мажбурий итоаткорлик ўрнини онгли интизом эгаллашига имкон яратади.

“Инсон-инсон” муносабатлари жараёнининг ўзига хос хусусиятларидан бири сифатида ўқувчиларнинг ўқув фаолияти натижаларини ўқитувчилар томонидан тўғри баҳоланиши ҳамда ўз вактида рағбатлантирилиши таълим жараёни самарадорлигига ҳамда ўқувчининг ўзлаштириш даражасига ўз хукмини ўтказишини келтириш мумкин.

“Инсон-китоб-инсон” муносабатларига келадиган бўлсак, инсон бутун умри давомида тажриба орттириб борар экан, у ўз ҳаётида дуч келган муаммолар ва уларнинг ечимларини, инсон эҳтиёжи учун зарур бўлган янгиликларни қоғозга тушириб, китоб яратади ва бу

китоб иккинчи бир инсоннинг таълим-тарбия олишида, ҳаётда ўз ўрнини топишида энг асосий манбалардан бири бўлиб хизмат килади.

Шундай экан, раҳбар ёки ўқитувчининг билими, илмий даражаси, илмий-ижодий ишлари, унинг жамоадаги мавқеига ҳамда жамоа аъзоларининг фаолиятига, шунингдек, ўкувчиларнинг ўқишига бўлган қизикиши ва ўзлаштириш самарадорлигига ўз таъсирини кўрсатади. Бунда раҳбар (ўқитувчи)нинг ўз устида тинмай ишлаши, фан-техника янгиликларидан ўз вақтида хабардор бўлиши, кўп китоблар ўқиши зарур бўлиб, у ўзи ўтказадиган йиғилишларда ҳар бир сўзини илмий асосланган маълумотларга, китоб ва бошқа манбаларга боғлаб маъруза қилиши, нутқининг равон бўлиши ўқитувчи-ходимлар ва ўкувчилар билан бўлган муносабатларда ўз самарасини кўрсатади.

Раҳбар (ўқитувчи) яратган янгиликлар, унинг илмий-ижодий меҳнати, ёзган китблари, қўлланма ёки илмий-услубий мақолалари ўз жамоасидаги тарбиявий муносабатларни тартибга солиб борища асосий воситалардан бири сифатида хизмат қилиши мумкин. Яъни, таълим муассасаси раҳбари шахсан ўзи турли мавзулардаги илмий-амалий конференцияларда ўз мақолалари билан иштирок этиб борса, мактаб кутубхонасини янги адабиётлар билан бойитса, фан ва техника янгиликлари бўйича ўкув семинарларини ташкил этиб борсагина, жамоанинг илмий ижодий фаолият билан шуғулланишлари учун зарурӣ шароит яратади, шу билан бир қаторда ўқитувчиларнинг ўз устида ишлаши, билим, тажриба ва кўнижмаларни ривожлантириб боришлиарини талаб қиласидиган ижодий муҳитнинг вужудга келишига замин яратган бўлади.

Демак, "инсон-китоб-инсон" муносабатларида раҳбар ўз муассасасининг ўқитувчи ва ўкувчиларини янгиликлар билан таништириб борища, билим олишга ва ижодий ишлашга чорлашда факат куруқ сўзлар билан эмас, балки, ўзининг ижодий меҳнатининг маҳсули бўлган китоби ёки илмий-услубий мақолалари билан ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Таълим муассасаларида экологик тарбия таълим-тарбия жараёнининг таркибий қисми бўлиб, у ўқитувчи ва ўкувчиларда табиатга онгли муносабатда бўлиш, табиат заҳираларини сақлаш ва кўпайтиришга оид масъулият туйғуси ҳамда экологик муаммоларни амалий ҳал қилишдаги кўнижмаларнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан, "инсон-табиат-инсон" муносабатлари ҳам бошқарув фаолиятида раҳбарларга жуда катта вазифалар юклайди, масалан, таълим муассасасининг ташки кўриниши, яъни, ер участкаларидаи дарахт, мевали дарахтлар, гулларнинг турлари, уларнинг парвариш қилиниши ҳамда уларга берилаётган эътибор раҳбарнинг рейтингига таъсир қилиш билан биргаликда ўқитувчи-ходим ва ўкувчиларнинг табиатга бўлган муносабатларига ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Инсон билан табиатнинг ўзаро таъсирини аяглаш ва унга эътибор қаратиш шахс илмий дунёкарашининг ривожланиш жараёни бўлиб, бу жараёнда "инсон-табиат-инсон" шаклидаги тарбиявий муносабатлар намоён бўлади ва бунда табиат қонуниятларининг

инсон томонидан ўзлаштирилиши, табиат қонуниятларига оид таълим-тарбия асосида табиат яхлитлиги ҳамда атроф-мухитнинг инсон томонидан ўзгартирилиши ҳакидаги тасаввурлар шакланади.

“Инсон-техника-инсон” муносабатларида инсон ўз тафаккури, билими ва қобиляти билан ҳәтий эҳтиёжларни қондириш мақсадида техникани яратади, мураккаб тузилишга ва ишлаш принципига эга бўлган техникадан фойдаланиш учун эса, унинг тузилишини ва ишлаш принципини ўрганиш зарурияти туғилади, шунингдек, мазкур техникадан фойдаланиш услублари ҳам инсон томонидан яратилади. Бундан кўриниб турибдики, инсонлар томонидан яратилган техника ва техника воситалари бошқа бир инсонларни билим олишга, янгиликларни ўрганишга, илмий-ижодий фаолият билан шуғуланишга чорлайди.

Тарбиявий муносабатларда инсон иккинчи бир инсонга техника воситалари ёрдамида таъсир этиши ёки инсоннинг бирор бир техникага қизиқиб қолиши унинг ҳәтида жуда муҳим роль ўйнаши мумкин. Бугунги кунда турли давлатларнинг оммавий ахборот воситалари томонидан берилаётган маълумотлар, кабель телевиденияларининг кўрсатувлари ёки “интернет-кафе” шахобчаларидаги компьютер ўйинларининг ўқувчи-ёшлар тарбиясига ва уларнинг келажагига бўлган таъсирини турлича таърифлаш мумкин. Биз асосан таълим муассасаларидаги тарбиявий муносабатлар ва раҳбарларнинг вазифалари тўғрисида фикр билдиromoқчимиз.

Таълим муассасалари раҳбарлари ва ўқитувчиларнинг ўқитишнинг техникавий воситаларини яхши билиши, компьютер техникаларида қизиқиши ва улардан оқилона фойдаланиши, дарсларда ва йиғилишларда, ўқув-семинарларида слайд, электрон дарслик, ўқув-лаборатория машғулотларининг электрон варианларидан фойдаланишга эришиши тарбиявий муносабатларда ўзининг ижобий самарасини беради.

Таълим муассасасида компьютер техникаси воситаларининг янги авлодларининг бўлиши ва улардан барча ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фойдаланишлари учун, шунингдек, компьютер техникаларидан фойдаланишни ўрганишлари учун шароит ва имкониятлар яратилиши ўқитувчи-ходимлар ва ўқувчиларда раҳбарга нисбатан бўлган хурмат ва эътиборни кучайтиради ҳамда уларнинг компьютер техникаларига бўлган қизиқишини ривожлантириш билан бир қаторда, улардан фойдаланишни ўрганишга ҳамда яратилган имкониятлардан мустақил фойдаланишга ундаиди.

“Инсон-санъат-инсон” шаклидаги муносабатлар ҳам таълим муассасаларида ўзига хос аҳамият касб этади, чунки санъат бор жойда янгиликка интилиш, меҳр-муҳаббат, инсонийлик туйғулари хукм суради.

Ҳар бир инсон қайсиdir бир санъат турига қизиқади, қайсиdir бир санъаткорни севиб тинглайди ва уни кўрганда ёки эшитганда беихтиёр қайфияти кўтарилиб кетади. Таълим муассасаси раҳбариининг санъатга бўлган қизиқиши нафақат бошқарув жараёни, балки, ўқув жараёнига ҳам ўз таъсирини кўрсатади, чунки таълим

олаётган ўкувчи-ёшларнинг ўртасида бир неча бўлажак буюк санъаткорлар ҳам бўлиши мумкин.

Таълим муассасаси раҳбари ҳар доим ходимларнинг меҳнатта ижодий муносабатда бўлишига таъсир этадиган субъектив ҳамда объектив омилларга эътибор бериши керак. Тарбиявий муносабатларда шахсга турли воситалар орқали тарбиявий таъсир кўрсатилади. Бундай воситалардан бири таълим муассасаси раҳбарининг санъатга қизиқиши, санъатга ва санъат турларига бўлган муносабатлардаги шахсий намунаси бўлиб, бу таълим муассасасида санъат турлари бўйича тўгаракларнинг фаолият кўрсатишида, ўқитувчи ва ўкувчиларнинг турли байрамларда, кўриктанловларда ва фанлар бўйича ўтказиладиган кечаларда ўз қобилияtlари билан иштирок этишларида ҳамда бундай қобилият эгаларининг ўз вақтида раҳбар томонидан рағбатлантирилиб боришида намоён бўлади.

### 1.3. Педагогик жараёнлар, педагогик тизим

Мустакиллик шарофати билан таълим-тарбия жараёнида ўкувчиларни мустакил ва эркин фикрлашга ўргатиш, дунёқарашини кенгайтириш, тафаккурини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон республикаси президенти И.А.Каримовнинг "бизга собиқ тузумдан мерос бўлиб қолган маориф тизимининг энг номаъкул томони шундан иборат эди, унда ўкув жараёнида ўкувчи ва таълим олувчиларнинг мустакил ва эркин фикрлашига йўл қўйилмас эди. Ҳар қайси ўкув юрти битиувчиларнинг билимига қараб эмас, аксинча, уларнинг собиқ совет тизимига ва сохта ғояларга садоқатини ҳисобга олиб баҳолаш ва ҳаётта йўллаш тамойили асосий ўринни эгаллар эди. Шунинг учун ҳам мустакилликнинг дастлабки йиллариданоқ бутун мамлакат миқёсида таълим ва тарбия, илм-фан, касб-хунар ўргатиш тизимларини тубдан ислоҳ қилишга ниҳоятда катта зарурат сезила бошлади" [6, 62 - 63-б], - деган фикрлари, бугун ўкувчиларни мустакил ва эркин фикрлашга ўргатиш, тафаккурини ривожлантириш жараёнларига, яъни таълим муассасаларида педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришга алоҳида эътибор қаратилаётганлигини тасдиқлайди.

Демак, таълим муассасаларида ташкил этиладиган педагогик жараёнлар ўкувчиларнинг дунёқарашини ўзгартиришга, уларда ғурур, ор-номус, меҳр каби қатор туйғуларни, яъни миллий менталитетимизга мос ва хос туйғу ва хусусиятларни шакллантиришга хизмат қилиши зарур. Шунингдек, мазкур жараёнда ўкувчиларда ҳаётга, ўқишига ва меҳнат қилишига, ота-онага, дўстлари ва бошқа яқинларига, тенгдошлари ва танишларига, умуман олганда халқимиз ва миллий бойлигимизга, Ватанимиз ва Давлат рамзларига, умумииллий қадриятлар ва миллий урф-одатларимизга бўлган ижобий муносабатни ва муҳаббатни шакллантирилиши ўзига хос аҳамият касб этади.

Таълим муассасаларида педагогик жараёнларни ташкил этишида ўкувчиларнинг индивидуал психолого-дагестансијатида

|    |   |                        |
|----|---|------------------------|
| 17 | № | 135254                 |
|    |   | 2014. 11. 03           |
|    |   | AXBOROT-REBURS MARKAZI |

олиш билан бир қаторда, улар тарбияланаётган мұхитни ўрганиш, уларнинг қизиқишлиари ва эхтиёжларини инобатта олиш зарур хисобланади. Чунки, таълим-тарбия жараёнларида ўқувчиларни күпроқ әркін ва мустақил фикрлашга ўргатиши, уларнинг субъективлигини ошириш хисобига, субъект-объект муносабатларидан субъект-субъект муносабатларига ўтиш, яъни мазкур жараёнда шахсга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этиши, шунингдек, уларнинг мустақил таълим олишлари учун шарт-шароитлар яратиши, мустақил олган маълумотларини ўрганиш асосида уларнинг илмийлиги, янгилиги ва ишончлилигини таҳлил қилиши, энг янги ва ишончли ахборотлар билан таъминлаш, ўқувчиларнинг фаолиятини мувофикалаштиришда ахборотлар алмашинувига алоҳида эътибор қаратиши зарур.

Бизнинг фикримизча, таълим муассасаларида педагогик жараёнларни (келгусида педагогик жараёнлар деб келтирилади) ташкил этишда қуйидаги омилларга эътибор қаратиши зарур:

- таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини таъминлашда ўқувчилар фаоллиги ва мустақил фаолиятининг аҳамияти;
- шахслараро муносабатларда тафаккурни ривожланишига таъсир кўрсатувчи тарбиявий муносабатларнинг мавжудлиги;
- педагогик жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги;
- педагогик жараёнларда шахсга йўналтирилган таъсирни ўзига хос аҳамияти ва зарурияти;
- мотивлаштиришнинг самарадорлиги педагогик жараёнларнинг натижавийлигини ифодалashi;
- педагогик жараёнларни самарадорлигининг мотивлаштиришга боғлиқлиги;
- мотивлаштириш жараёнида ахборотларнинг аҳамияти.

Демак, педагогик жараёнларни ташкил этишда алоҳида эътибор талаб қилаётган биринчи омил таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини таъминлашда ўқувчилар фаоллиги ва мустақил фаолиятининг аҳамияти бўлиб, педагогик жараёнларда ўқувчиларнинг фаолигини таъминлашда уларнинг мустақил фаолияти, яъни мустақил таълим олиши ҳамда ўзини-ўзи тарбиялаши мұхим аҳамият касб этади ва бу аҳамият шахснинг ҳар тамонлама ривожланишида асос сифатида хизмат қилишида ўз ифодасини топади.

Аввалги мавзуларда ривожланишнинг асоси сифатида хизмат қилувчи таълим-мустақил таълим, тарбия-ўзини-ўзи тарбия, маълумот-мустақил маълумот ва тарбиявий муносабатлар келтирилган бўлиб, уларнинг мазмун-моҳияти, шахс камол топишидаги илмий-амалий аҳамиятига асосланиб айтиш мүмкинки, педагогик жараёнлари самарадорлиги нафакат таълим-тарбия жараёнини илмий асосда ташкил этишга, балки мустақил таълимни йўлга қўйиш, ўқувчиларда ўзини-ўзи тарбиялаш кўникмаларини шакллантириш, шунингдек, рефлексив таълимий мұхитни ҳамда ўзаро таъсир жараёнини ташкил этишга боғлиқ бўлади.

Юқорида келтирилган фикрларга асосланиб айтиш мүмкинки, ўқувчиларда мустақил фикрлаш кўникмаларини шакллантириш ва

ривожлантиришда энг асосий вазифалардан бири уларга мустақил таълим олиш асосида ўзлаштирилган шахсий билим ва тушунчаларнинг аҳамиятини ва улар мустақил фикрлашнинг маҳсули эканлигини ҳамда мустақил таълимнинг заруриятини тушунтиришдан иборат бўлиши зарур.

Шунингдек, педагогик жараёнларни ўкувчиларнинг мустақил таълим жараёнида олган тушунчалари асосида ташкил этиш ва мазкур жараёнда уларни ижодий фикрлашга ўргатиш асосида инновацион фаоллигини тъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу ўз навбатида ўкувчиларнинг мустақил ишлиши ва мустақил ўрганиши учун алоҳида топшириклар бериш ва унда уларнинг бошланғич тушунчалари даражасини ҳамда мойиллигини ўрганиш асосида берилаётган топширикларни бажаришга уларда қизиқиши шакллантириш каби қатор талабларни белгилайди.

Аввалги мавзуларда таъкидланганидек, педагогик жараёнларни ташкил этишда таълим муассасаларида ҳукм суроётган шахсларро муносабатларда мазкур жараён иштирокчиларининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи тарбиявий муносабатларнинг мавжудлиги ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳам инобатта олиниши зарур.

Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва уни амалга оширишда, таълим-тарбия жараёни иштирокчилари, яъни ўқитувчи ҳамда ўкувчилар ўзаро маълум бир белгиланган муносабатда бўладилар, бу муносабатларни иқтисодий, сиёсий ва бошқа муносабатлардан фарқли равища тарбиявий муносабатлар деб айтиб ўтдик.

Аввалги мавзуларда таърифланган тарбиявий муносабатлар жараёнлари ва уларнинг мазмун-моҳияти ҳамда илмий-амалий аҳамиятига эътибор қаратадиган бўлсак, “инсон-инсон” муносабатлари шаклида биринчи ўринда ўкувчининг ўз ўртоклари билан “ўкувчи-ўкувчи”, ўқитувчининг ўз ўкувчилари билан “ўқитувчи-ўкувчи” муносабатларини кўриш мумкин, ўкувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларда ва ўкувчи билан ўқитувчи ўртасидаги муносабатларда тарбиявий муносабатларнинг мавжудлигини, яъни мазкур муносабатларда ўкувчи шахсининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи бевосита таъсир жараёни мавжудлигини кўрамиз.

Демак, педагогик жараёнларни ташкил этишда ўкувчилар ўртасидаги ҳамда ўқитувчи билан ўкувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар жараёнида вужудга келувчи бевосита таъсир жараёнини инобатта олиш зарур бўлиб, бу бевосита таъсир мулокот жараёнида ёки масофадан туриб ҳам вужудга келиши мумкинлиги педагогик жараёнларда ўзига хос аҳамият касб этади.

Масалан, инсон-инсон муносабатларида бевосита таъсир вужудга келувчи мулокот жараёнини кўриб чиқадиган бўлсак, сухбат жараёнида ихтиёрий иштирокчининг, яъни сухбат жараёнидаги ўқитувчи ёки ўкувчи (ўз фикрини билдираётган шахс)нинг тушунчалари, қизиқиши ва эътибори унинг самимий ва диккат билан сўзлапи, ўз фикрини тўла ва тўғри ифодалashi ҳамда ўз тушунчаларини мағрурланиб ва эҳтиросларга берилиб ифода этиши, унинг юзидағи табассум, самимийлик ва жўшқинлик, ўз сухбатдошига қараб туриши ва уни тинглай билиши, сухбатдоши учун ҳам ўз

фикрларини билдириши ва самимий сұхбатлашиши учун имкон яратиши билан бир қаторда, мазкур жараён иштирокчиларида ўзини-ўзи ривожлантиришга мойиллик ва ўз қобилияти ва имкониятларига ишонч шакллантиради ҳамда уларда мустақил таълим олиш, дүнёқарашини кенгайтириш ва ўз ютукларидан мағурланиш каби хис-түйғуларни тарбиялашга хизмат қилади.

Үкувчилар ва ўқитувчилар маълум бир белгиланган муносабатда бўлсалар-да, ўкувчилар ва ўқитувчиларнинг ўз функционал вазифалари бўлиб, мазкур функционал вазифаларни, яъни ўқиш ва ўқитиш, ўргатиш ва ўрганиш каби функционал вазифаларни амалга ошириш жараёнида доимий жонли мулоқотда бўлавермайди. Шунга қарамасдан, барча ўкувчилар ўртасида ҳамда ўқитувчилар билан ўкувчилар ўртасида, шунингдек, ўқитувчилар ўртасида ҳам бевосита ўзаро таъсир мавжудлиги тарбиявий муносабатларда намоён бўлади.

Бизнинг фикримизча, мазкур бевосита таъсир жараёни масофадан туриб, мулоқотсиз тарбиявий жараёнда вужудга келади. Масалан, ўкувчи ўз ўқитувчисининг эслаганда, унинг исмини эшитганда ёки ўқитувчи сўзини эшитганда, шунингдек, унга ўрнак бўлаётган ёки уни ранжиттан ўқитувчини узокдан кўрганда, у ҳакида фикр юритади ва мазкур жараёнда ўқитувчининг билими, дунёқараши, кийиниши, жамоадаги мавқеи, ўзи каби ўқитувчилар ўртасидаги обрўси ҳамда ўкувчиларга бўлган муносабатлари ҳакида ўкувчи ўйлайди, бу ўз навбатида ўкувчининг дунёқарашини ўзгаришига, яъни унда шахсий fazilatlarning шаклланиши ва ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади.

Инсонни, унинг маънавий оламини кашф этадиган яна бир қудратли восита борки, у ҳам бўлса, сўз санъати, бадиий адабиётдир. Адабиётнинг инсоншунослик деб, шоир ва ёзувчиларнинг эса инсон руҳининг муҳандислари, деб таърифланиши бежиз эмас, албатта. Адабиёт, сўз санъати азалдан ҳалқ қалбининг ифодачиси, ҳакиқат ва адолат жарчиси бўлиб келади [8, 136-б.].

Ҳаммамиз яхши тушунамиз - адабиётда тарихий ҳакиқатни тиклаш билан бирга, ҳалқимиз адибларимиздан бугунги кунимиз ҳакида, замонамиз қаҳрамонлари ҳакида янги-янги асарлар кутаётгани табиийдир. Кейинги йилларда ана шундай рух билан йўғрилган бир қанча шеърий асарлар пайдо бўлаётганини мамнуният билан таъкидлаш жоиз [8, 138-б.].

Агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажагини улуғламоқчи, уни авлодлар хотирасида бокий сакламоқчи бўлсак, авваламбор буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак. Нега деганда, улуғ адаб Чўлпон айтганидек, адабиёт яшаса - миллат яшайди [8, 140-б.].

Мазкур фикрларга асосланиб айтиш мумкинки, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва уларнинг натижалари, яратилаётган янгиликлар, соҳалар бўйича амалга оширилаётган ривожланишлар, фан-техника ютуклари, таълим тизимини ривожлантиришга, таълим-тарбия жараёни иштирокчиларига ва ёшларга давлатимиз ва Президентимиз томонидан қаратилаётган

эътибор, умуммиллий қадриятларни тикланиши, миллий урфодатларни, инсон, унинг хукуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларининг қадрланиши ва уларнинг аҳамияти юзасидан ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан ёзилган мақолалар, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш, ўқувчилар тафаккурини ривожлантириш ва уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий ғояни ёшлар онгига сингдириш масаласи талқинига бағишлиланган китоблар, қўлланма ёки илмий-услубий мақолалар ўқувчиларни ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда жуда катта аҳамиятга эга.

Тарбиявий муносабатларнинг асосий шаклларидан бири ҳисобланган инсон-китоб-инсон муносабатларининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш ва уларга амал қилиш таълим муассасаси ўқувчилари ҳамда ўқитувчилари ўртасидаги тарбиявий муносабатларни тартибга солиш билан бир қаторда, ўқувчиларда ижобий фазилатларни шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий воситаларидан бири сифатида хизмат қиласди.

Ўқувчиларда табиатта онгли муносабатда бўлиш, табиат захираларини сақлаш ва кўпайтиришга оид масъулиятни шакллантириш минтақамиздаги экологик муаммоларга бефарқ бўлмасликка, уларни ўрганиш ва келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиш асосида амалий ҳал қилишда иштирок этишга чорлади.

Инсон билан табиатнинг ўзаро таъсирини англаш ва унга зътибор қаратиш шахс илмий дунёқарашининг ривожланиш жараёни бўлиб, бу жараёнда "инсон-табиат-инсон" шаклидаги тарбиявий муносабатлар намоён бўлади ва бунда табиат қонуниятларининг инсон томонидан ўзлаштирилиши, табиат қонуниятларига оид таълим-тарбия асосида табиат яхлитлиги ҳамда атроф-муҳитнинг инсон томонидан ўзгартирилиши ҳақидаги тасаввурлар шаклланади.

Педагогик жараёнларнинг асосий шаклларидан бири сифатида инсон-техника-инсон муносабатлари ҳам ўзига хос аҳамият касб этади, чунки таълим-тарбия жараёнларида ўқитувчилар томонидан слайд, электрон дарслик, ўқув-лаборатория машғулотларининг электрон вариантларидан фойдаланилиши ўқувчиларнинг компьютер техникаларига қизиқишини ривожлантириш ва улардан оқилона фойдаланишга ўргатиш билан бир қаторда, фан-техника ютуқлари билан таништиришга замин яратади.

Педагогик жараёнларнинг инсон-санъат-инсон муносабатлари шаклидаги жараёнлар ҳам ўқувчилар таълим-тарбиясида ўзига хос аҳамият касб этади, чунки санъат бор жойда янгиликка интилиш, меҳр-муҳаббат, инсонийлик туйғулари хукм суради.

Инсоннинг руҳий камолоти ҳақида гапирар эканмиз, албатта бу мақсадга мусиқа санъатисиз эришиб бўлмайди. Халқимиз ҳаётида мусиқа азалдан бекиёс ўрин тутиб келади. Самарқанд яқинидаги Мўминобод қишлоғидан З минг 300 йил муқаддам суюқдан ясалган най чолғуси топилгани ҳам шундан далолат беради [8, 140-б.].

Барчамизга аёнки, куй-қўшиқса, санъатга муҳаббат, мусиқа маданияти ҳалқимизда болаликдан бошлаб, оила шароитида шаклланади. Уйида дутор, доира ёки бошқа чолғу асбоби бўлмаган,

музиқанинг ҳаётбахш таъсирини ўз ҳаётида сезмасдан яшайдиган одамни бизнинг юртимизда топиш қийин, десак муболаға бўлмайди [8, 141-б.].

Қачонки, миллий маданиятимизнинг узвий қисми бўлган театр санъати хусусида сўз борар экан, буюк маърифатпарвар Махмудхўжа Бехбудийнинг “Театр - бу ибодатхонадур” деб айтган фикрини эслаш ўринлидир [8, 143-б.].

Кино санаътининг инсон онги ва тафаккури, жамият ҳаётига таъсири бекиёс эканини ҳисобга олган ҳолда, истиқлол йилларида миллий киноматографияни ҳам ҳар томонлама ривожлантириш, бу борада зарур моддий ва маънавий шарт-шароитларни яратиш бўйича амалга оширилган кенг кўламли чора тадбирлар туфайли янги-янги фильмълар суратга олинмоқда, улар орқали тарихимиз ва бугунги ҳаётимиз билан боғлиқ турли мавзулар ёритилмоқда. Ўзбек кинолари нуфузли халқаро фестивалларда совринли ўринларга сазовор бўлаётгани, албатта, қувонарлидир [8, 146-б.].

Юқорида келтирилган фикрлар, педагогик жараёнларда ўкувчиларнинг санъатга бўлган муносабатларини инобатта олиш ва мазкур жараёнларда санъатнинг турли шаклларидан таълимтарбиявий восита сифатида фойдаланиш мумкинлигини, яъни санъат ўкувчи шахсини ривожланишида, унда шахсий фазилатларнинг ижобий шаклланишида, уларда таълим олишга бўлган қизиқишини ривожланиб боришида ўзига хос аҳамият касб этишини тасдиқлайди.

Демак, педагогик жараёнларни ташкил этишда ўқитувчилар ҳар доим ўкувчиларда таълим олишга бўлган қизиқишлини шакллантириш ва ривожлантиришга таъсир этадиган субъектив ҳамда объектив омилларга эътибор бериши керак. Яъни ўкувчининг санъатга ва санъат турларига бўлган муносабати, турли тадбирларни ташкил этишдаги фаоллиги, ташаббускорлиги, турли байрамларда, кўрик-танловларда ва фанлар бўйича ўтказиладиган кечалардаги иштироки натижалари ҳам мунтазам рағбатлантирилиб борилиши ўкувчиларда таълим олишга бўлган қизиқишини ривожлантирувчи мотив сифатида хизмат қиласи.

Педагогик жараёнларнинг асосий шакллари сифатида ҳукм суроётган тарбиявий муносабатлар жараёнларининг ўзига хос хусусиятларидан бири уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги бўлиб, бу хусусиятлар педагогик жараёнларнинг асосий компонентлари сифатида таълим муассасаларида маҳсус ташкил этиладиган маъруза, семинар, давра сухбати, тадбирлар, конференция, экскурсия, педагогик амалиёт жараёнлари билан ҳам ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигини таъминлаш зарурини белгилайди.

Уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигини таъминлашда педагогик жараёнларни мълум бир изчилликда ташкил этиш ва унда ўрганиладиган мавзуларнинг мазмун-моҳиятига кўра ўзаро боғлиқ ҳолда ўрганиш, маъруза, семинар машғулотларида ўрганиладиган мавзулар билан ўкувчилар мустақил ўрганадиган мавзуларни белгилашда, уларнинг изчиллигига ҳамда мавзуларни параллел ўрганиш мумкинлигига эътибор қаратиш зарур.

Демак, педагогик жараёнлар - бу шахслараро муносабатларда тарбиявий муносабатлар жараёнлари) ва таълим муассасаларида маҳсус ташкил этиладиган маъруза, семинар, давра сұхбати, гадбирлар, конференция, экскурсия, педагогик амалиёт жараёнларини ўз ичига олиб, инсонларнинг шахсий сифатларининг шаклланиши ва ривожланишига, хатти-харакати ва дүнёқарашини ўзгаришига, тажрибасининг бойиши, билим, күникма ва малакаларининг шаклланиши ва ривожланишига хизмат қиладиган әмиллар мавжмуини ташкил қылувчи таълимий мұхит ҳисобланади.

Таълим муассасаларида ташкил этиладиган педагогик жараёнлари (маъруза, семинар, амалий машғулот, түгарақ машғулотлари, экскурсия, давра сұхбати, учрашувлар, фанлар бўйича ташкил этиладиган мусобака ва танловлар, санъат фестивалари, конференция, ва бошқа турли йўналишлардаги тадбирлар, мустақил таълим, ўзини-ўзи тарбия, мустақил маълумот, мустақил ишлар, курс ишлари, битирув малакавий ишлар, тарбиявий муносабатлар жараёнлари ҳамда педагогик тажриба-синов ва педагогик амалиёт жараёнлар)нинг мажмуи ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги педагогик тизимни ташкил этади.

Юқорида келтирилган педагогик жараёнларнинг мажмуи ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги педагогик тизим сифатида тавсифланишига асосий сабаб, ҳар бир педагогик жараённинг самарадорлиги иккинчи бир педагогик жараён самарадорлигига ўз таъсирини кўрсатади ва бу хусусиятлар тизимнинг ўзига хос хусусиятларни ифодалайди.

Яъни педагогик тизим компоненти сифатида маъруза машғулоти самарадорлиги мазкур тизим компонентларидан бири ҳисобланган семинар машғулотлари натижавийлигига ўз таъсирини кўрсатиши ёки мустақил таълим учун асос сифатида хизмат қилиши, шунингдек, педагогик тажриба-синов жараёни ёки таълим муассасалари (олий таълим ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари талабалари учун) ташкил этиладиган педагогик амалиёт жараёнлари самарадорлиги келажак авлод таълим-тарбияси жараёнлари самарадорлигига ўз таъсирини кўрсатиши уларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда алоқадорлигини ифодалайди ва мазкур хусусиятлар тизимга хос хусусиятлар ҳисобланади.

## **II БОБ. ПЕДАГОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШ**

### **2.1. Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришга замонавий ёндашувлар**

Замонавий педагогика фани педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш ғояларини ҳар томонлама, турли нұқтаи назардан үрганишга интилиш билан бир қаторда уларни таълим амалиётига татбиқ этишнинг йўл-йўриқларини ишлаб чиқади. Бугунги кун педагогика фанида тизимли ёндашув методологиясисиз педагогик жараёнларнинг самарадорлигини таъминлашни тасаввур қилиб бўлмайди. Бундай ёндашувнинг жорий этилиши мазкур жараёнларда тасодифий ва кутилмаган ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қиласди.

Тизимли ёндашувда таълим муассасаларида ташкил этиладиган педагогик аҳамият касб этувчи барча жараёнлар мажмуй яхлит тизим сифатида, яъни ташки мухитда хизмат қилаётган мураккаб педагогик тизим сифатида кўриб чиқилади.

Бунда педагогик жараёнларнинг алоқалари ва боғлиқлигининг мазмун ва моҳиятига кўра уларни бир бутун, яъни яхлит ҳолда тасаввур қилиш талаб этилади. Педагогик жараёнлар самарадорлигини үрганишда алоҳида хусусиятларга эга бўлган бир неча қисмларга ажратиб, улар ўртасидаги алоқалар ҳамда ўзаро боғлиқлик хусусиятлари аникланади, чунки ҳар бир қисм яхлит тизимнинг ўзгаришига ўз таъсирини кўрсатади.

Тизимли ёндашув педагогик жараёнлар самарадорлигини үрганишда ўзига хос яхлитлик, умумийлик, универсаллик, дифференциаллик каби тушунчалар асосида мужассамлаштирилган технологиялар, яъни тадқиқотнинг интеграцион технологияларини ўз ичига олади. Универсал тушунчалар аппарати, абстракциянинг юқори даражаси, асосий тамойилларнинг интегратив хусусиятлари - субъектларнинг турли соҳалар бўйича тушунчалари, фикрлаши ва дунёқарашини үрганишнинг самарали усули сифатида тизимли ёндашувни қўллаш имкониятини яратади.

Тизимли ёндашув йўналишидаги барча билим, кўникума ва малакалар мажмуй ўқувчи-талабалар фаолиятини режалаштириш, ташкил этиш ва бошқаришда профессор-ўқитувчиларга қўйилаётган талаблар мажмuinи ифодалashi билан бир қаторда, уларнинг фаолияти самарадорлигини таъминловчи энг зарур омиллар ҳисобланади.

Тизимли ёндашувнинг асосий тушунчаси “тизим” бўлиб, алоқа, муносабатлар, интеграция, яхлитлик, ташкил этувчи қисмлар каби тушунчалар орқали ифодаланади. Тизимнинг бир-бири билан боғлиқ бўлган, ўзаро таъсир этувчи компонентларининг мажмуй яхлит объекти ташкил этади.

Педагогикада “тизим” тушунчаси жуда кенг қўлланилади, масалан, таълим тизими, тарбия тизими, таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш шакллари ва методлари тизими ва ҳоказо. Ижтимоий тизимнинг турларидан бири ҳисобланган педагогик тизим -

инсонларга ва ёш авлодга таълим ва тарбия бериш, таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш мақсадларига хизмат қилувчи турли структуравий ва функционал боғлиқ бўлган компонентлар мажмуидан иборат бўлади.

Педагогик тизимни ўзгартириш, уни қайта ташкил этиш ва мослаштириш қайсиdir компонент ёки бир неча компонентларнинг ўзаро таъсир кўрсатиш йўналишига боғлиқ бўлади. Масалан, педагогик жараён субъектлари фаоллигини таъминлаш, мазкур жараённи ташкил этиш ва бошқаришнинг илмий-методик таъминотини ривожлантириш, таълим мазмунини такомиллаштириш ва ҳ.к. Тизимли ёндашув йўналишида турлича қарашлар мавжуд бўлиб, улар қуидагиларни ўз ичига олади:

1. Тизимлилик, яхлитлилик - бундай шаклдаги тизимни компонентлар, ўзаро таъсир этувчи қисмлар ва бўғинларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги ташкил этади ва уларнинг ўзаро бирикиши функционал вазифаларни амалга ошириш ва ривожлантириши таъминлайди.

2. Педагогик тизимда тизимни ташкил этувчи омиллардан бири мақсад бўлиб, унга эришиш учун услуг ва воситалар зарур ҳисобланади. Мақсадга эришишда тизим ва унинг компонентларининг ҳаракати тизим функциясининг моҳиятини белгилайди.

3. Педагогик тизим уни ташкил этувчи компонентлар мажмуини ифодалаб, унинг ўзгариши ички зиддиятларга боғлиқ бўлади.

4. Педагогик тизим очик бўлганлиги сабабли ташки мухит билан кўпгина коммуникациялар орқали боғлиқ бўлади. Ташки мухит ва мавжуд муносабатлар педагогик тизимнинг ҳаракатланиши ва ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади.

5. Ахборотларнинг педагогик тизимга келиб тушиши ва ундан қайта узатилиши тизим компонентларининг ўзаро ва бутун бир тизим билан ҳамда тизимнинг ташки мухит билан алоқа қилиш услублари ҳисобланади.

Мамлакатимизда ва хорижда педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришнинг илмий асослари вужудга келишига кўра ўзининг чукур тарихий илдизларига эга бўлиб - бу тизимли ёндашувнинг ривожланиш жараёнидир.

Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришга илмий ёндашувнинг барча асослари умумназарий, умумбошқарув, умумтехнологик, умумтизимлилик ёндашувлар бўйича олиб борилган изланишларнинг натижаларига асосланади. Шундан келиб чикиб, тадқиқотчи, олим, раҳбар ёки педагог ҳар бир ҳодиса ва воқеани, ҳар бир обьектни ҳамда ўз фаолиятини тизим сифатида ҳисоблаб, тизимли ёндашув тамойилларини қўллаши зарур.

Таълим муассасасида педагог ҳодимлар ва раҳбарларнинг асосий вазифаси педагогик жараёнларни ташкил этишда ижобий натижаларга эришиш учун жамоада зарурӣ шарт-шароитларни яратиш, раҳобатбардош битирувчилар тайёрлаш учун педагогик жараёнларни яхлит тизим сифатида ривожлантириш ҳисобланади.

Педагогик жараёнларни ўзаро боғлиқ ҳолда яхлит тизим деб ҳисобласак, уларни ташкил этиш ва бошқариш ҳам тизимли хусусиятга эга бўлиши керак. Педагогик жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил килишга тизимли ёндашувнинг мазмун ва моҳиятини қўйидаги тамойиллар асосида кўрсатишимиш мумкин:

- педагогик жараён иштирокчилари ҳисобланган профессор-ўқитувчилар ва ўкувчи-талабалар мазкур жараён субъектлари сифатида фаолият кўрсатиши, яъни педагогик жараёнларда субъект-субъект муносабатларининг қарор топиши;
- педагогик жараён субъектлари фаолиятининг мақсадга йўналтирилганлиги, изчилиги ва ўзаро боғликлigi;
- мажмуавийлилик - педагогик жараёнлар ўзаро боғлиқ ва алоқадор бўлган компонентлар мажмун эканлиги;
- интегративлик - ҳаракатланиш ва ривожланишга хизмат қилувчи ички ва ташки омилларнинг ўзаро бирлиги;
- ўзаро боғликлик - педагогик жараёнлар алоҳида бир тизим сифатида ва юқори тартибли яхлит педагогик тизимнинг ташкил этувчи компоненти сифатида мавжудлиги;
- коммуникативлик - педагогик тизимнинг ташки мухит ва бошқа тизимлар билан ўзаро таъсир этиш хусусиятларига эга эканлиги.

Педагогик жараёнлар самарадорлиги, яъни таълим-тарбия жараёнлари натижавийлиги субъектларнинг шахсий ривожланиши ва тайёргарлигининг давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқлик даражасини белгилайди.

Таълим муассасаси фаолиятида вужудга келаётган педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш йўналишидаги муаммоларнинг кўпкірралилиги ва мураккаблиги, нафақат педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришни сифат жиҳатдан ўзгартиришни назарда тутади, балки унинг мазмунини такомиллаштириш заруриятини ҳам белгилайди.

Таълим муассасасини ислоҳ қилиш жараёнлари одатда локал, алоҳида, қисмлар бўйича, айрим профессор-ўқитувчиларнинг ижодий-педагогик фаолияти доирасида ўзаро боғлиқ бўлмаган янгиликлардан бошланади.

Кейин ислоҳотлар соҳалар, тармоқлар, бўғин ва қисмларни қамраб олади. Ислоҳотлар жараёни тўла обьектни, яъни таълим муассасани қамраб олган даврда барча ўкувчи-талабалар, профессор-ўқитувчилар, раҳбарлар иштирок этадилар ҳамда ривожланишга, ижобий натижаларга эришишга йўналтирилган янги мақсадларни ва таркибий тузилишга эга бўлган янги турдаги таълим муасасасини яратиш зарурияти ва имконияти вужудга келади. Бундай ҳолларда таълим муассасаси алоҳида бир ижтимоий организм, ижтимоий тизим сифатида ривожланади.

Таълим муассасалари олдига қўйилган мақсадларга эришишга қаратилган, олдиндан яратилган, мавжуд бўлган салоҳиятлар асосидаги фаолиятлар жараёни асосий (таълим-тарбиявий) ва ёрдамчи (таъминловчи ва шарт-шароитлар яратувчи) жараёнларни ўз

ичига олади. Ривожланиш жараёнлари мазкур фаолиятлар билан боғлиқ ҳолда, салоҳиятни бойитиш, кентайтириш асосида янада янги сифатларга, юқори ва самарали натижаларга эришишга йўналтирилган ва унинг самарадорлигини оширишга қаратилган бўлиб, улардан фойдаланишда самарадорликка эришиш ва ривожлантириш учун одатда белгиланган мезонларни алмаштириш, асосий ва ёрдамчи жараёнларни ёки фаолият жараёнини такомиллаштириш зарур бўлади.

Фаолиятнинг муваффакиятсизлiliklari ва натижаларнинг замонавий талабларга мос келмаётганлиги тўғрисидаги маълумотларни олиб, тизим мавжуд бўлган муаммоларни ўз салоҳияти даражасида эски усуллар асосида ҳал қилишга ҳаракат килади. Тангликни бартараф этиш тизимни қайта ташкил этиш асосида амалга оширилади.

Педагогик жараёнлар бир бутун организм сифатида ички ўзгаришларга асосан ривожланади ва ўзаро алоқалар тизими барқарорлашади. Мақсадга эришишдаги вазифалар, турли хил муаммоларни ҳал этиш замонавий усуллар ёрдамида амалга оширилади, натижалар замон талабларига мослашади ва педагогик тизим самарадорлиги таъминланади.

Таълим муассасаларидаги мавжуд муаммоларни ҳал қилиш йўналишидаги ёндашувлар, анъаналар, таомиллар, белгиланган тартиб ва меъёрларни ўз ичига оловчи таълим муассасаси маданияти педагогик тизимнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Таълим муассасаси фалсафаси ва маданиятини (бошқарув, педагогик, ўкув, маънавий) ўзаро мослаштириш жуда зарур.

Педагогик жараёнларни самарали ташкил этиш ва бошқарниш учун раҳбарлар ва жамоанинг бошқа вакилларидан иборат таълим муассасасининг ички бошқаруви, яъни ички назорат ташкил этилади. Таълим муассасаси жамоаси - бу мураккаб тизим бўлиб, ўкув ва меҳнат фаолиятини қониқарли ташкил этиш, шунингдек, таълим муассасаси фаолиятининг натижаларига ўз таъсирини кўрсатувчи расмий ва норасмий, горизонтал ва вертикал, шахслараро ва меҳнат фаолиятига оид алоқалар ҳамда муносабатларни қамраб олади.

Таълим муассасаси бошқарув фаолиятининг тизимили объекти сифатида қуйидаги хусусиятларга эга:

- зарурият, имконият, таълим муассасасининг кўрсаткичлари ва ўз қобилиятини баҳолаш мезонларини ҳисобга олиш асосидаги ривожланиш йўналиши;

- унинг салоҳияти, функционал имкониятлари, индивидуаллиги ва маданийлиги;

- таълим муассасасининг менталитети;

- унинг яхлит педагогик тизими;

- илмий-методик маҳсулотлар ва воситалар билан таъминланиш имкониятлари;

- ички имкониятлари ва ташки мухит билан муносабатлари;

- педагогик ва таълим муассасаси жамоаларининг ривожланиши, шунингдек, таълим муассасасининг ички бошқарув тизими ва унинг ривожланиши.

Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш жараёнларини лойихалашда тизимли объект сифатида яхлит педагогик жараённи ривожлантириш ва унинг уникал моделини такомиллаштиришга ташкил этувчи қисмлар таъсир кўрсатишнинг аҳамиятини инобатга олиш, шунингдек, бир хил ва тенг шароитларда педагогик жараёнларнинг ривожланишига кўпроқ таъсир кўрсатувчи баъзи қисм ва бўғинларни ўзгартиришга имтиёзлар бериш зарур.

Педагогик жараёнларнинг умумий моделини ўзгартиришда профессор-ўқитувчилар, ўкувчи-талабаларнинг имкониятлари, бошланғич тушунчалари ва ишончларига асосланиш керак, чунки янгиланган модел замонавий талаблар даражасида ўкувчи-талабаларнинг ўзгарувчан таълим-тарбиявий, маънавий эҳтиёжларини қондира олиши, юқори даражада кўникума ва малакаларга эга бўлган профессор-ўқитувчиларнинг тажрибаларини кўллаш ҳамда уларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантиришга зарурый шарт-шароитларни яратиб бериши зарур бўлиб, педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда қуидаги асосий тамойилларни инобатга олиш лозим:

педагогик жараёнларни самарали ривожлантириш йўллари тасодифий ҳолда ва тахминий белгиланганда уларнинг ривожланишидаги муваффакиятлар субъектларнинг қобилиятларига, педагогларнинг қулай вазиятларни кўра олиши ва уларни қўлдан чиқармаслигига боғлиқлиги;

- тизимли объект сифатида педагогик жараёнларнинг муваффакиятили ривожланиши учун уни ташкил этувчи барча компонентларнинг ривожланиш суръатларини, субъектлар муносабатлари ва фаолияти интеграциясини таъминлаш ҳамда мувофиқлаштиришнинг зарурлиги;

- педагогик жараёнларнинг ривожланишидаги муваффакиятлар мавжуд омилларга асосланган ҳолда профессор-ўқитувчиларнинг келажакни кўра олиш ва ривожланиш имкониятларини олдиндан аниқлай олиш маҳоратларига боғлиқлиги;

- мураккаб тузилишга эга бўлган педагогик жараёнларнинг ривожлантиришга бўлган эҳтиёжлар ва имкониятларни, субъектларнинг қобилиятлари ва бошланғич тушунчаларини аниқламасдан педагогик жараёнларни ривожлантириш йўналишларини мажбуран белгилашни мумкин эмаслиги;

- кучли, мажбурий ва кенг қамровли таъсир кўрсатиш усуллари асосида педагогик жараёнлар самарадорлигини таъминлаш имкониятининг мавжуд эмаслиги;

- ташкил этувчи қисмлар ва бўғинлар бўйича аниқ белгиланган тартибда (локал) таъсир кўрсатиш педагогик жараёнларнинг самарали ривожланишида яхши натижаларга эришишга асос сифатида хизмат қилиши.

Педагогик жараёнларда субъектлар фаолиятини мувофиқлаштиришда уларнинг мустақил ва самарали фикрлапининг мухим механизми сифатида рефлексив ёндашув ўзига хос аҳамият касб этади.

Рефлексив ёндашув жараёнида ўрганилаётган тушунчаларни кенг тизим контекстида тушунтириш жараёнларини алохидаташкил этиш (вужудга келаётган вазиятларни ва субъектлар хатти-харакатларини баҳолаш, белгиланган вазифаларни самарали бажариш усуллари ва йўналишларини аниқлаш), субъектларнинг ўзини-ўзи таҳлил қилиши, ўз тушунчалари ҳамда хатти-харакатларини фаол ўйлаб кўриши учун шарт-шароитлар яратади.

Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда шахс-фаолият ёндашуви ҳам зарур ҳисобланниб, педагогик жараёнларда субъектлар фаоллигини таъминлаш ва аниқ мақсадларга кўра белгиланган вазифаларни бажаришга субъектларни мотивлаштириш йўналиши сифатида вужудга келади.

Шахс-фаолият ёндашувида шахснинг ва фаолиятнинг компонентлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўрганилади, чунки бу ёндашув асосида ташкил этиладиган педагогик жараёнларда ўқувчи-талабалар субъект сифатида фаолият кўрсатади ва ўз навбатида, ўқувчи-талаба шахсининг субъект сифатида ривожланиши унинг фаоллиги, мустақил, эркин, танқидий, таҳлилий ва самарали фикрлашининг ривожланиши орқали аниқланади.

Педагогик жараёнлар ва субъектлар фаолиятининг тез ўзгарувчан ҳұсусиятлари яна бир методологик ёндашувни жорий этишга эътибор қаратиш заруриятини белгилайди, яъни бошқарилувчи объектнинг маълум бир шароитдаги ички ва ташки вазиятига қараб бошқаришнинг маъқул услубини кўллашни талаб киласди. Бу ўз навбатида педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш жараёнларига вазиятли ёндашувни татбиқ этишни назарда тутади.

Вазиятли ёндашув - педагогик жараён самарадорлигини аниқ вазиятларга кўра аниқлашни кўзда тутади. Вужудга келаётган вазиятларга кўра субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш энг самарали усуллардан бири ҳисобланади.

Вазиятли ёндашувда бошқарилувчи объект ҳисобланган педагогик жараённинг аниқ шароитдаги ички ва ташки вазиятига қараб субъектлар (ўқувчи-талабалар) фаолиятини мувофиқлаштириш мазкур жараён самарадорлигини таъминлашга хизмат қиласди. Вазиятли ёндашув жараёнида куйидагиларни инобатга олиш ўзига хос аҳамият касб этади:

- педагогик жараёнларни такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган омилларни аниқлаш мақсадида педагогик жараёнда вужудга келаётган вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва объектив баҳолаш;

- турли педагогик вазиятларда эришиш мумкин бўлган натижаларнинг самарадорлигини олдиндан аниқлаш;

педагогик жараёнларни ва субъектлар фаолиятини илмий асосда ташкил этишни режалаштиришда мазкур жараёнга тасир кўрсатувчи омилларни ҳамда вужудга келиши мумкин бўлган вазиятларни олдиндан тасаввур қилиш асосида субъектлар фаоллигини таъминлаш йўлларини белгилаш.

Педагогик жараёнлар самарадорлигини ошириш, кўзланган мақсадга эришишда субъектлар фаоллигини таъминлашга жалб этиладиган сарф-харажатларнинг меъёрдан ортмаслигини таъминловчи, субъектларнинг имконияти, қобилияти ва бошланғич тушунчаларига ҳамда мавжуд вазиятлар ва шарт-шароитларга мос келувчи, энг кулай бўлган ҳамда педагогик жараён ва унинг таркибий тузилишини қайта ташкил эта оладиган тизимни вужудга келтириш мувофиқлаштирилган ёндашувни жорий этишдир.

Содда қилиб айтганимизда, мувофиқлаштирилган ёндашувни амалиётга татбиқ этилиши натижасида субъектларнинг фаоллигини ҳамда педагогик жараён самарадорлигини таъминлаш учун сарф этиладиган меҳнат ва вақт тежалади, шунингдек, педагогик жараёнларда бир томонламалилик (субъект сифатида факат ўқитувчининг ўзи фаолият кўрсатиши) бартараф этилади.

Натижалар бўйича бошқарув. Бундай ёндашувнинг асосий ғояси шундан иборатки, ҳеч бир жараён, жумладан, педагогик жараён ҳам ўзи-ўзича ҳеч қандай аҳамият касб этмайди. Педагогик жараёнларнинг аҳамияти унинг натижавийлигида ўз ифодасини топади ва унинг натижавийлиги субъектлар (ўкувчи-талабалар)нинг фаоллигини таъминлаш ва фаолиятини мувофиқлаштириш асосида турли ривожланишларни амалга оширишни кўзда тутади.

Натижалар бўйича бошқарув тушунчаси ривожланиш тизими сифатида амал қиласи ва педагогик жараён субъектлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларнинг фаоллигини таъминлаш асосида белгиланган натижаларга эришиш мумкин. Мазкур жараёнда белгиланган вазифалар ва ўрганиладиган тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини ҳар бир иштирокчига тушунтириш орқали субъектларнинг ўзини-ўзи бошқариши ҳамда ўз фаолиятига ижодий ёндашувни жорий этиши таъминланади.

## **2.2. Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда мотивлаштириш**

Мамлакатимизда жорий этилган узлуксиз таълим тизими барча таълим муассасаларида ташкил этиладиган педагогик жараёнларининг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигини, изчиллиги ва узвийлигини таъминлаш асосида таълим-тарбия жараёнлари самарадорлигини ошириш, замонавий методларини ва воситаларини таъминлаш ҳамда таълим-тарбия жараёнларига инновацияларни татбиқ этиш асосида рақобатбардош битирувчилар тайёрловчи кулай таълимий мухитни шакллантиришни назарда тутади.

Таълим муассасаларида рақобатбардош, мустақил фикрловчи, барча фанларни яхши ўзлаштирган, чет тилларини мукаммал биладиган, маънавий баркамол битирувчилар тайёрлашга йўналтирилган таълимий мухитни шакллантириш учун зарурый шарт-шароитларни яратишда ўкувчиларнинг эҳтиёжлари ва имкониятларини ўрганиш асосида уларнинг ўкув фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантириш зарур бўлиб, мазкур жараёнда мотивлаштириш ўзига хос аҳамият касб этади.

Ўкувчилар фаолиятини психологик жиҳатдан тадқиқ қилишда мотивацион ёндашув самарали ҳисобланиб, у ҳам назарий, ҳам амалий аҳамият касб этади. Назарий аҳамияти бугунги ўзбек ўқувчисини ўқишига жалб қилишнинг, самарали таълим беришнинг психологик механизмларини ўрганиш бўлса, амалий аҳамияти – назарий билимларга асосланган ҳолда ўқувчиларда ижобий мотивларни шакллантиришимиз мумкин бўлади [70, 3-б.].

Демак, таълим беришнинг самарали механизмларини яратишида, яъни таълим-тарбия жараёнларида ўқувчиларни фаоллигини таъминлашда уларни ўрганилиши зарур бўлган тушунчаларни ўзлаштиришига жалб қилиш ҳамда ўқувчиларда таълим олишга бўлган қизиқишларни шакллантириш ва ривожлантириш воситалари сифатида мотивлар ўзига хос аҳамият касб этади.

Шундай экан, мотив ўзи нима? Ўқувчиларда қайси мотивларни шакллантириш зарур? Ўқувчиларда мотивлар олдиндан шаклланган бўлиши мумкини? Юқорида ижобий мотивлар деган жумла ишлатилди, салбий мотивлар ҳам бўлиши мумкини? Мотивларнинг қандай турлари мавжуд? каби саволлар туғилиши табиий.

Мотив – одамни муайян хатти-ҳаракатларга ундаидиган бош сабаб. Одамни фаолиятига ундовчи асосий сабаб унинг эҳтиёжларидир. Бинобарин, эҳтиёжларнинг турига қараб мотивлар ҳам ҳар хил бўлади. Психологияда мотивлар иккита катта категорияга бўлинади: табиий мотивлар ҳамда маънавий мотивлар. Мотивлар, уларнинг мазмунини акс эттириш шаклига қараб ҳам бирбиридан фарқ қиласди: ҳиссиёт, тасаввур, фикр, тушунча, гоя, маънавий идеал ва бошқа мотивлар. Баъзи ҳолларда мотив алоҳида ҳаракатларга ундан, бу ҳаракатнинг мақсади билан бевосита мос келади. Кўпинча, мураккаб фаолиятда мотив ҳаракат мақсадига бевосита мос келмай, бир мақсадни амалга ошириш учун бир қанча ҳаракатларни бажаришига тўғри келади. Шунинг учун фаолият предмети мотив ҳаракатининг ўзидир. Ҳакиқатда, мотивлар фаоллашган, мақсадга қаратилган, факат хаёлда амалга ошуви ёки идрок қилинган бўлиши мумкин. Асосан, буларнинг заминида у ёки бу эҳтиёжлар туради [70, 512-б.].

Демак, мотивлар эҳтиёжларнинг қондирилиши билан боғлиқ бўлган фаолиятга ундовчи ва унинг йўналишини белгиловчи сабаблар ҳисоблансада, мотив тушунчаси тадқиқотчилар томонидан турлича талқин қилинади. Адабиётларда мотивга берилган тавсифлар турлича бўлиб, уларнинг айримлари инсонда вужудга келувчи ҳолатларни, яъни инсонни хатти-ҳаракатга келтирувчи ҳолатларни мотив деб аташса, айримлари инсонларнинг мақсади, қизиқиши, орзу-истаги, нияти, интилиши, манфаати, эҳтиёжи ва зътиқодларини мотив сифатида келтиришади, айримлари мотивни жараён сифатида, баъзилари эса инсонларни хатти-ҳаракатга келтирувчи, яъни уларга таъсир кўрсатувчи омилларни мотив деб ҳисоблашади.

Демак, таълим муассасаларида педагогик жараёнларни ташкил этишда ўқувчиларда таълим олишга бўлган қизиқишларни шакллантириш ва ривожлантиришда мотивлар ўзига хос аҳамият касб этади, чунки уларда ўқишига бўлган қизиқиши шаклланиши ва

ривожланиши таълим-тарбия жараёни ва тарбиявий муносабатлар жараёнларининг самарадорлигига боғлиқ бўлиб, мазкур жараёнларнинг самарадорлиги ўкув фаолиятининг натижавийлигини ифодалайди. Демак, ўкувчиларда таълим олишга бўлган қизиқишларни шакллантириш ва ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи мотивларни ўрганиш ўзига хос аҳамиятта эга бўлиб, бундай мотивларни ўкув мотивлари деб айтишимиз мумкин.

Ўкувчиларни ўкишга ва мустакил ўрганишга ундовчи мотивларни аниқлаш ва улардан ўз моҳиятига кўра тўғри фойдаланиш зарур ҳисобланади, чунки ўкув мотивларининг ўзига хос хусусиятлари таълим-тарбия жараёнини ва тарбиявий муносабатла жараёнларининг самарадорлигига ўз таъсирини кўрсатади, яън тури ҳил мотивлар педагогик жараёнларда таълимий муҳитни ўзгаришига ўз таъсирини кўрсатиши мумкин.

Адабиётларда ўкув мотивларига кўра таълим олишнинг бир неч турлари ажратиб кўрсатилади: таълим учун таълим олиш, яън фаолиятдан қоникмасдан ёки ўқилаётган фанга қизиқишиз таълим олиш; шахсий қизиқишиларсиз ва манфаатларсиз таълим олиш ижтимоий тан олиниш учун таълим олиш; муваффақият учун ёк муваффақиятсизликдан кўрқиб таълим олиш; мажбуран таълим олиш маълум тушунчалар, ахлоқий мажбуриятлар ва талаблар таъсири таълим олиш; маълум бир мақсадга эришиш учун таълим олиш ижтимоий мақсадлар, талаблар ва қадриятларга таянган ҳол таълим олиш [70, 512-б].

Юқорида келтирилган ўкув мотивлари асосида амал оширилаётган таълим олиш заруриятининг бир-биридан фарқи аҳамияти таълим олишга ундаётган мотивлар мазмун-моҳиятига кўтурсида аҳамият касб этишини кўрсатади. Мотивларнинг мазмун-моҳиятига кўра турли аҳамият касб этиши ўкувчиларда таълим олишга бўлган қизиқишларни шакллантириш ва ривожлантириш таъсир кўрсатувчи мотивларни ўрганиш ва таҳлил қилиш зарурати белгилайди. Ўкувчиларни ихтиёрий равишда таълим олишга ундов ижобий мотивларни аниқлаш ва улардан самарали фойдалан педагогик жараёнлар самарадорлигини таъминлади.

Таълим олишга ундовчи ижобий мотивлар ҳакида фи юритилганда Абу Райҳон Берунийнинг илм олиш йўналишида фикрларини келтириш асосида унда келтирилган интилиш қизиқиш каби ўкув мотивларининг ижобийлигини кўрсатиш мумкин.

Абу Райҳон Берунийнинг таъкидлашича, билим олиш инсоният яратган билимларни эгаллаш учун ўкувчида интилиш қизиқиш бўлиши керак. Илм олишнинг муҳим йўлларидан бири ки ўзини ҳаммага дўст тутиши ва яхшилик қила билиш даражаси етказишидан бошланади. Муаллиф илм олиш учун дастлаб ахлоқ покликини талаб қиласи. Шунингдек, таълим билан тарбиянинг бутунлигини кўрсатади, факат шу бирликка амал қил шогирдларгина камолат сари бора олади, деб ишонтиради [70, 99-б].

Абу Райҳон Беруний илм олишда такрорлашга алоҳида у кўяди, шу билан бирга билим бериш турли йўллар билан, энг муҳим ўкувчини толиктирмасдан, чарчатмасдан турли воситалар би-

ўкувчи хотирасини кучайтириш, тафаккурини бойитиш ва билимини чукурлаштира бориш орқали амалга оширилиши зарурлигини уқтиради. У ҳақиқий мақсадга эришиши учун йўлни тўсиб турган ҳамма ноаниқликлар ва шубҳаларни бартараф қилиш, бунда жуда эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилиш лозимлиги, ўзлаштирилган билимлар ҳаётда тажриба қилиб олинмаса, бундан ҳеч қандай наф бўлмаслиги ҳақида гапиради [70, 96-б.].

Ўкувчиларда билим олиш ва инсоният яратган билимларни эгаллаш учун қизиқишлар шакллантирувчи ва ривожлантирувчи мотивлар ўкувчилар томонидан қабул қилинишида уларнинг асосланганлиги ва таъсирчанлиги муҳим аҳамият касб этади. Ишончли ахборотлар ёрдамида фаолиятга ундаш ва мазкур фаолиятнинг аҳамиятини асослаш орқали ўкувчиларга таъсир кўрсатиш мотивлаштиришни ифодалайди.

Адабиётларда мотивлаштириш кенг маънода инсон ҳаётининг (унинг хулқ-авори, фаолиятининг) мураккаб, кўп қиррали бошқарувчиси деб келтирилади. Ўкувчилар фаолияти турли мотивлар ёрдамида бошқарилиши мумкин. Мотивлар ёрдамида иродавий хатти-ҳаракатларни вужудга келтирувчи ва фаолиятни мувофиқлаштирувчи таъсир самарали ҳисобланиб, фаолият натижаларининг самарадорлиги мотивларнинг хусусиятига боғлиқ бўлади, бу ўз навбатида мотивлаштириш жараёнининг самарадорлигини ифодалайди.

Педагогик жараёнларда мотивлаштириш ўкувчилар фаоллигини таъминлаш ва таълим олишга бўлган қизиқишларни шакллантириш ва ривожлантиришнинг кўп даражали ва мураккаб тизими бўлиб, эҳтиёжлар, қизиқишлар, интилишлар, эътиқод, мақсад, орзу-истак, манфаатлар, талаблар, қадриятлар, урф-одатлар ва бошқалар мазкур тизимнинг ташкил этувчилари ҳисобланади.

Демак, мотивлаштириш маълум бир эҳтиёжлардан келиб чиқиб, ўкувчилар фаолиятини психологик таъсир этиш йўллари билан мақсадга мувофиқ йўналтиришдир. Мотивлаштириш жараёнида ўкувчи эҳтиёжлари ёки ўкувчиларнинг умумий манфаатларини ифодаловчи эҳтиёжларни инобатта олиш зарур, чунки мотивлаштириш эҳтиёжларнинг қондирилиши асосида амалга оширилади.

Мотивлаштириш жараёнида ўкувчилар эҳтиёжлари ёки уларнинг умумий манфаатларини ифодаловчи эҳтиёжларни инобатта олиш зарур, чунки мотивлаштириш эҳтиёжларнинг қондирилиши асосида амалга оширилади. Демак, эҳтиёжлар ўкувчиларда таълим олишга бўлган қизиқишларни шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қилувчи фаолиятга, яъни ўқиши, ўрганиш ва билим олишга йўналтирувчи мотивлар бўлиб, ўкувчиларда таълим олишга бўлган қизиқишларни шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қилиши билан бир қаторда, уларни жисмоний ёки ақлий меҳнатга, шунингдек, дам олиш, билим олиш, хунар ўрганиш, умуман олганда яшаш учун курашишга чорлайди.

Инсон эҳтиёжлари турли хил бўлиб, уларнинг психологик хусусиятларига, яъни одати, диidi ва кайфияти, ёши ва соғлиги,

жинси, оилавий аҳволи, меҳнат қилиш ва яшаш шароитларига ҳам боғлиқ бўлади. Масалан, таълим муассасасидаги кекса ёшли педагог билан янги оила курган ёки уйланмаган педагогнинг, ўқитувчи билан ўқувчининг, раҳбар билан ходимнинг эҳтиёжлари бир-биридан тубдан фарқ қиласди.

Ихтиёрий инсоннинг эҳтиёжлари ўзгарувчан бўлиб, яшаш ва меҳнат қилиш шароитлари ўзгариб, ривожланиб борган сари эҳтиёжлар ҳам ортиб боради. Масалан, эҳтиёжларнинг ортиб боришини эндиғина бир хонали уйга эга бўлган кишида маълум вакт давомида замонавий таъмирлаш ёки кўп хонали уйга эга бўлиш эҳтиёжи, бир қаватли ҳовли-жойга эга бўлган кишида, икки қаватли қилиб қуриш мақсадининг вужудга келишида ва бошқа ҳолатларда кўришимиз мумкин.

Инсон ўсиб-улғайиб, ижтимоий-иктисодий шарт-шароитлар ривожланиб, тарақкий этиб борар экан, барча эҳтиёжлар ҳам уларга узвий боғлиқ ҳолда ортиб бораверади.

Инсон ҳаётида мавжуд бўлган жилма-хил эҳтиёжларни қондириш учун турли хил фаолиятларни ташкил этиш ва мазкур фаолиятни мувофиқлаштириш учун бошқарув фаолиятини амалга ошириш ва унда мотивлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Мотивлаштириш жараёни мавжуд эҳтиёжларга қониқиш ҳосил қилиш учун, яъни эҳтиёжларнинг қондирилиши учун мақсадни белгилаш ва унга эришиш учун ҳаракат қилишдан бошланади. Мазкур жараёнда эҳтиёжнинг қондирилиш даражаси иштирокчиларнинг муайян фаолиятининг ҳолатини белгилайди.

Педагогик жараёнларда мотивлаштириш ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини, яъни таълим-тарбия жараёнини илмий асосда ташкил этиш ҳамда юқори натижаларга эришиш жараёнида уларнинг қобилиятларини ривожлантиришга ундашни билдиради.


Мотивлаштиришнинг руҳий ва ташкилий<sup>\*</sup> иқтисодий йўналишдаги турли назарияларини икки гурӯхга бўлиш мумкин:

1. Мотивлаштиришнинг мазмунли назарияси, у кишиларни бошқача эмас, айнан шундай ишлашга мажбур қиласиган шахснинг ички руҳий фаолиятининг идентификациясига асосланади (бу А.Маслоу ва Ф.Герцберг ва бошқалар термини).

2. Мотивлаштиришнинг процессуал назарияси - жуда ҳам замонавий услублардан бири бўлиб, кишилар ўзини билиши ва тарбия маъносига ўзларини қандай тутишларига асосланади (бу Портер-Лоуларнинг кутиш назарияси, одиллик назарияси ва мотивлаштириш моделлари). Санаб ўтилган назариялар баъзи масалаларда бир-биридан фарқ қиласада, улар бир-бирини инкор этмайди [31, 122-б.].

Маслоу назарияси бўйича барча эҳтиёжларни қатъий иерархия структураси бўйича жойлаштириш мумкин. У қуий даражадаги эҳтиёжларни қондиришни талаб қиласди, ўз навбатида инсон хулқига таъсир кўрсатади, юқори даражадаги эҳтиёжлар эса аста-секин таъсир кўрсатади.

Америкалик психолог А. Маслоу инсон ҳаётидаги мавжуд эҳтиёжлардан бешта асосийларини ажратиб кўрсатади (3-расм).



3- расм. Маслоу назарияси бўйича мотивлаштириш боқичлари.

Бирламчи эҳтиёжлар - бу инсоннинг ҳаётий фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган эҳтиёжлар. А.Маслоунинг фикрича, инсон, энг аввало ана шу эҳтиёжларини қондириш учун ишлайди. Бирламчи эҳтиёжлар ҳисобланган озиқ-овқатга, кийим-кечакка, уйжойга, уйкуга бўлган эҳтиёж қондирилса, бошқа даражадаги эҳтиёжлар ҳам аста-секин аҳамият касб этиб боради.

Юқорида айтганимиздек, бирламчи эҳтиёжлар қондирилгач, бошқа заруриятлар кишиларни юқори даражадаги эҳтиёжларга қараб ҳаракат қилишга мажбур қиласди. Лекин, инсоннинг барча эҳтиёжларини ҳеч қачон тўла-тўқис қондириш имконияти бўлмайди. Шу сабабли эҳтиёжларга асосланган мотивлаштириш жараёни мавжуддир.

Мак Келланд назариясида асосий эътибор юқори даражадаги эҳтиёжларга қаратилади, уларга ҳокимият, муваффакият, мансублик киради. Ҳокимият эҳтиёжи - бошқа одамларга таъсир кўрсатишга хоҳиш, бу албатта ҳокимиятга интилиш змас, балки ўз таъсирини кўрсатиш эҳтиёжи. Муваффакиятга бўлган эҳтиёж маълум бир вазифани муваффакият билан бажариш орқали амалга оширилади.

Мансублик эҳтиёжи Маслоу назариясига ўхшаш бўлиб бирга ишлайдиган ходимлар, танишлар хузурида бўлиши, дўстона муносабатлар ўрнатишдан манбаатдорликни ифодалайди [31, 123-б.].

Фредерик Герцбергнинг мотивлаштириш назарияси боисий тозаланиш (мотивационная гигиена) деб юритилиб, унинг асосида қониқиши келтирувчи меҳнат руҳий соғлом бўлишга ҳам ҳамкорлик кўрсатади деган фикр ётади.

Агар иш жойи ифлос, қоронги, кўримсиз бўлса бу меҳнатга интилишни камайтиради. Агар иш жойи тоза, эргонометрик нуқтаи назардан бенуқсон бўлса, меҳнатга аниқ ифодаланган мотивлар пайдо бўлади. Герцберг бу омилларни “гигиеник” омилларга оид деб ҳисоблади [66, 497-б.].

Мотивлаштиришда америкалик психолог В.Врум томонидан 1964 йилда ишлаб чиқилган кутиш назарияси ҳам муҳим аҳамият касб этиб, меҳнатнинг натижасини кутиш, яъни меҳнат харажатлари билан олинган натижа ўртасидаги фарқни, фойдани кутиш, натижа билан рағбатлантириш ўртасидаги фарқни кутиш, бу ерда рағбатлантириш меҳнат натижасидан қониқиши ёки қониқмасликни билдиради. Яъни, кутилган натижага эришиш мотивлаштиришнинг ҳолатини белгилайди, раҳбарлар томонидан меҳнати натижаларига кўра ходимларнинг ўз вақтида рағбатлантирилиб бориши мотивлаштиришни кучайтиради ва ҳ. к.

Умуман олганда таълим муассасаларида ташкил этиладиган педагогик жараёнларда мотивлаштириш субъектларнинг (ўқитувчилар, ўқувчилар) мазкур жараёнларда кенг миқёсда иштирок этишига асосланган бўлиб, уни қўллаш орқали соғлом ижтимоий-руҳий мухит яратилади. Бунда ижтимоий-психологик методлар меҳнат фаоллигини оширишга қаратилган бўлиб, у субъектларнинг маънавий ва ижтимоий хулқига таъсир этиш орқали амалга оширилади.

Психологик адабиётларда мотивлаштириш кенг маънода инсон ҳаётининг (унинг хулқ-автори, фаолиятининг) мураккаб, кўп қиррали бошқарувчиси деб келтирилади. Ўқувчилар фаолияти турли мотивлар ёрдамида бошқарилиши мумкин. Мотивлар ёрдамида иродавий ҳатти-харакатларни вужудга келтирувчи ва фаолиятни мувофиқлаштирувчи таъсир самарали ҳисобланиб, фаолият натижаларининг самарадорлиги мотивларнинг хусусиятига боғлиқ бўлади, бу ўз навбатида мотивлаштириш жараёнининг самарадорлигини ифодалайди.

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб айтиш мумкини, мотивлаштириш бу маълум бир эҳтиёжлардан келиб чиқиб, ўқувчи фаолиятини психологик таъсир этиш йўллари билан максадга мувофик йўналтиришdir. Мотивлаштириш жараёнида педагогик жараён субъектлари эҳтиёжлари ёки уларнинг умумий манфаатларини ифодаловчи эҳтиёжларни инобатга олиш зарур ҳисобланади, чунки мотивлаштириш эҳтиёжларнинг қондирилиши асосида амалга оширилади.

Педагогик жараёнларда мотивлаштириш ижтимоий амалиёт ва таълим эҳтиёжларидан келиб чиқиб, субъектларнинг қизиқишиларини, эгаллаётган билим, кўникума ва малакаларини таҳлил қилиш орқали уларнинг фаоллигини ривожлантиришга йўналтирилган бўлиши зарур.

Мавжуд эҳтиёжларни ўрганиш асосида ўқувчилар фаоллигини таъминлашга ва ривожлантиришга, яъни ўқиш, ўрганиш ва билим олишга йўналтирувчи мотивларни шакллантириш педагогик жараёнларда субъектлар фаоллигини таъминлаш ва ривожлантиришга хизмат қилиши билан бир қаторда, уларни жисмоний ёки ақлий меҳнатга, шунингдек, дам олиш, билим олиш, хунар ўрганиш, умуман олганда яшаш учун курашишга чорлайди.

Педагогик жараёнларда мотивлаштириш жараёни мавжуд эҳтиёжларга қониқиши ҳосил қилиш учун, яъни эҳтиёжларнинг қондирилиши учун мақсадни белгилаш ва унга эришиш учун ҳаракат қилишдан бошланади. Мазкур жараёнда эҳтиёжнинг қондирилиш даражаси ўқувчининг муайян фаолиятининг ҳолатини белгилайди.

Таълим муассасаларида педагогик жараёнларни илмий асосда ташкил этиш ва мувофиқлаштириш асосида мазкур жараёнда субъектлар фаоллигини таъминлаш ва ривожлантириш жараёнларининг самарадорлигини таъминлаш ўқувчиларда ўқув мотивларини шакллантириш, яъни мотивлаштиришга боғлиқ бўлиб, мотивлаштиришнинг самарадорлиги педагогик жараёнларнинг натижавийлигини ифодалайди.

Педагогик жараёнларни ташкил этища алоҳида эътибор қаратилиши зарур бўлган омиллардан бири мотивлаштиришнинг самарадорлиги педагогик жараёнларнинг натижавийлигини ифодалаши бўлиб, натижавийлик педагогик жараёнларда субъектларнинг фаоллиги, интеллектуал қобиляйтларининг ривожланиш даражаси, дунёқарашининг ривожланиши, билими, кўникма ва малакалари даражасининг ўсишини белгилайди.

Натижавийлик ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти самарадорлигини ифодалаб, белгиланган мақсадга эришиш йўналишидаги хатти-ҳаракатлар билан кўлга киритилган натижалар ўртасидаги муносабатларни ифодалайди, яъни натижавийлик мотивлаштириш самарадорлигининг кўрсаткичи сифатида хизмат қиласи.

Мотивлаштиришнинг самарадорлиги педагогик жараёнларда эришиш мумкин бўлган натижалар билан эришилган натижадаги муносабатларни ифодалаши, педагогик жараёнларда натижавийликни таъминлаш учун куйидаги шартларнинг бажарилиш заруриятини белгилайди:

- ўқувчиларнинг бошланғич тушунчаларига илмий ёндашиш;
- педагогик жараёнларда мотивларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатта олиш;
- ўқувчиларда илм олишга бўлган ижобий мотивларни шакллантириш;
- педагогик жараёнларда субъектлар фаоллигини таъминлаш учун кулай вазиятларни вужудга келтирувчи ижодий муҳитни ташкил этиш;

педагогик жараёнлар компонентларининг ўзаро боғлиқлиги ва алокадорлигини инобатта олиш;

- педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришга инновацион тузилишга эга бўлган мураккаб педагогик тизим сифатида ёндашиш;

- педагогик жараёнларда ўқувчилар фаоллигини таъминловчи, танқидий ва таҳдилий фикрлашга ундовчи рефлексив ёндашувни жорий этиш;

педагогик жараёнларда шахсга йўналтирилган таъсирнинг ўзига хос хусусиятларини ҳамда ўқувчиларнинг рефлексив фаолиятининг аҳамиятини инобатга олиш.

Таълим муассасаларида педагогик жараёнларни ташкил этишда алоҳида эътибор қаратилиши зарур бўлган омиллардан бири педагогик жараёнлар самарадорлигининг мотивлаштиришга боғлиқлигидир.

Мотивлаштириш педагогик жараёнларда субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг фаоллигини таъминлаш ва ривожлантириш учун зарур. Бунда педагогик жараёнлар самарадорлигини таъминлаш учун мотивларнинг ўзига хос хусусиятларини, мавжуд эҳтиёжларни, ўқувчиларнинг бошланғич тушунчалари ва тасаввури, дунёқараси ва қизиқишларини, педагогик жараёнларда шахсга йўналтирилган таъсирнинг ўзига хос хусусиятларини, рефлексив ва тизимли ёндашувларнинг ҳамда инновацион фаолиятнинг заруриятини мотивлаштириш жараёни самарадорлигига таъсир этувчи омиллар сифатида инобатга олиниши зарур.

### **2.3. Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришнинг функция ва методлари**

Таълим муассасаларида педагогик жараёнларни илмий асосларда ташкил этиш ва самарадорлигини таъминлашда уларнинг ўзаро боғликлиги ва алоқадорлиги яхлит педагогик тизимни ташкил этишини инобатга олиш, мазкур жараён субъектларининг қизиқишларини ривожлантириш ҳамда кўзланган натижаларга эришишда инновацион жараёнларни олдиндан лойиҳалаштириш бошқарувнинг қатор функция ва методларидан фойдаланишни назарда тутади.

Педагогик жараёнларнинг самарадорлиги кўп жихатдан мазкур жараёнга татбиқ этилаётган инновацияларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва ўзига хос хусусиятларига боғлиқ бўлади. Инновацияларнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида: диалектиклик, даврийлик, асосланганлик даражаси, ихтилофлилик, аҳамиятлилик, таваккалчилик, раҳбарлик услубларини тавсифлаш қобилияти, вазиятга алоқадорлик, таркибий тузилишга эгалиги (структуравийлик), инновацион ҳаракатлар стратегиясини шакллантириш имконияти, бошқарувчанлик, ижтимоий мўлжалланганлик, субъектларнинг қизиқиши йўналишида табақалаштириш қобилияти, инновацияларни субъект томонидан ўзига хос қабул қилинишини келтириш мумкин.

Педагогик жараёнларни самарали ташкил этиш ва бошқаришда унинг куйидаги ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш зарур:

- педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш жараёни ўзига хос интегратив тизим эканлиги;

- педагогик жараёнлар компонентларининг ўзаро боғлиқлиги ва лоқадорлиги;

- педагогик жараёнлар самарадорлиги мазкур жараён убъектларининг билим, кўнижма ва малакалари ва ўзлаштириш ўрсаткичлари даражасининг ўсиши, яъни таълим-тарбия жараёнининг натижавийлигини ифодалаши;

педагогик жараёнларда амалиётта татбиқ этилаётган, яъни амарадорлиги текширилаётган янгилик ва инновациялар ўзига хос усусиятларга эга эканлиги;

- педагогик жараёнларнинг самарадорлиги субъектларнинг қтиёжлари ва манфаатларига ҳамда шахсий қизиқишларига оғлиқлиги;

- педагогик жараёнларда ижодий муҳитни яратиш ютилаштириш заруриятини белгилashi;

- коммуникацион жараёнларда педагогик жараёнлар убъектларининг фаолиги ҳамда ахборотларнинг янги ва ишончли ўлиши зарурияти;

педагогик жараёнларда ҳар бир субъект ўз ижодий мкониятларидан фойдалана олиши учун шарт-шароитлар ратишнинг мажбурийлиги;

- педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш мазмун-юхиятига кўра маълум бир мақсадга эришишга йўналтирилган, ўзига ос хусусиятларга эга бўлган бошқарув функциялари ва методларидан юйдаланишини назарда тугиши.

Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда инобатга линиши зарур бўлган инновацияларнинг ўзига хос хусусиятлари, убъектларнинг индивидуал психологик хусусиятлари, ташкил тиладиган педагогик жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари мазкур сараёнда ижодий муҳитни шакллантириш заруриятини белгилайди.

Педагогик жараёнларда ижодий муҳитни шакллантириш убъектларнинг эркин иштирок этиши, мустақил ва эркин фикрлаши, з фикр ва ташаббусларини намоён қилиши учун зарурй шарт-шароитларни яратилишини назарда тутади ва бу ўз навбатида, ошқарувнинг ижтимоий-психологик методларидан фойдаланиш аруриятини белгилайди.

Педагогик жараёнларни илмий асосда ташкил этиш, кўйилган ғақсадларга эришиш ва самарадорликни таъминлашда субъектлар ғаоллигини таъминлаш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, ғазорат қилиш ва объектив баҳолаш асосида инновацион фаолиятни ташкил этиш ва унинг натижавийлигини таъминлаш, педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш функциялари ва ўлланиладиган методларнинг ўзига хос жиҳатларини инобатга олиш арур.

Педагогик жараёнларни ташкил этиш ҳамда бошқариш бир ғақсадга йўналтирилган фаолият бўлиб, биринчиси иккинчисини ўлдирувчиси, яъни ташкил этиш бошқаришга асос сифатида хизмат жлади. Бошқарув назариясида ташкил этиш бошқарувнинг асосий функцияларидан бири ҳисобланади.

Бошқарув назарияси асосчиларидан бири Анри Файоль Х асрнинг бошларида бошқарувнинг асосий функциялари сифатида:

- режалаштириш;
- ташкил этиш;
- фармойиш бериш;
- мувофикалаштириш;
- назорат функцияларини ажратиб кўрсатган.

Анри Файоль бошқариши келажакни кўрувчи, фаолиятни ташкиллаштирувчи, ташкилотни идора килувчи, фаолият турларини мувофикалаштирувчи, қарор ва буйруқларнинг бажарилишини назорат килувчи кучли курол деб атайди.

Мазкур фикрга эътибор қаратадиган бўлсак, ташкил этиш ҳам бошқарув функцияси сифатида, ҳам бошқарув воситаси сифатида таърифланадиганлигини кўрамиз, шунингдек, менежмент назариясида режалаштириш, ташкил этиш, мотивлаштириш ва назорат функцияларини ажратилиши ва уларни биринчи даражали деб ҳисоблаш қабул қилинганини ҳам юкорида келтирга фикримизни тасдиқлади.

Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда профессор-ўқитувчилар томонидан бажариладиган ишларнинг мазмун-моҳияти ва йўналишига кўра бошқарувнинг режалаштириш ва ташкил этиш функциялари куйидаги жараёнларда амалга оширилади:

- педагогик жараёнларни режалаштириш;
- субъектлар учун зарурй шарт-шароитларни яратиш ва уларнинг имкониятларини инобатга олган ҳолда вазифалаф тақсимлаш;

субъектлар фаолиятини назорат қилиш, таҳлил қилиш ва объектив баҳолаш асосида рағбатлантириш.

Шунингдек, профессор-ўқитувчилар томонидан ўкувчилар ўртасидаги муносабатларни мувофикалаштириш, уларнинг манфаатлари ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда фаоллигини таъминлаш ва таълим олишга қизиқишини шакллантиришда мотивлаштириш функцияси амалга оширилади.

Педагогик жараёнларда кўзланган натижаларга эришиш учун белгиланган мақсад ва мавжуд имкониятларни ўкувчилар манфаати ва эҳтиёжлари билан уйғунаштириш ҳамда уларнинг фаолиятини вазиятларга мослаштириб бориша мувофиқлаштириш функцияси амалга оширилади.

Кўзланган натижаларга эришишда ўкувчиларнинг бошланғич тушунчалари даражаси, қобилиятлари, шахсий ҳислатлари, қизиқишилари, шунингдек, педагогик жараёнларни вазиятларга кўра мувофиқлаштиришнинг мураккаб томонларини ўрганиш ва шулар асосида мазкур жараённи такомиллаштириш, самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган омилларни аниқлаш жараёнида назорат функцияси профессор-ўқитувчилар томонидан амалга оширилади.

Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда амалга ошириладиган функцияларни шартли равишда професионал ва ижтимоий-психологик функцияларга ажратиш мумкин.

Педагогик жараёнларнинг субъектлари томонидан ўз функционал вазифаларини (ўқитиш ва ўқиш) бажариши жараёнида профессионал функциялар амалга оширилади ва мазкур жараёнда педагогик жараён субъектлари ҳисобланган профессор-ўқитувчилар билан ўқувчилар ҳамда ўқувчиларнинг ўзлари ўзаро маълум бир белгиланган муносабатда бўладилар, бу муносабатлар тарбиявий муносабатларнинг инсон-инсон муносабатлари шакли бўлиб, бунда ижтимоий-психологик функция амалга оширилади.

Мазкур функцияни амалга ошириш жараёнида ахборотлар билан ишлап ўзига хос аҳамият касб этади. Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда ахборотлар билан ишлап турли маълумотларни тўплаш, қайта ишлап ва узатишдан иборат бўлиб, субъектлар фаолиятини мувофикаштириш жараёнида кўлланилади. Мазкур функция субъектлар ўртасидаги ахборотларнинг алмашувини таъминлаш вазифасини бажаради.

Педагогик жараёнлар самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллардан бири ахборотлар тизими бўлиб, у педагогик аҳамиятга эга бўлган маълумотларни, педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш йўналишидаги барча меъёрий хужжатларни, иқтисодий-ижтимоий, илмий-техникавий, хукукий ва ташкилий янгиликлардан иборат ахборотлар оқимини, шунингдек, замонавий ахборот технологиялари, компьютерлаштириш ва компьютерлар тармоқлари негизида таълим жараёнини ахборот билан таъминлаши ўз ичига олади. Бунда ахборотларнинг янгилиги ва ишончлилиги муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларни ўрганиш ва ишончлилигини аниқлаш жараёнида ахборот-таҳлил функцияси амалга оширилади.

Ушбу функцияниң асосий вазифаси педагогик жараёнлар ва унинг субъектлари ҳисобланган ўқувчилар тўғрисида ахборотлар тўплаш ва уларни мунтазам ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида объектив баҳолашдан иборат бўлиб, мазкур ахборотларнинг янгилиги ва ишончлилиги ўзига хос аҳамият касб этади. Чунки тўпланган ахборотлар мавжуд шарт-шароитларни, ўзаро муносабатларни ва таълимий муҳитнинг ҳолатини ҳамда ўқувчиларнинг қизиқиши, мойиллиги, индивидуал психологик хусусиятлари, қобилиятлари ва имкониятларини ифодалайди ҳамда ўз навбатида, педагогик жараёнларнинг самарадорлигини таъминлашга хизмат қиласди.

Ахборот-таҳлил функциясини самарали амалга ошириш, педагогик жараёнларнинг самарадорлигини таъминлаш учун зарурый ахборотларни тўплаш ва уларнинг аҳамиятини, янгилиги ва ишончлилигини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш асосида объектив баҳолаш каби вазифаларни амалга ошириш усуллари ва йўллари мажмуудан иборат бўлган, педагогик жараёнларга самарали, мақсадга мувофиқ таъсир кўрсатувчи, бошқарув функцияларини амалга ошириш механизми ҳисобланадиган бошқарув методларидан бири ахборот тўплаш методидан оқилона фойдаланиш заруриятини белгилайди.

Педагогик жараёнларни илмий асосда ташкил этиш, мазкур жараён иштирокчилари учун зарурый ва етарли шарт-шароитлар яратиб бериш билан бир қаторда, ўқувчилар фаолиятини

такомиллаштириш асосида самарадорликка эришиш учун ҳар би ўкувчи ҳақида ишончли ва асосли ахборотларни тўплаш ҳамда педагогик жараёнларда вужудга келаётган вазиятларни таҳли килиш зарур.

Ахборотлар тўплашда педагогик жараёнларни ташкил этиш в бошқариш бўйича амалдаги меъёрий хужжатларни ва илғо педагогик тажрибаларни ўрганиш, сўровномалар ўткази усулларидан, тўпланган ахборотларнинг ишончлилиги ва аҳамиятии аниқлашда таҳлилий баҳолаш, умумлаштириш ва тизимлаштири статистик ва математик таҳлил ва бошқа усуллардан фойдалани ўзига хос аҳамиятга эга.

Мазкур усуллардан фойдаланиш асосида тўпланга маълумотлар йиллик, ярим йиллик, чораклик, ойлик, ҳафталик в кунлик натижалар бўйича статистик ва математик таҳлиллар асосид солиштирилади, замонавий талаблардан келиб чиқсан ҳолда вазиятларга кўра олинган натижалар таққосланади ва педагоги жараённинг самарадорлигини таъминлаш ва ривожлантири ўналишида бажарилиши зарур бўлган вазифалар белгиланади, бу ў наебатида ахборотлар тўплаш методларидан фойдаланишинг ўзиг хос аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Педагогик жараёнларнинг самарадорлигига таъсир кўрсатувч омиллардан яна бири мотивлаштириш бўлиб, самарадорликк эришишда педагогик жараёнларнинг мақсадини, мақсадга эриши ўналишида белгиланган вазифаларнинг мазмун-моҳиятини ўрганиладиган тушунчаларнинг зарурияти, аҳамияти ва мазмун-моҳиятини ўкувчиларнинг бошланғич тушунчаларига боғлиқ ҳолд тушунтириш, ўрганиладиган тушунчаларга нисбатан ўкувчиларни қизикишини ривожлантириш асосида вазиятларга кўра уларнин фаоллигини таъминлаш ва ўзаро муносабатларни мувофиқлаштири бориш жараёнида профессор-ўқитувчилар томонида ўшакарувнин мақсадли-мотивлаштириш функцияси амалга оширилади.

Педагогик жараёнларнинг ҳолатини, вазиятларга кўр ўкувчиларнинг фаоллиги ва улар ўртасидаги ўзаро муносабатларни уларнинг таълим олишга бўлган мойиллиги, қизикиши в имкониятлари, бошланғич тушунчаларини аниқлаш ҳамда уларнин фаоллигини таъминлаш учун зарурий шарт-шароитларни яратиш барча субъектлар учун кулагай бўлган ўзаро таъсир жараёнини инновацион таълимий мухитни вужудга келтириш ўналишларида вазифалар белгиланишида ўқитувчилар томонидан олдиндан кўриш режалаштириш функцияси амалга оширилади.

Олдиндан кўриш-режалаштириш функцияси мақсадли мотивлаштириш функцияси учун бошланғич асос сифатида хизмат қилишини инобатга олиб айтиш мумкинки, мазкур функциялар турл ўналишлардаги вазифаларни амалга оширилиши учун хизмат қилас да уларнинг мақсади ва ўналишлари бир, яъни педагоги жараёнларнинг самарадорлигини таъминлашда субъектлар учун зарурий ва етарли шарт шароитларни яратиб беришдан иборат бўлиб бу функциялар ижтимоий-психологик методлар асосида амалга оширилади.

**Ижтимоий-психологик методлар педагогик жараён субъектлари ўртасида шундай муносабатларни вужудга келтиришни назарда тутадики, бунда ўқувчиларнинг bemalol, эркин ҳаракат қилиши, ўзини-ўзи намоён қилиши, турли вазиятларда эркин иштирок этиши, мустакил фикр билдириши учун шарт-шароитлар вужудга келади ҳамда ижодий муҳит шаклланади.**

**Педагогик жараёнларнинг самарадорлигини таъминлаш йўналишида ўқувчиларнинг шахсий имкониятлари ва қобилиятларини тўла намоён этишлари учун шарт-шароитлар яратиш, уларнинг мустакил бажарган ишлари ва фаолликлари учун рағбатлантириш ва ҳар бир ўқувчининг фаолияти натижаларини объектив баҳолаш асосида улар учун муҳим ижтимоий-психологик муҳитни вужудга келтириш йўналишида бажариладиган вазифалар профессор-ўқитувчилар томонидан ташкилий-ижрочилик функциясини амалга оширилишини ифодалайди.**

**Педагогик жараёнлар самарадорлигини таъминлашда турли хил усуллар ва методлардан фойдаланиш асосида ўқувчиларнинг фаолиятини мунтазам назорат қилиб бориш ва унинг натижаларини таҳлил қилиш, йўл қўйилаётган камчиликлар ва хатоликларни сабабларини аниқлаш, мавжуд муаммоларни ўз вактида бартараф этиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, мазкур вазифаларни бажарилиши жараёнида профессор-ўқитувчилар томонидан назорат-ташхис функцияси амалга оширилади.**

**Педагогик жараёнларда турли нокулай вазиятлар ҳам вужудга келиши мумкин, бундай вазиятларда назорат-ташхис функцияси йўл қўйилаётган хатоларни сабабини ўз вактида аниқлаш ва уларни тузатиш усулларини белгилаш имкониятларини яратади. Шунинг учун педагогик жараёнларнинг барча босқичлари учун назорат-ташхис функциясини амалга ошириш зарур ҳисобланади.**

**Педагогик жараёнларнинг самарадорлигини таъминлаш учун педагогик жараёнлар ҳолатини зарурий, белгиланган даражада ушлаб туриш, уни янги сифат даражасига кўтариш ва мазкур жараёnda йўл қўйилаётган хатоликларни тузатиш ҳамда ўқувчиларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш асосида уларнинг фаолигини таъминлаш йўналишидағи вазифаларни бажарилиши жараёнида профессор-ўқитувчилар томонидан тартибга солиш-мувофиқлаштириш функцияси амалга оширилади.**

**Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш йўналишида ташкил этиладиган фаолиятнинг мазмун-моҳияти юқорида келтирилган функцияларни амалга оширишда ўз ифодасини топади, шунингдек, мазкур функцияларни амалга оширишда кўлланиладиган бошқарув методлари педагогик жараёнларда ўқувчилар фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштиришда кўлланиладиган таъсир этиш йўллари ва усулларининг мажмuinи, бошқарув функцияларини амалга ошириш механизмини ифодалайди.**

### **III БОБ. ПЕДАГОГИК ЖАРАЁНЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

#### **3.1. Педагогик жараёнлар самарадорлиги**

Таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнларини илмий асосда ташкил этишга ҳамда мазкур жараён субъектларининг эҳтиёжлари ва манфаатларининг уйғунлиги асосида белгиланган мақсадларга эришишга қаратилган хамкорликдаги ташкил этиладиган фаолият жараёни ҳисобланган педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш мавжуд имкониятлардан (вужудга келувчи турли вазиятлар, субъектларнинг бошланғич тушунчалари, эҳтиёжи, қизиқиши, имкониятлари, илмий-методик таъминот ва ҳ.к.) оқилона фойдаланишга йўналтирилган фаолиятдир.

Педагогик жараён ташкилотчилари ҳисобланган раҳбарлар ва ўқитувчилар белгиланган мақсадларга эришишда ўкувчиларнинг бошланғич тушунчалари, қизиқиши, эҳтиёжи ва қобилиятларини, шахсий хислатларини, шунингдек педагогик жараённи илмий асосда ташкил этишнинг мураккаб томонларини фаол ўрганишлари ва шулар асосида педагогик жараённи такомиллаштириш, самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган турли тадбирларни ишлаб чиқишлари зарур.

Педагогик жараёнларда ўкувчиларнинг фаоллигини таъминлаш ва такомиллаштириш ва ўкув жараёнини ривожлантиришнинг энг асосий шартларидан бири ўқитувчиларнинг фаолиятини илмий асосда ташкил этилишидир.

Ўқитувчилар фаолиятининг илмийлиги янгиликларини излаш, ўрганиш ва уларга асосланиш ҳамда илмий асосланган маълумотлардан фойдаланиш, педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришнинг педагогик, психологик ва ижтимоий-иқтисодий асосларини ўзлаштириш, шулар қатори педагогиқ жараёнларга инновацион ёндашув технологияларини жорий этиш каби вазифаларни белгилайди.

Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришни илмий асосда ташкил этишда қўйида келтирилган муаммоларни инобатга олиш ва уларнинг ижобий ечимларини топиш ўқитувчilar фаолиятида самарадорликка эришишнинг асосий кўрсаткичларидан бири сифатида хизмат қиласди:

педагогик жараёнга ва субъектларнинг фаоллигига таъсири этувчи ҳамда янгиликларни жорий этиш суръати билан уларнинг қизиқиши, эҳтиёжи ва бошланғич тушунчалари, имкониятлари ҳамда ўзлаштирилиши зарур бўлган тушунчаларнинг муракабблиги ва уларни инобатга олиш зарурини ўртасидаги номувофиқликларни вужудга келтирувчи омиллар;

республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънави соҳаларида қисқа вақт ичида амалга оширилаётган ҳамда ҳаётимиздан жуда катта аҳамият касб этаётган ислоҳотлар билан таълим жараёнидаги инерцион тенденциялар ўртасидаги зиддиятлар;

- ўқитувчиларнинг касбий қобилиятлари, инновацион фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш йўналишидаги билим, кўникума в.

малакаларини шакллантириш ва ривожлантириш даражаси билан айлим муассасаларига қўйилаётган замонавий талаблар ўртасидаги иддиятлар;

таълим тизимида вужудга келаётган ташаббус ҳамда ўлланилаётган ва яратилаётган янгиликларни жорий этиш сурати билан илмий-методик таъминотлар ўртасидаги номувофиқлик;


таълим муассасасининг интегратив табиатига мос ёндашувлар ва уларни шакллантириш технологияларининг мавжуд эмаслиги.

Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришнинг самарадорлиги - бу бошқарув қонуниятлари, усул ва методлари ҳамда инновацион технологияларга асосланган бошқарув фаолияти асосида ашқил этилган таълим-тарбия жараёнининг натижавийлиги исобланади.

Таълим муассасаларида педагогик жараёнлар самарадорлиги ўқувчиларнинг фанлар бўйича олган билимлари, замонавий техника ва ахборотлар технологияларини ўрганиши, интеллектуал қобилияtlарининг шаклланиш даражасини ҳамда ўқитувчилар ва маҳбарларнинг билими, кўникма ва малакалари, шунингдек педагогик маҳорати ва қасбий қобилияtlарининг ривожланиш ғарожаларининг ўсишини белгилайди.

Педагогик жараёнларнинг самарадорлигини таъминлаш учун ўқитувчилар белгиланган асосий мақсад йўналишида педагогик караёнларни стратегик режалаштириш, лойиҳалаштириш, соделлаштириш, ўқувчилар фаолиятини мувофиқлаштириш ва ларнинг фаоллигини таъминлаш, вазиятларга кўра педагогик караённи бошқариш усуллари, методлари ҳамда тамоиллари, инновацион технологияларни билиши ва улар асосида педагогик караён субъектларининг инновацион фаолиятни ташкил этиши зарур исобланади.

Педагогик жараёнларнинг самарадорлигини таъминлашда педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш самарадорлигига таъсир кўрсатувчи қуйидаги омилларни инобатга олиш зарур (4-расм).



4-расм. Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш самарадорлигига таъсир этувчи омиллар

Шунингдек, педагогик жараёнларнинг самарадорлигини таъминлаш ва ривожлантириш учун қуидаги шартларнинг бажарилиши зарур:

- педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш жараёнига инновацион тузилишга эга бўлган мураккаб педагогик тизим сифатида ёндашиш;

педагогик жараёнларда субъектларнинг ўзаро муносабатлари ҳамда тарбиявий муносабатларни илмий асосланган тамойиллар асосида шакллантириш;

- педагогик жараёнларда ўқувчиларнинг бошланғич тушунчалари ва ўзи ҳақидаги фикрларига илмий ёндашиш;

- ўқитувчилар томонидан ўқувчилар фаолиятининг таҳлилий йўналишини, педагогик тизими концептуал ва дастурий бошқариши ўзлаштирилишини амалга ошириш;

- педагогик жараёнларда инновацион ёндашувларнинг натижалари бўйича қайта алоқани йўлга қўйиш.

Педагогик жараёнлар самарадорлиги мазкур жараёнинг асосини ташкил этувчи таълим-тарбия жараёнинг натижавийлиги ҳисобланади, чунки самарадорлиги текширилаётган янгиликлар ва татбиқ этилаётган инновациялар ҳамда ташкил этилаётган инновацион жараён аниқ бир мақсадга, яъни таълим-тарбия жараёни субъектларининг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш, уларнинг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бўлади.

Педагогик жараёнлар самарадорлиги таълим-тарбия жараёни субъектларининг билим, кўникма ва малакаларининг ривожланиши, ўзлаштириш кўрсаткичлари даражасининг ўсиши билан белгиланади.

Шундай экан, таълим муассасаларида ташкил этиладиган педагогик жараёнлар самарадорлиги татбиқ этилаётган янгиликлар асосида ўқувчиларнинг олган билимлари, замонавий техника ва ахборот технологияларини ўрганиши, интеллектуал қобилиятларининг шаклланиш даражасини ҳамда профессор- ўқитувчиларнинг билими, кўникма ва малакалари, шунингдек, педагогик маҳорати ва касбий қобилиятларининг ривожланиш даражаларининг ўсишини белгилайди.

Педагогик жараёнлар самарадорлигига таъсир этувчи омиллар (5-расм), вазиятларга кўра мазкур жараённи ички ва ташки ўзгаришларга мослаштириш, инновацион методлардан тўғри фойдаланиш, мазкур жараён компонентларининг ўзаро боғликлиги ва алоқадорлик хусусиятларини, инновацияларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатта олиш, илмий-методик таъминотини яхшилаш, таълим менежменти тамойилларини ўзлаштириш ва қўллаш, бошқарувни субъектлар фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштиришга йўналтириш асосида белгилашни кўрсатади.

Педагогик жараёнлар самарадорлигига таъсир этувчи омиллар вазиятларга кўра педагогик жараёнларнинг самарадорлигини таъминлаш учун қуидаги шартларнинг бажарилиш заруритини белгилайди:

- педагогик жараёнларни олдиндан лойиҳалаштириш ҳамда субъектлар фаолиятини режалаштириш;

- ўқувчиларнинг бошланғич түшунчалари ва тайёргарлик даражасини аниклаш, инновацион жараёнларга уларни олдиндан тайёрлаш ва илмий-методик маҳсулотлар билан таъминлаш;
- педагогик жараён субъектларидан бири ҳисобланган ўқувчиларнинг қизиқиши, эҳтиёжи ва инновацияларга мойиллигини аниклаш ва мотивлаштириш;
- педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш жараёнига инновацион тузилишга эга бўлган мураккаб педагогик тизим сифатида ёндашиш;
- педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқарища тизимнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, мураккаб педагогик тизимга хос хусусиятларни инобатта олиш;
- педагогик жараёнларга янгиликларни татбиқ этиш ва субъектларнинг инновацион фаолиятини ташкил этишда инновацияларнинг ўзига хос хусусиятларни инобатта олиш;
- ахборотлар тўплаш, уларни таҳлил қилиш ва объектив баҳолаш асосида ўзгарувчан вазиятларга кўра субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш.



5-расм. Педагогик жараёнлар самарадорлигига таъсир этувчи омиллар

Шунингдек, педагогик жараёнлар самарадорлигини таъминлашда қуидаги самарадорлик кўрсаткичларини инобатта олиш зарур:

- мақсадий самарадорлик - бу педагогик жараёнлар субъектлари салоҳияти, имкониятлари ва мавжуд имкониятларни белгиланган мақсадларга мос келиш даражасини ифодаловчи хусусиятлар;
- ижтимоий-психологик самарадорлик - бу педагогик жараёнлардаги таълимий муҳитнинг ҳолати тавсифи бўлиб, субъектларнинг эҳтиёжларини ривожланиши, уларнинг яратилган шарт-шароитлардан ва ўз фаолиятидан қоникиш ҳосил қилиш даражаси;

- таъминот самарадорлиги - эришилаётган натижаларнинг илмий-методик таъминотта боғлиқлиги;

технологик самарадорлик - субъектларнинг асосий функцияларини амалга оширилиш даражаси, шунингдек, субъектлар фаоллигини ривожлантириш самарадорлиги.

Мазкур шартларни инобатта олган ҳолда педагогик жараёнларни илмий асосда ташкил этиш, белгиланган мақсадларга эришиш ва самарадорликни таъминлашда ҳамда инновацион жараёнларни ташкил этиш ва натижавийликка эришишда субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш, объектив баҳолаш ва мунтазам рағбатлантириб бориш ўзига хос аҳамият касб этади.

Педагогик жараёнларнинг самарадорлигини таъминлашда таълим-тарбиявий жараёнларни мунтазам тадқиқ қилиш ҳамда кўллаб-куvvатланган, маъқулланган, шунингдек, ўқитувчилар ва ўқувчилар ўртасида янги ва ишончли ахборотлар алмашинувини таъминловчи тизимни жорий этиш энг муҳим шартлардан бири ҳисобланади.

### **3.2. Узлуксиз малака ошириш жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш**

Замонавий шарт-шароитларда ўқитувчиларни демократик жамиятда яшаш учун тайёрлаш, уларда Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантириш ва интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш, таълим устуворлигини таъминлаш, демократлаштириш, инсонпарварлаштириш, ижтимоийлаштириш принциплари асосида миллий йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш педагогик жараёнларни демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш принциплари асосида, демократик раҳбарлик услубида ва янги инновацион усусларда ташкил этиш ва бошқариш ҳамда унда шахс ва социум муносабатларининг уйгунашувини таъминлаш заруриятини белгилайди.

Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги, яъни уларнинг профессионаллиги, ўқитувчилар фаолиятини мувофиқлаштириш ва педагогик жараён самарадорлигини таъминлашда компетентли бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, таълим муассасалари ўқитувчилари мунтазам равища ўзининг касбий билими, кўникма ва малакасини ривожлантириб бориши, бошқарув йўналишидаги тушунчаларини кенгайтириши, фан ва техника ютукларини, замонавий педагогик ва янги ахборотлар технологияларини ўзлаштириб бориши учун таълим муассасаларида зарурй шарт-шароитларни яратиш зарур.

Педагогик жараёнларни илмий асосларда ташкил этиш ва бошқариш йўналишидаги замонавий талаблар таълим муассасаси раҳбарлари ва ўқитувчиларининг ўз билимлари, кўникма ва малакаларини узлуксиз ривожлантириб боришини тақозо этади. Бу ўз навбатида, таълим муассасаларида ўқитувчиларни малакасини узлуксиз равища ошириб боришга хизмат қилувчи педагогик жараёнларни самарали ташкил этишни назарда тутади.

Малака ошириш анъанавий равища доимо тизим сифатида, яъни ижтимоий тажрибаларни узатиш, ўқитувчиларда янги тушунча ва

кўникмаларни шакллантириш, уларни педагогик жараёнларни ташкил этиш жараёнига тайёрлаш тизими сифатида кўриб чиқилган.

Аммо, бугунги замонавий ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларда таълим муассасалари фаолиятини қайта ташкил этиш, ўзгартириш педагогик жараёнларда таълимнинг устуорлигини таъминлаш, ижтимоийлаштириш, демократлаштириш, инсонпарварлаштириш ҳамда таълимнинг миллий йўналтирилганлигини таъминлаш принципларига асосланган бўлиб, махсус касбий тайёргарлиги бор ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган, маънавий бой ҳамда ўз фаолиятида шахслараро муносабатларни, шахс ва социум муносабатларининг уйғунлашувини таъминлай оладиган ўқитувчиларни талаб этади.

Шунинг учун, узлуксиз равишда таълим муассаси раҳбарлари ва ўқитувчилар малакасини ошириш жараёни нафакат уларни касбий билим ва кўникмаларни ўзлаштирган мутахассис сифатида тайёрлашга, балки турли ёшдаги инсонларнинг психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг ўзини-ўзи касбий ривожлантириши учун зарурый шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган бўлиши зарур.

Таълим муассасалари раҳбарлари ва ўқитувчиларнинг малакасини ошириш - бу нафакат педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришга уларнинг тайёргарлигини ривожлантириш, балки уларнинг ўзини-ўзи ривожлантириш ва профессионал компетентлилик йўналишидаги эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган узлуксиз жараён, яъни кўшимча таълим тизимида субъектларнинг шахсий аҳамият касб этувчи ўзаро таъсир жараёни сифатида ташкил этилиши зарур.

Таълим муассасалари раҳбарлари ва ўқитувчиларнинг малакасини узлуксиз равишда оширишга қаратилган жараён фаолиятнинг барча босқичларида улар ўзларининг касбий тажрибаларини англаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш, шунингдек, ўзини-ўзи шахсий ривожлантириш эҳтиёжларини фаоллаштириш ва кўллаб-куватлашга асосланади. Мазкур жараёнда шахснинг маънавий бойиши ҳамда ижодий салоҳиятнинг ривожланиши учун имконият вужудга келади.

Таълим муассасалари раҳбарлари ва ўқитувчиларнинг малакасини узлуксиз оширишга йўналтирилган педагогик жараён раҳбарлар ва ўқитувчилар учун нафакат назарий, балки юксак даражада яшаш ва ҳаётий муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш қобилиятларини шакллантирувчи муҳит вазифасини ҳам бажариши ҳамда мазкур жараёнларда яратилган шарт-шароитлар улар учун ўз шахсини ривожлантиришга имконият яратиши зарур.

Таълим муассасаларида ташкил этиладиган узлуксиз малака ошириш жараёни раҳбарлар ва ўқитувчиларда куйидаги йўналишларда эҳтиёж ва ижобий мотивларни шакллантиришга ҳам хизмат қилиши керак:

- ўзини кўпроқ мустақил ва ўзини-ўзи бошқарувчи шахс сифатида ҳис этиш ҳамда ўзини-ўзи ривожлантиришга интилиш;

таълим-тарбия манбаси сифатида вужудга келадиган, ҳаётий ва касбий бой тажрибаларни ўзлаштиришга интилиш;

- белгилangan аниқ мақсадларга эришиш ва муҳим ҳаётий муаммоларни ҳал этишга ижодий ёндашиш;

- белгиланган мақсадларга эришиш ва мұхим ҳәттій муаммоларни ҳал этишпа интилиш билан боғлиқ ҳолда, таълим олиш учун юқори даражадаги тайёргарлик ва мотивацияяға әга бўлиш;

- таълим олиш жараённанда әгаллаган билими, кўникма ва малакаларини амалиётта татбиқ этиш заруриятини тушуниш;

- касбий фаолиятида вужудга келган муаммоларни имкон даражасида тезроқ ҳал этиш учун би им, кўникма ва малакаларини киска муддат ичида амалиётта татбиқ этишга юқори даражадаги интилиш.

Таълим муассасаларида ташкил этиладиган узлуксиз малака ошириш жараёни педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришнинг шахсга йўналтирилган таълимий мұхит жиҳатларини ўзлаштириш ва ишлаб чиқиш, турли даражада уларни амалга ошириш, педагогик жараённинг барча субъектларининг шахсий ривожланишини таъминлаш учун имконият яратувчи психологик тайёргарликни ривожлантиришга йўналтирилган бўлиши зарур.

Таълим муассасалари раҳбарлари ва ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантириш учун уларнинг малакасини ошириш йўналишидаги вазифа ва мақсадларга ўзаро таъсир кўрсатувчи, педагогик таъсир салоҳиятига эга бўлган таълим муассасаси ҳамда жамоанинг ҳар бир аъзосининг муаммоларини қандай ҳал этиш ва улардан қандай фойдаланиш зарур деган саволларга жавоб топиш, яъни таълим муассасасида ташкил этиладиган узлуксиз малака ошириш жараёнини такомиллаштириш учун таълим муассасасининг имкониятларини, илмий-методик таъминотини такомиллаштириш мұхим аҳамият касб этади.

Таълим муассасаларида ташкил этиладиган узлуксиз малака ошириш жараёнини ташкил этишда таълим муассасаси раҳбарлари ва ўқитувчиларни шахс сифатида умумий ривожланишини, шунингдек, уларнинг педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш фаолиятига муносабатлари ва тайёргарлик даражасини ҳисобга олиш зарур.

Таълим муассасаси раҳбарлари ва ўқитувчиларда шахс сифатида янгиликларни яратишга ички мослашув ва фикрлаш усуслари шаклланган бўлса, улар барча ўзгаришларга ўз муносабатини осон билдиради, уларни тўғри баҳолайди, бошқаради ва ўз касбий фаолиятида уларни самарали амалга оширади.

Агарда уларда янгиликларни яратишга ички мослашув яхши шаклланмаган бўлса, улар шахс сифатида кўпроқ консерватизмга мойил бўлади ва бундай холатларни узлуксиз малака ошириш жараёнини ташкил этишда инобатга олиш ўзига хос мұхим аҳамият касб этади. Чунки таълим муассасаси раҳбарлари ва ўқитувчилар педагогик жараёнларни ривожлантиришнинг концептуал дастурларини ишлаб чиқиш ва амалиётта татбиқ этишда сермулоҳазали назарийётчи, методолог, тадқиқотчи ва компетентли бошқарувчи бўлмаса, узлуксиз ривожланиб борувчи жараёнлар ҳисобланган педагогик жараёнларни илмий асосда бошқара олмайди.

Демак, таълим муассасаларида ташкил этиладиган узлуксиз малака ошириш жараёнининг энг асосий мақсади таълим муассасаси раҳбарлари ва ўқитувчилар шахсига ва уларнинг фаолиятига кўйилаётган ижтимоий-иктисодий талаблар билан замонавий ижтимоий-

иқтисодий шарт-шароитларда улар олдида турган, таълимни модернизация қилиш, янгилаш ҳамда таълим муассасасини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган мақсад ва муаммоларни, шунингдек, раҳбарлар ва ўқитувчиларнинг ўз касби ва лавозими йўналишидаги педагогик ва бошқарув функцияларини бажаришга тайёргарлигини етарли даражада эмаслигини инобатта олган ҳолда замонавий ижтимоий талаблар ва муаммолар ўртасида мувофиқликни таъминлашдан иборат бўлиши зарур.

Таълим муассасаларида ташкил этиладиган узлуксиз малака ошириш жараёнида таълим муассасаси раҳбарлари ва ўқитувчиларда касбий аҳамиятга эга бўлган шахсий сифатларни шакллантириш ва ривожлантиришга эришиш учун мазкур жараёнда куйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш зарур:

1. Таълим муассасалари фаолиятига кўйилаётган янги ижтимоий талабларни ҳисобга олган ҳолда ўз фаолиятини қайта англаш ва баҳолаш.

Бунда таълим муассасаси раҳбарлари ва ўқитувчилар ўз фаолиятини таҳлил қиласи ва баҳолайди, мақсад ва воситалар, мақсад ва натижалар ўртасидаги зиддиятларни, тушунмовчиликларни ҳамда ўзини-ӯзи ривожлантириш йўналишларини аниклайди ва унинг заруриятини англайди. Бунда фаолиятнинг одатий стереотипларини йўқотиш, янги тушунчалар асосида ўзи ҳақида тасаввур ҳосил қилиш, аввалги эски услублар ёрдамида ўз фаолиятини амалга ошириш мумкин эмаслигини тушуниб етиш назарда тутилади. Улар ўз фаолиятига нисбатан рефлексив муносабатда бўлишга ўтади ва аввалги фаолиятини танқидий таҳлил қилиш асосида касбий-шахсий ривожланиш жараёнинг фаоллашиши вужудга келади.

2. Касбий фаолият йўналишидаги тушунчаларни ва янгиликни англашга нисбатан интилишнинг ўзгариши.

Бунда таълим муассасаси раҳбарлари ва ўқитувчиларнинг билими, кўнишка ва малакаларининг янгиланиши, маънавий ва маданий салоҳиятининг ривожланиши ҳамда ахборотлар алмашинуви амалга ошади, уларда касбий фаолият йўналишидаги тушунчаларнинг ўзгариши, шахсий ўзгаришлар вужудга келади. Педагогик жараёниларни ташкил этиш ва бошқариш йўналишидаги тажрибалар бойибди, касбий тажрибалар ривожланади.

Таълим муассасаларида ташкил этиладиган узлуксиз малака ошириш жараёни, мазкур жараёнинг самарадорлигига таъсир кўрсатувчи қатор омиллар орқали ифодаланади:

- касбий фаолиятнинг юқори чўккисига эришишга ундовчи, иродавий хатти-харакатларни ифодаловчи омиллар;
- натижага эришиш учун йўналтирилган мавжуд тизим ва хатти-харакатлар изчиллиги билан боғлиқ бўлган объектив омиллар;
- касбий фаолиятда муваффакиятга эришиш чораларининг субъектив асослари билан боғлиқ бўлган омиллар;
- шахсий ривожланиш эҳтиёжларини вужудга келтирувчи ижтимоий (ташки), биопсихологик (ички) ва педагогик (ташкил этувчи ва йўналтирувчи) омиллар.

Мазкур омиллар узлуксиз малака ошириш жараёнида таълим муассасаси раҳбарлари ва ўқитувчиларнинг шахсий аҳамиятга эга бўлган ўзаро таъсир кўрсатишга тайёргарлигини таъминлайди,

рефлексия йўналишидаги қобилиятларининг ривожланишига ёрдам кўрсатади. Мазкур омилларниг таъсири кўрсатиш даражаси таълим муассасасидаги тарбиявий муносабатлар, таълимий мухит ва уларнинг ривожланиш даражаси орқали ифодаланади.

Узлуксиз малака ошириш жараёнига бевосита таъсири кўрсатувчи ва ташки созловчи восита ҳисобланувчи ижтимоий, яъни ташки омиллар мазкур жараён субъектларининг ўзаро таъсири амалга ошувчи мухит ҳисобланади. Бундай таълим-тарбиявий мухитда, рефлексив жараёнлар давомида ва ўзаро таъсири кўрсатувчи субъектларнинг сұхбати асосида шахснинг ўзини-ўзи ривожлантириш, шахсий ривожланиш жараёнлари вужудга келади, шунингдек, қасбий фаолиятнинг аҳамиятини ҳар бир шахснинг мұхим аҳамият қасб этувчи мүлжалини англаш ва қайта ташкил этиш амалга ошади. Мазкур омил ота-оналар, социум ҳамда жамиятнинг замонавий талаблари таъсири остида бўлади.

Шунингдек, унга таълим муассасаси фаолиятини ривожлантириш ва модернизация қилиш шарт-шароитларида таълим муассасаси раҳбари ва ўқитувчилар шахсига ва уларнинг фаолиятига кўйилаётган янги талаблар, таълим муассасаси фаолияти ва замонавий мақсадлар йўналишидаги меъёрий хужжатлар ўз таъсирини кўрсатади. Мазкур таълим-тарбиявий мухитда вужудга келувчи саволларга жавоб излашга ижодий ёндашувлар рағбатлантирилади, мустакил равишда ўзини-ўзи ривожлантириш йўналишида қобилиятлар, таълим олишга нисбатан шахсий қизиқишлиар шаклланади. Бундай ҳолларда таълим-тарбиявий мухитда бўлган шахс танловни амалга оширади, индивидуал маданиятини ривожлантиради ва мазкур мухитнинг маданий анъаналарини такомиллаштиради.

Педагогик жараён ҳисобланган узлуксиз малака ошириш жараёнида ҳамкорликдаги ижодий фаолият қулай психологик мухитни ташкил этишда мұхим аҳамият қасб этади. Бунда вужудга келувчи саволларга ҳамкорликда жавоб излаш, ўзаро таъсири услубларини такомиллаштириш вужудга келади. Унда педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш жараёнини лойиҳалаштириш, тадқиқотчилик ва сұхбат услублари мақсадга мувофиқ услублар ҳисобланади. Бундай шароитларда аввалги тажрибалар такомиллашади, субъектлар ўз фаолиятини қайта англаши учун қулай шарт-шароит вужудга келади, уни кузатиш ёрдамида янги муносабатлар йўналиши белгиланади.

Таълим муассасаларида ташкил этиладиган узлуксиз малака ошириш жараёнининг самарадорлигини таъминлашда куйидагиларни инобатта олиш зарур:

- мазкур жараён тадқиқий ва таҳлилий йўналишга эга бўлиши;
- замонавий педагогик ва ахборотлар технологияларидан фойдаланиш;
- ижодий ҳамкорликни таъминловчи рефлексив таълимий мухитни вужудга келтириш;
- субъект-субъект муносабатларини ривожлантириш;
- шахсий имкониятларни такомиллаштириш учун зарурый психологик мухитни вужудга келтириш;
- ахборотларнинг янгилиги ва ишончлилигини таъминлаш.

Шундай қилиб, таълим муассасаларида ташкил этиладиган узлуксиз малака ошириш жараёнида ўқитиши технологиясига янгича ёндашувлар таълим муассасаси раҳбарлари ва ўқитувчиларни қасбий

фаолиятини ривожлантиришга психологик мослашувини тезлаштириш ва рефлексияни ривожлантиришга йўналтирилган бўлиши зарур. Фақатгина рефлексив таълимий мухитни ташкил этиш асосида таълим муассасаси раҳбарлари ва ўқитувчиларнинг шахсий тушунчаларини ривожлантириш, педагогик ва бошқарув фаолиятининг аҳамиятини етарли даражада ёритиш мумкин.

Шунинг учун, таълим муассасаларида ташкил этиладиган узлуксиз малака ошириш жараёнини янги амалиёт сифатида, яъни таълим муассасаси раҳбарлари ва ўқитувчиларнинг фаоллигини таъминлаш мақсадида ташкил этилган ўзаро таъсир тизими, таълимнинг янги мазмуни, рефлексив таълимий мухитни ташкил этишнинг янги воситалари сифатида кўриб чиқилиши зарур.

Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариши модернизация қилиш ва янгилаш ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-педагогик шарт-шароитлар билан белгиланади. Шунга асосан ижтимоий ижодкорликнинг зарурияти, шунингдек, таълим муассасаси раҳбарлари ва ўқитувчиларнинг ўзини-ўзи ривожлантириш йўналишидаги шахсий кўникмаларини шакллантириш зарурияти кун сайн ривожланиб бормокда.

Таълим муассасаси раҳбарлари ва ўқитувчилар таълим-тарбия жараёни субъектларининг ҳамкорлигини таъминловчи, уларни психологик ва физиологик жиҳатдан ривожлантириш, маънавий бойитиши ҳамда интеллектуал қобилиятларини янада ривожлантиришга йўналтирилган фаолиятни ташкил этишга асосий эътиборни қаратишлари зарур. Мазкур заруриятдан келиб чиқиб, касбий тайёргарликнинг куйидаги асосий компонентларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- педагогик муроҳазаларни ифодаловчи рефлексив кўникмалар;
- педагогик жараёнларда субъектларнинг хатти-ҳаракатларини ва ўзаро муносабатларини ҳамда тарбиявий муносабатлар жараёнига тайёргарлигини ҳис этишни ифодаловчи олдиндан кўриш кўникмалари;
- педагогик жараёнларда вужудга келиши мумкин бўлган вазиятларда субъектлар фаоллигини таъминлаш ва фаолиятини мувофиқлаштириш кўникмаси;
- педагогик жараёнларда вужудга келган турли вазиятларнинг кулай таълимий мухитга салбий таъсир кўрсатишiga қарши тура олиш кўникмаси;
- педагогик жараёнларда қулай таълимий мухитни ва субъектларнинг рефлексив фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш кўникмаси;
- коммуникатив компетентлилик ҳисобланган, вазиятларга кўра субъектлар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатишга ва уларнинг индивидуал психологик хусусиятларига мос ҳолда таъсир кўрсатиш кўникмаси;
- муроҳотга киришиш кўникмаси;
- субъектлар билан ахборот алмашиниш кўникмаси;
- ўзини-ўзи бошқариш ва шахсий ривожлантириш кўникмаси;
- ахборотлар тўллаш, уларни қайта ишлаш ва объектив баҳолаш кўникмаси ва ҳ.к.

Таълим муассасаларида ташкил этиладиган узлуксиз малака ошириш жараёнида таълим муассасаси раҳбарлари ва ўқитувчиларни

нафақат касбий фаолиятга мотивлаштиришни ривожлантириш, балқы уларнинг шахсий сифатларини ривожлантириш учун ҳам шарт шароитлар яратиш зарур. Мазкур жараёнда рефлексив таълимий муҳитни ташкил этиш уларнинг шахсий камол топишига ижодий таъсири кўрсатувчи муҳит сифатида хизмат қиласди.

Таълим муассасаси раҳбарлари ва ўқитувчилар учун энг зарур бўлган кўникумалардан бири онгли равища ўзини-ўзи бошқариш ҳисобланади. Онгли равища ўзини-ўзи бошқариш орқали ўзини-ўзи ривожлантиришни унинг шахсий мўлжалини қайта англаш сифатида кўриб чиқиш мумкин. Уларнинг ўзини-ўзи ривожлантириш компонентларидан яна бири маънавий ва маданий бойликларни қайта англаш, ўзининг ҳаётий стратегиясини белгилаш ҳамда ўз касбий мақсадларини амалга оширишини ифодаловчи ўзлигини исботлашдир.

Бунда ўзлигини исботлаш ўзининг имкониятлари ва муваффакиятларини ривожлантириш, касбий аҳамиятга эга бўлган шахсий сифатларни такомиллаштириш жараёни ҳисобланади. Ўзлигини исботлашда субъектнинг шахсий имкониятларини ривожлантириши, касбий фаолияти самарадорлигини ошириши ижодий салоҳиятни ривожлантириш ва педагогик фаолияти самарадорлигини таъминлашга йўналтирилган бўлади.

Таълим муассасаси раҳбарлари ва ўқитувчиларда ўзини-ўзи ривожлантириш жараёни ижтимоий вазиятларнинг ўзгариши билан боғлиқ ҳолда амалга ошади, шунинг учун узлуксиз малака ошириш жараёнида уларда ўзаро таъсири, ўзаро муносабатлар ва ўзаро алоқаларнинг қайта ташкил этилиши натижасида шахсий ривожланиш ҳамда касбий фаолиятга психологияк мослашув вужудга келади.

Таълим муассасаси раҳбарлари ва ўқитувчиларнинг ўзини-ўзи ривожлантириши, авлодлар тажрибасини ўрганиши, яъни узлуксиз малака ошириш жараёнида субъектларнинг шахсий тажрибаларининг асосий компоненти ҳисобланган маънавий ва маданий тушунчалар ривожланиб боради. Субъектларнинг ижтимоий аҳамият касб этувчи турли фаолиятлари давомида амалий кўникумларининг шаклланиши, ўзлигини исботлаши жараёнида шахс учун муҳим аҳамиятга эга бўлган интеллектуал қобилият, тасаввур ва тушунчалар шаклланади, дунёқараши ўзгаради ва тафаккури ривожланади.

Таълим муассасаларида ташкил этиладиган узлуксиз малака ошириш жараёнида таълим муассасаси раҳбарлари ва ўқитувчиларнинг барча функционал вазифаларини тушунтириш билан бир қаторда, ўқувчиларга таълим-тарбия бериш самарасига аҳамиятли таъсири кўрсатувчи фаолиятининг қуйидаги йўналишларини эътиборга олиш зарур:

- педагогик жараёнларни ўкувчиларнинг бошланғич тушунчалари қобилияти, қизиқиши ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш ва бошқариш;
- ўкув жараёнини илмий асосда ташкил этиш ва бошқариш; ижодий ёндашиш;
- дарсдан ташқари ишларнинг мазмуни ҳамда ташкил этилишини жиддий назоратта олиш;
- ўкувчиларни касбга йўллаш ҳамда ўзи танлаган касбги қизиқишини ривожлантириш йўналишидаги тадбирларни илмий асосда ташкил этиш;

- ўқувчиларнинг ўзини-ўзи бошқариш йўналишидаги мустақил фаолиятини мувофиқлаштириш;
- жамоавий бошқарув органлари ва жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатиш;
- ота-оналар қўмитаси фаолиятини мувофиқлаштириш;
- фанлардан аъло баҳоларга ўқийдиган, иқтидорли ва ташкилотчи ўкувчиларни ўз вактида рағбатлантириб бориш;
- иқтидорли ёшларни аниклаб, қизиқкан йўналишлари бўйича кўшимча машғулотлар ташкил этиш;
- фанлардан ўзлаштиришга қийналаётган ўқувчилар учун алоҳида машғулотлар ташкил этиш ва улар учун зарурый шарт-шароитлар яратиш қамда назоратга олиш;
- фанлар, турли касблар ва спорт йўналишлари бўйича тўгараклар фаолиятини йўлга кўйиш.

Таълим муассасаларида ташкил этиладиган узлуксиз малака ошириш жараёнида мураккаблиги жиҳатидан турлича бўлган педагогик ва бошқарув йўналишидаги вазифаларни бажариш ва унинг самарадорлигини ошириш йўналишидаги мавзулар бўйича маълумотлар беришда рефлексив таълимий мухитни шакллантириш ўзига хос аҳамият касб этади.

Рефлексив таълимий мухит жараёнида субъектлар ўз фаолияти самарадорлиги, йўналишидаги эски тасаввурлари билан, белгиланган мақсадга эришишда самарали ҳисобланган янги методлар ўргасидаги зиддиятларни англаб етади, мазкур жараёнда ўзи томонидан танланган методларнинг аҳамиятини, уларни амалга ошириш воситалари ва усуслари билан ўз шахсий тушунчалари ўргасидаги боғлиқликини таҳлил қилиш натижасида рефлексив малакалар шаклланади, натижада ўз фаолияти самарадорлигини, маънавий ва маданий тушунчалари, касбий қобиљияти, билим, кўнижма ва малакалари даражасини ўзи баҳолаш имкониятига эга бўлади.

Таълим муассасаларида ташкил этиладиган узлуксиз малака ошириш жараёнида рефлексив таълимий мухитни шакллантириш ҳамкорликда фаолият кўрсатиш тажрибалари билан узвий боғлиқ бўлади, яъни бу педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш фаолиятини амалга ошириш жараёнида, шунингдек, малака ошириш жараёнида ҳамкорлар ўргасида вужудга келадиган ўзаро таъсирни ифодалайди.

Ўзаро таъсир натижасида субъект томонидан ўз шахсий хусусиятлари таҳлил қилинади, мазкур жараёнда касбий аҳамиятга эга бўлган шахсий хусусиятлар, маънавий ва маданий тушунчалар қайта шаклланади ва ривожланади.

Ўзаро таъсир натижасида субъектлар ўзининг рефлексив фаолиятини амалга оширади ва унда олдинги хатти-ҳаракатлари, тажрибаси ва таҳлил қилиш кўнижмалари ривожланади. Ўзаро таъсир жараёнида иштирок этаётган шахс нафақат ўзини ва касбий аҳамиятга эга бўлган шахсий сифатларини, балки аниқ ҳолатни, вазиятни ҳам ўзгаришига таъсир кўрсатади, бунда ўзаро таъсир кўрсатувчи субъектларнинг ривожланиши амалга ошади, шунингдек, ўзаро таъсир жараёни ҳам ривожланади.

Таълим муассасаларида ташкил этиладиган узлуксиз малака ошириш жараёнини ташкил этишда ўзаро таъсир жараёнининг

аҳамиятини, яъни қасбий аҳамиятга эга бўлган шахсий сифатларнинг ривожланишида муҳим аҳамият қасб этувчи куйидаги натижаларга эришиш мумкинлигини инобатта олиш зарур:

- қасбий компетентлилик даражасининг ўсиши;
- субъектларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигининг ривожланиши;
- шахснинг психологик хусусиятларининг ўзгариши;
- маънавий ва маданий тушунчаларнинг ривожланиши;
- ўзини-ўзи англаш ва ўзини-ўзи баҳолаш кўникмаларининг ривожланиши;
- ҳамкорликдаги фаолиятни вужудга келиши ва унда ахборотлар алмашинуви натижасида қасбий билим, кўникма ва малакаларни ривожлантиришга психологик мослашувни вужудга келиши.

Юқорида келтирилган фикрларга асосланиб айтиш мумкинки, таълим муассасаси раҳбарлари ва ўқитувчиларнинг қасбий фаоллигини ошириш, рефлексив кўникмалар шакллантириш, маънавий ва маданий тушунчаларини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган ўзаро таъсирни вужудга келтирувчи шахслараро алоқаларни амалга оширишда илмий-назарий ва амалий аҳамият қасб этувчи узлуксиз малака ошириш жараёнларини ташкил этиш зарур.

Мазкур жараёнда таълим муассасаси раҳбарлари ва ўқитувчиларнинг қасбий кўникма ва малакаларини ривожлантириш самарадорлиги мустақил таълимни йўлга қўйиш, уларда ўзини-ўзи тарбиялаш кўникмаларини шакллантириш, шунингдек, рефлексив фаолиятни ҳамда ўзаро таъсир жараёнини ташкил этишга боғлиқ бўлади.

Таълим муассасаларида ташкил этиладиган узлуксиз малака ошириш жараёни таълим муассасаси раҳбарлари ва ўқитувчиларнинг мустақил таълим олиши асосида ташкил этилиши ва мазкур жараёнда уларнинг креатив ва рефлексив қобилияtlарини ривожлантирилиши муҳим аҳамият қасб этади.

Мазкур жараёнда ўзаро таъсирни амалга оширмай, рефлексив фаолиятни ташкил этиш билан субъектларнинг мустақил таълим олишга қизиқишини шакллантириб бўлмайди. Педагогик жараён субъектларининг мулоқот жараёнини энг самарали ўзаро таъсир жараёни деб айтиш мумкин, чунки бунда шахслараро муносабатлар ривожланади ва ўзаро таъсир жараёни субъектларининг шахсий ривожланиши амалга ошади. Шахсий ривожланишининг асосий омили мунтазам равишда мавжуд бўлган ўзаро таъсир жараёни ҳисобланади, рефлексив таълимий муҳит жараёнида субъектлар ўзаро таъсир малакасини ўзлаштиради ва уни келгусида ўз фаолиятида амалиётга татбиқ этади.

Ўзаро таъсирнинг мазмун ва моҳияти ҳамкорликдаги фаолият тизимишини шаклланиши сифатида тавсифланади. Ўзаро таъсир индивидуал ҳатти-харакатлар мажмуининг ҳамкорликдаги яхлит тизими сифатида шаклланишини таъминлайди. Ўзаро таъсир жараёнини ташкил этиш субъектларда ўзини-ўзи тарбиялаш кўникмаларини шакллантириш, уларнинг шахсий билим ва тушунчаларини, мустақил фикрлаш қобилияtlарини ривожлантириш билан бир қаторда, уларнинг креатив ва рефлексив қобилияtlарини ривожлантиради. Шунингдек, ташкил этилган рефлексив таълимий муҳит уларда ўзаро таъсир

малакасини ва уни келгусида ўз фаолиятида амалиётта татбиқ этиш ўникмаларини шаклланишига имконият яратади.

Узлуксиз малака ошириш жараёнини ташкил этишга рефлексив ёндашувда ўзаро таъсири ҳамда рефлексив фаолиятни ташкил этиш субъектларнинг мазкур жараёнга қизиқишини ривожлантиради, чунки бунда субъект-субъект муносабатлари шаклланади ва ўзаро таъсири жараёни иштирокчиларининг шахсий ривожланиши амалга ошади.

Ўқитувчиларни моддий рагбатлантиришга, фаолиятини тақомиллаштиришга асосий мезон бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган билими, кўникма ва малакаси, касбий маҳоратини ривожлантиришда тухим аҳамият касб этувчи узлуксиз малака ошириш жараёнлари таълим муассасаларида ташкил этиладиган педагогик жараёнлар компонентларидан бири бўлиб, мазкур жараёнларни ташкил этиш ва ёпиқаришга тизимли ёндашувни жорий этиш зарур.

Ҳар қандай тизим ўзининг ташкил этувчиларига, яъни компонентларига эга бўлади. Мураккаб педагогик тизим ҳисобланган узлуксиз малака ошириш жараёнининг асосий компонентларига таълим муассасасида ташкил этиладиган ўкув семинарлари, семинар-гренинглар, очиқ дарслар, ўзаро дарс кузатишлар, фан кечалари, илмий-змалий конференциялар, илғор педагогик технологияларни оммалаштириш, ўқитувчилар томонидан тайёрланадиган илмий-методик маҳсулотлар, жумладан, малака ошириш институтидаги назарий ва змалий машғулотлар ҳамда масофадан ўқитишни киритиш мумкин.

Ихтиёрий тизимнинг ташкил этувчи компонентларидан бири мазкур тизимнинг ўзгаришига ва ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади. Шундан келиб чиқиб, ўқитувчиларнинг узлуксиз малакасини оширишга тизимли ёндашувни жорий этиш зарур бўлиб, бунда ўқитувчиларнинг билими, кўникма ва малакаси ҳамда касбий маҳорати даражасини аниқлаш мезонларининг элементи сифатида тизимнинг ҳар бир компонентини олиш мумкин.

Мазкур йўналишда ўқитувчиларнинг рейтингини белгилаш мезонини ишлаб чиқиша компонентларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб балларнинг тақсимланиши уларнинг фаолиятини тақомиллаштиришда ўзига хос аҳамият касб этади. Масалан, 100 балли тизимда баҳолаш мезонини қуидагича белгилаш мумкин:

илмий даражаси учун - 20 балл (фан доктори - 20 балл, фан номзоди - 10 балл);

тажрибаси оммалаштирилганлиги учун - 15 балл (Республика ва вилоят миқёсида оммалаштирилган бўлса - 15 балл, туман миқёсида оммалаштирилган бўлса - 10 балл, таълим муассасаси миқёсида оммалаштирилганлиги учун - 5 балл);

малака ошириш институтида ва масофадан ўқитишда ўз вақтида ўқигани учун - 9 балл (мутахассислиги бўйича - 5 балл, кисқа муддатли курсларда - 4 балл);

илмий-методик мақолалари учун 8 балл (Республика илмий-методик журналларидағи ҳар бир мақоласи учун - 4 балл, бопка журнал, газета ва тўпламларда - 2 балл);

- яратган ўкув қўлланма, дарслик ва методик қўлланмалари учун - 9 балл ( ўкув қўлланма ёки дарсликни ҳар бири учун 9 балл, методик қўлланма - 5 балл, методик кўрсатма - 4 балл);

- илмий-амалий конференцияларда маколаси билан иштироки учун - 8 балл (халқаро ва республика конференцияларида - 5 балл, вилоят ва туман миқёсида - 2 балл);

ўқув семинарлари ва семинар-тренинглар учун - 15 балл (инновацияларни татбиқ этиш йўналишида педагог ходимлар учун ташкил этган ҳар бир семинар учун - 4 балл, иштироки учун - 2 балл);

- очик дарслар учун - 8 балл (ўз фанидан очик дарс ташкил этгани учун ҳар бир соатига - 2 балл, бошқа очик дарсларга қатнашгани учун уч соатига - 1 балл);

- ўзаро дарс кузатишлиар - 8 балл (ҳар ўн соатига - 1 балл).

Тизимли ёндашувда барча компонентлар тизимнинг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатишини инобатта олиб, юқорида келтирилган барча катталикларни ҳисобга олиш зарур ва бу ўз навбатида ўқитувчиларни рағбатлантиришда ҳам асосий компонентлар сифатида хизмат қилиши мумкин.

Баҳолаш жараёнида демократик тамойилларга асосланган ҳолда баҳолаш мезонларини ўқитувчиларнинг ўзига тарқатиш ва белгиланган мезонлар асосида ўзини-ўзи баҳолашни ташкил этиш уларнинг ижодий фаолиятини шакллантириш ва ривожлантиришда муҳим аҳамият қасб этади.

•

## АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР, ТАЯНЧ СҮЗ ВА ИБОРАЛАР

**Авторитар рахбарлик** - бу услубда фаолият күрсатувчи профессор-ўқитувчилар ўз иродасини ўкувчи-талабаларга маъмурӣ куч воситасида ўтказишга интилади, яъни мажбурлаш, қўрқитиш, жазолаш ва бошқа чора-тадбирлардан фойдаланади. Бу услуб бевосита бўйруқ ва кўрсатмалар беришга асосланиб, ўкувчи-талабаларни сўзсиз бўйсунишини назарда тутади, яъни педагогик жараёнларда ўкувчи-талабалар эркинлиги чекланади хамда факат профессор-ўқитувчилар педагогик жараённинг ягона субъекти сифатида фаолият кўрсатади. Ўкувчи-талабаларнинг бевосита ва эркин мулоқотда бўлиши чегаралаб қўйилади. Бундай вазиятда ўкувчи-талабаларнинг педагогик жараёнга муносабатлари, уларнинг эҳтиёжлари ва манфаатлари психологик жиҳатдан эътиборга олинмайди.

Бу "ажратиб ташла ва ҳукмронлик қил" тамойилига асосланган шафқатсизларча услубдир. Бундай услугуб гарчи бир-мунча самарали бўлса хам, аслида, педагогик жараёнларда мухолифлик, норозилик кайфиятини шакллантиради. Бундай услугуб таъсирида ўкувчи-талабалар ўз ўкув фаолиятидан қоникмайди, унинг натижаларига қизиқмайди ва булар ўз навбатида педагогик жараённинг самарадорлигини пасайишига сабаб бўлади. Бунда мазкур услубнинг турли хил шакли ва усуслари вужудга келади:

- мутлоқ - диктаторлик шакли - профессор-ўқитувчилар педагогик жараённинг ягона субъекти сифатида фаолият кўрсатади, мазкур жараёнда ўкувчи-талабалар фаол иштирок этмайди. Бундай услубдан фойдаланувчи профессор-ўқитувчилар муттасил бўйруқ беришга, мажбурлаш, қўрқитиш орқали ўкувчи-талабаларни ўз истакларига сўзсиз бўйсундиришга интилади, натижада ўкувчи-талабаларда таълим учун таълим олиш, яъни ўз фаолиятидан қоникмасдан ёки ўрганилаётган фанга қизиқишсиз таълим олиш, шахсий қизиқишларсиз ва манфаатлар уйғуналашувисиз таълим олиш, муваффакиятсизликдан қўрқиб таълим олиш, мажбуран таълим олиш йўналишидаги мотивлар шаклланади;

- автократик усул - яккаҳоимлик тушунчасини билдиради, яъни ҳукмронликини амалга оширувчи профессор-ўқитувчиларнинг ихтиёрида кенг имконият ва ваколатлар бўлишини кўзда тутиб, бу маъмурӣ бўйруқбозликка асосланган бошқарувнинг бюрократик тури;

- патриархал ёки матриархал шаклида профессор-ўқитувчилар "оила бошлиғи" мавқеидан фойдаланиш ёрдамида педагогик жараёнларни ташкил этади ва бошқаради, ўкувчи-талабалар уларга нисбатан жуда катта ишонч билдиришади ва шунга асосан бўйсунишади;

- илтифотли - харизматик шакли, бунда профессор-ўқитувчилар шахснинг ўзига хос такрорланмас донолик, хайриҳоҳлик, қаҳрамонлик, мардлик каби хусусиятларига асосланган юқори даражадаги мавқеидан фойдаланади, ўкувчи-талабалар унинг хатти-харакатларини, мақсадлари йўналишини ўзаро муносабатлар

**жараёнида кузатишади, шунингдек, унинг ижобий сифатларига, ичкі дүнёқарашига хурмат билан қарашади.**

**Анъанавий қарорлар** - бу педагогик жараёнларни илмий асосда ташкил этиш, таълим сифатини давлат таълим стандартлар талабларига мувофикалаштириш, профессор-ўқитувчиларда зарури күникма ва малакаларни шакллантириш ҳамда таълим муассасаси фаолиятини такомиллаштириш йўналишидаги иш режалари, турли дастурларни тасдиқлаш, шунингдек, одатий вазиятлард муссасасанинг фаолиятига оид қабул қилинадиган қарорлардир.

**Ахборот** - педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда шунингдек мазкур жараён субъектлари ҳисобланган профессор ўқитувчилар ва ўкувчи-талабалар фаолиятини ташкил этиш ва уларни мувофикалаштиришда, педагогик жараёнларни илмий асосда ташкил этиш ҳамда самарадорлигини оширишда ўзига хос, турли янгиликларни ўз ичига олган маълумот ва хабарлардан иборат бўлиб янги, ишончли ва зарур ахборотлар педагогик жараён субъектлари фаолиятини мувофикалаштиришда ўзига хос аҳамият касб этади.

**Ахборотлар билан ишлаш** - турли маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва узатишдан иборат бўлиб, педагогик жараёнлар субъектлари фаолиятини мувофикалаштириш жараёнида қўлланилади. Бу жараёнда педагогик жараён ташкилотчилари ҳисобланган раҳбарлар ва профессор-ўқитувчилар келиб тушаётган асосий маълумотларнинг генератори сифатида фаолият кўрсатади ва улар учун асосий восита ахборотлар бўлиб, улар асосида педагогик жараён субъектлари фаолияти мувофикалаштириб борилади..

**Ахборотлар билан ишлаш функцияси** - профессор-ўқитувчилар билан ўкувчи-талабалар ўртасидаги шахсий ва технологик ахборотлар алмашувини ташкил этади. Унинг асосий хусусияти профессор-ўқитувчилар томонидан ўкувчи-талабаларнинг фаолиятини мувофикалаштириш, педагогик жараёнларда шахсга йўналтирилган таъсирни вужудга келтириш асосида уларнинг фаоллигини таъминлаш, ўкувчи-талабаларнинг ўз ўкув фаолиятидан ва ташкил этилган педагогик жараёнларда яратилган шарт-шароитлардан қониқиши хосил қилишлари учун уларда қизиқишлар вужудга келтириш билан белгиланиб, бу хусусият профессор-ўқитувчиларнинг ўқитиши функциялари билан бир қаторда, ахборотлар билан ишлаш функциясининг кўрсаткичлари билан боғлиқ бўлади.

**Ахборотлар тизими** - бу педагогик жараёнларда муҳим педагогик аҳамиятга эга бўлган маълумотларни, ўқитишининг янги педагогик ва ахборот технологияларини ҳамда педагогик жараёнларни ташкил этиш йўналишидаги барча меъёрий хужжатларни, шунингдек, иқтисодий-ижтимоий, илмий-техникавий, хукукий ва ташкилий янгиликлардан иборат ахборотлар оқимини, замонавий ахборот технологиялари, компьютерлаштириш ва компьютерлар тармоқлари негизида таълим жараёнини ахборот билан таъминлашни ўз ичига олувчи мураккаб тизим ҳисобланади.

**Ахборотлар тизими** кенг бўлиши ва ўз хусусиятига қараб янгиланувчанлигини, яъни ўзгариб бориши, янгиликлар билан бойиб

боришини инобатта олиб, ахборотлар билан ишлаш жараёнига педагогик жараён ташкилотчилари томонидан тизимли ёндашувнинг жорий этилиши талаб этилади. Бунинг сабаби, тизим компонентлари ўртасидаги муносабатлар, ўзаро боғлиқлик ва алокадорлик ҳамда ихтиёрий компонент бутун бир яхлит тизимнинг ўзгаришига ўз хиссасини кўшиши ва ўзгарувчи омилларнинг педагогик жараёнлар самарадорлигига таъсир кўрсатишидадир.

**Ахборотлар тўплаш методлари.** Барча методлар қатори ахборотлар тўплаш методлари ҳам педагогик жараёнларни такомиллаштириш учун субъектлар фаолиятини илмий асосда ташкил этишда педагогик жараённинг ҳолати тўғрисида ишончли ахборотлар тўплаш ва субъектларнинг фаолиятини объектив баҳолашни амалга оширишга хизмат қиласди, мазкур метод меъёрий хужжатларни ва илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, педагогик жараёнлар самарадорлигини таҳлил қилиш, сўровномалар ўtkазиш, профессор-ўқитувчиларни аттестациядан ўtkазиш, таҳлилий баҳолаш, умумлаштириш ва тизимлаштириш, статистик ва математик таҳлил ва бошқа кўпгина усусларни ўз ичига олади.

**Ахборот-таҳлил Функцияси.** Унинг асосий вазифаси педагогик тизимлар (педагогик жараён) тўғрисида узлуксиз равища ахборотлар тўплаш ва уларни чуқур ўрганиш ҳамда объектив баҳолашдан иборат. Бу вазифаларни бажариш асосида бошқарув фаолиятининг стратегияси, ривожланиш омиллари, педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш ҳамда унинг самарадорлигини назорат қилиш йўллари аниқланади. Шунинг учун ахборотлар нафакат ишончли, балки янги ва фойдали бўлиши ҳам зарур.

**Ахлоқий хислатлар** - одамийлик, қаноатлилик, жонкуярлик, меҳрибонлик, олижаноблик, олиҳимматлилик, байналминаллик, ғоявий содиқлик, кечиримлилик, андишалилик, шахсий манфаатдан ижтимоий манфаатдорликни юқори кўя олишлик.

**Билим даражаси** - раҳбарлар ва профессор-ўқитувчиларнинг педагогик жараёнларни такомиллаштириш ва таълим самарадорлигини оширишда замонавий ахборот технологиялари, компьютерлаштириш ва компьютерлар тармоқлари негизида таълим жараёнини ахборотлар билан таъминлашни ривожлантириши учун техника ва технологияни билиши ва улардан фойдалана олиши, иқтисодиётни билиши, бошқариш услубларини, функциялари ва структурасини билиши, истикболни белгилаш ҳамда бошқарув жараёнини лойиҳалаш технологияларини жорий эта олишини белгилайди.

**Билиш компоненти** - бошқаларни ва ўзини-ўзи билишга қаратилган психик жараёнлар: сезги, идрок, тасаввур, хотира, тафаккур, хаёл ва ҳ.к.

**Бошқариш структураси** - "структурна" лотинча сўз бўлиб, нарсалар таркибий қисмларининг ўзаро боғлиқ равища жойлашиши, ташкилий тузилишини билдиради. Бошқарув мақсадларини амалга оширувчи ва функцияларини бажарувчи бир-бири билан боғланган турли бошқарув органлари ва бўғинларининг мажмуи тушунилади.

**Бошқаришнинг мақсадлари, функциялари, вазифалари, объектлари ва унинг ташкилий тузилишини белгилаб беради.**

**Бошқаришнинг демократик тармойили** - унинг моҳияти, асосан, бошқариш жараёнига барча жамоа аъзоларини жалб этиш, қарорлар қабул қилишда, муассаса мақсади ва вазифаларини белгилашда барча ходимлар қатнашишини тақозо этади. Қатнашиш шакли турлича бўлиши мумкин: бошқаришда ягона маъмурийлик, биргаликдаги пул маблағлари, бошқариш қарорларини коллегиал ҳал қилиш ва ҳоказо.

**Гуруҳ** - бу муайян белгига, масалан, синфий мансубликка, биргаликда фаолият кўрсатиш мумкинлигига ва унинг ташкил топиш хусусиятлари ва шу кабилар асосида ажралиб турадиган инсоний умумийликдир.

**Гуруҳлар** - расмий (формал) бўлиши, яъни юридик жиҳатдан қайд этилган ҳуқуқ ва бурчларга, меъёрий ҳужжатлар асосида ўрнатилган тизимга, тайинлаб ва сайлаб кўйилган раҳбарликка эга ёки улар юридик жиҳатдан қайд этилмаган, аммо таркиб топган шахслараро муносабатлар (дўстлик, хайриҳоҳлик, ҳамжиҳатлик, ишонч,...) тизими билан ифодалангандан ишонч (ноформал) бўлиши ҳам мумкин.

**Гуруҳлараро ва шахслараро иктилофлар** - айrim шахсларнинг гуруҳ билан ёки гурухларнинг ўзаро келишмовчилигини билдиради.

**Демократик раҳбар** - бундай турдаги раҳбар ўз фаолиятини ўзининг жамоаси аъзоларига таянган ҳолда, жамоа фикрини инобатга олиб амалга оширади. Бошқарув ваколатлари, фаолият учун жавобгарлик бўйсунувчилар ўртасида тақсимланади. Ходимларнинг ўзаро муносабатларини рағбатлантириш билан биргаликда уларнинг билдирган фикрига кулоқ солади, улар билан маслаҳатлашади, ижобий томонларини инобатга олиб рағбатлантириб боради.

**Диалектиклик** - бу инновацияларнинг ривожланиш жараёни бўлиб, унинг меъёрий асослари секин-аста, босқичма-босқич янгиланиб бориш жараёни билан тавсифланади. Инновациялар мавжуд урф-одат, анъаналар билан ижодий зиддиятларни вужудга келтиради ва улар асосида амалга оширилади ва ривожлантирилади. Бу тизимнинг узлуксизлиги муассасанинг инновацион ривожланиш кўрсаткичини белгилайди.

**Диверсификациялапшган стратегия** - педагогик жараёнларни илмий асосда ташкил этиш, иқтидорли ўқувчи-талабаларни аниқлаш ва уларни ўқитишида табақалаштирилган ёндашувларни жорий этиш асосида ўқувчи-талабаларни ўзлаштириш кўрсаткичини кўтариш, рақобатбардош битирувчилар сонини кўпайтиришга қаратилган вазифаларни амалга ошириш йўлларини ифодалайди.

**Дидактик қобилиятлар** - бу педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда кўзланган мақсаднинг мазмун ва моҳиятини, вазиятларга кўра унга эришиш йўлларини ва мазкур йўналишдаги вазифаларни субъектларга аниқ ва равшан, тушунарли қилиб етказа олиш, уларда мазкур вазифаларни бажаришга масъулият ҳиссини ҳамда қизиқишини уйғота олиш, шунингдек, мақсадга эришишда

субъектларнинг барчасини фаол иштирокини таъминлай оладиган қобилятлардир.

**Жамоатчилик ташкилотлари** - ўқувчи-талабалар кенгаши, касаба уюшма қўмитаси, методик бирлашма, ота-оналар қўмитаси.

**Идентификация.** Бунда педагогик жараён субъектлари, яъни сұхбатдошлар бир-бирларини яхшироқ тушунишлари учун ўзларини сұхбатдошларининг ўрнига қўйиб қўришга ҳаракат қиласидар. Идентификация - бу билимлар, тушучалар, тасавурлар ва шахсий хислатлар орқали сұхбатдошни тушунишга ҳаракат қилиш, ўзини иккинчи бир шахс билан солиштиришdir.

**Ижтимоийлаштириш** - субъектларда юксак маънавият, маданият ва ижодий фаолиятни шакллантиришдан иборат бўлиб, педагогик жараёнда ижодий таълимий мухитни яратишга хизмат қиласидар.

**Ижтимоий-психологик методлар** - педагогик жараён субъектлари ўртасида шундай муносабатларни вужудга келтиришни назарда тутадики, бунда профессор-ўқитувчилар ўқувчи-талабаларнинг bemalol, эркин ҳаракат қилиши, ўзини-ўзи намоён қилиши, турли жараёнларда эркин иштирок этиши, фикр билдириши учун шарт-шароит ва ижодий таълимий мухитни яратиши назарда тутилади.

**Ижтимоий-психологик мослашув** - бу субъектларни таълимий мухит таъсирига мослашувини назарда тутади ва унинг маълум бир грухдаги қадриятлар билан яқинлашуви, мазкур янги мухитдаги ижтимоий меъёрларни, анъана ва грухий маданият элементларини ўзлаштиришидир. Ижтимоий-психологик мослашув ҳам касбий мослашув сингари маълум бир имкониятлар даражасида, ташки мухит таъсирини ўз ички дунёси, кечинмалари доирасида ўз мақсад ва эҳтиёжларига мослаштириб олишига боғлиқ.

**Инновацион жараён.** Инновацияларни вужудга келтириш, амалиётга татбиқ этиш ва оммалаштириш фаолиятлари билан боғлиқ. Инновацион салоҳиятига кўра янгиликлар; модернизация, фаолиятни такомиллаштириш, шаклан ўзгартириш, ривожлантириш билан боғлиқ бўлган модификацион инновациялар; олдиндан маълум бўлган методлар элементларининг янги тизимга бирикишини назарда тутувчи бириккан инновациялар; ўхшашлик ва умумийликка эга бўлмаган радикал инновациялар педагогик жараёнлар самарадорлигининг асоси сифатида белгиланади.

**Инновация** - мақсадга йўналтирилган ўзгартиришлар бўлиб, маълум бир ижтимоий бирликка - муассаса, уюшма, жамоа ва грухларга янги ва нисбатан барқарор бўлган элементларни, умумий ҳолда халқнинг маънавий-маданий муносабатлари ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан узвий боғлиқ бўлган янгиликларни киритишидир.

**Интегратив маҳорат** - бу умумлаштирилган маҳорат бўлиб, педагогик жараёнларда ижобий натижаларга эришишга, педагогик жараёнларни ривожлантиришга йўналтирилган фаолиятни режалаштириш ва амалга оширишда зарур ҳисобланади.

**Интеграцион ёндашув - педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда бошқарилувчи объект (педагогик жараён)га бир неча ёндашувларни (вазиятли, тизимли, инновацион ва ҳ.ж.) кўллаш бўлиб, умумлаштирилган ёндашувларни ифодалайди.**

**Ихтилоф** - шахслараро ихтилофлар шахсларнинг бир-бирини англамаслиги, манфаатларининг турли хиллиги, тушунчаларнинг номутаносиблиги бир-бирини ёқтираслиги, қизиқишлари, қарашлари ва интилишларининг ўзаро мос келмаслиги натижасида намоёй бўлади. Ҳар қандай ихтилоф маълум вақт бирлиги давомида содиј бўлади, етилади ва бартараф этилади.

**Ихтилофларни бошқариш** - бу ихтилофни вужудга келтириши мумкин бўлган сабабларни олдиндан аниқлаш ва уларга барҳам бериш йўналишида аниқ мақсадли таъсир кўрсатиш ёки ихтилоф қатнашчилари хулқ-авторини ўзгартиришга қаратилган таъсиј кўрсатиш. Ихтилофни келтириб чиқарган сабабларни тўлиқ ёки қисма барҳам топтириш ёхуд ихтилоф қатнашчилари мақсадларининг ўзгариши ихтилофларнинг ҳал этилишидир.

**Ихтилофли вазият** - томонларнинг бирон-бир йўналишдаги қарама-қарши, зиддиятли нуқтаи назари, ўзаро умумий манфаатларга мос келмайдиган мақсадларга интилиш, уларга эришиш учун турлитуман воситалардан фойдаланиш ёки фаолиятни амалга оширишни режалаштириш жараёни.

**Ички коммуникация.** Таълим муассасаларида вертикал ва горизонтал ахборот алмашинуви мавжуд бўлиб, булар таълим муассасаси фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш учун зарур бўлган ахборотлар алмашинуви, яъни ички коммуникацияни ифодалайди.

**Иш юритиши** - бу таълим муассасасининг ўз функция ва вазифаларини бажариши давомида амалга ошириладиган фаолият ва унга тегишли кўрсатмаларни меъёрий хужжатлар асосида расмийлаштириш усуллари ва жараёнлари мажмуи ҳисобланади.

**Ишбилармонлик, ишчанлик, уддабуронлик ҳислатлари** - кунтилиник, тиришқоқлик, масъулиятлилик, ҳалоллик, рақобатбардошлик, чаққонлик, абжирлик, ташаббускорлик, тадбиркорлик, чидамлилик, сабр-тоқатлилик, бардошлилик, мунтазамлилик, тежамкорлик, эҳтиёткорлик, сахийлик, мардлик.

**Қарор** - бу таълим муассасаси фаолиятини такомиллаштиришда раҳбарлар ва ходимлар томонидан амалга ошириладиган вазифаларни бажариш йўлларини танлаш ва белгилаш ёки инновацион фаолиятни ташкил этишда маълум бир тўхтамга ёки муайян бир фикрга келишдир.

**Касбий маҳорат ва лойиҳалаштириш** - бошқарувда стратегия, стратегик мақсад ва вазифаларни тўғри белгилаш, қарорлар қабул қилиш, муассасасининг умумий фаолиятини лойиҳалаштириш, инновацион фаолиятни ташкил этиш, бошқарув жараёнига тизимли ёндашувларни лойиҳалаш технологияларини жорий этиш ҳамда бошқарув усуллари, методлари ва тамойилларидан самарали фойдаланишдир.

**Касбий тажриба** - авлодларнинг ижтимоий тажрибасини ўзлаштириш ва уларни амалиётда кўллашни таъминлаб берувчи гушунчалар тизими бўлиб, раҳбарлар ва профессор-ўқитувчиларнинг ўз фаолияти давомида фан-техника янгиликларига, илғор тажрибаларга таяниши ҳамда мазкур тажрибалар асосида ўзининг кўникма ва малакаларини ривожлантириб бориши билан бир қаторда, ўкувчи-талабалар фаолиятини бошқаришидир.

**Касбий фаолиятнинг белгилари** - ихтисослаштириш, меҳнат фаолиятининг можияти ва мазмуни, бошқарув объекти, мақсадга эришиш учун зарур бўлган ўзига хос воситалар, тушунчалар, бошқарув фаолиятининг натижаси, асосий фаолият учун сарфланган ёзкт, иш ўрнининг кўлами ва жойи.

**Касбий қобилият** - бу раҳбарлар ва профессор-ўқитувчиларда интеллектуал, касбий малака ва кўникма, чидамилийк, яратувчаник, гашаббускорлик, ижодкорлик, ташкилотчилик, ўз фикрини яхши баён өтга олиши - нотиклик, ишонтира олиш, назорат, кузатувчаник, галабчаник, хотирада саклаб қолиш, тарбиявий муносабатларда фаоллик ҳамда педагогик таъсир кўрсатиш, бошқарувчилик ва индерлик хусусиятларининг шаклланганлиги.

**Келишув** - профессор-ўқитувчилар ва бошқа мутахассисларнинг аълим муассасасида фаолият кўрсатиши учун маълум муддатта ўзилган шартнома, бошқа ташкилотлар ва ўкув юртлари билан илмий-ималий ҳамкорлик йўналишлари бўйича олдиндан шартнома тузиш изими.

**Қобилият** - инсоннинг билим, кўникма ва малакаларини ортириш хусусиятларига боғлиқ бўлиб, мазкур хусусиятлар билим, кўникма ва малакаларга таалукли бўлмайди, яъни қобилиятлар билим, малака ва кўникмаларнинг ўзида кўринмайди, балки уларни ғаллаш динамикасида намоён бўлади. Қобилият инсонларни сифат киҳатидан бир-биридан фарқлайдиган индивидуал-психологик хусусиятлардир. Қобилиятлар инсонларнинг аниқ бир фаолиятидан ташқарида мавжуд бўлмайди, балки уларнинг таркиб тошини таълим ва гарбия жараёнида содир бўлади.

**Коллегиаллик** - педагогик жараёнларни ташкил этиш ва юшқарип ҳамда субъектлар фаолиятида мавжуд камчиликларни юартараф этиш ва турли муаммоларни ҳал қилишда ҳамкорлик юлиши, шунингдек, педагогик жараёнларни таоминлаштиришда субъектларнинг (ўкувчи-талаба) ҳамкорлигини йўлга кўйиш ва иргаликда бошкарниш.

**Коммуникациялик қобилияти** - бу самимий мулокотда ўзимга, мулокотни тўғри ташкил этишга, ўкувчи талабалар билан ўстона мулокот ўрнатиш учун тўғри йўл топа билашга, улар билан педагогик нутқдан назардан мақсадга мувофиқ ўзаро алоқа бошлишга ҳаратиган қобилиятлар.

**Коммуникации** - бу педагогик жараёни субъектлари ресмида ўзаро ахборот алманинум бўлиб, педагогик жараёнларни ашкел этиш ва бошқарнина ўзига хос мураккаб тизим хисобланади а таълим муассасаси раҳбарлари ва профессор-ўқитувчилар омонидан амалга оширилаётган барча шарар ахборотларини

самарали алмашишини талаб қиласы, шунинг учун у ўзининг функционал даражаси билан тавсифланади ва бошқарув маданиятининг ташкилий сифатини белгилайди. Таълим муассасаси коммуникацияси бу ўзига хос мураккаб ва кўп босқичли тизим бўлиб, нафақат таълим муассасаси ичидаги, балки унинг ташқарисидаги ахборот алмашувини ҳам қамраб олади.

**Конструктив ихтилофлар** - ихтиёрий муассаса ҳаётининг муҳим муаммолари ва унга қарашлар кураши, фикрлар хилма-хиллигидан иборат бўлиб, турғунлик ва қотиб қолишнинг олдини олишга, ривожланишнинг асоси бўлиб хизмат килишга, жамоанинг мақсад сари илгарилаб боришига, янги анъана ва қадриятлар шаклланишига ўз таъсирини кўрсатиши мумкин. Хар қандай ихтилоф асосида томонлар ўтрасида аввали муносабатларни инкор килишга ҳаракатлар ётганлиги учун янги муносабатлар ва янги шароитлар яратишга олиб келиши мумкин.

**Кўнкима** - белгиланган мақсадга мувофиқ равишда ҳаракат усусларини танлаш ва амалга ошириш учун мавжуд билимлар ва малакалардан фойдаланиш.

**Либерал раҳбарлик** - муросасозлик (кўнгилчанлик)ка асосланган раҳбарлик услуби. Либерал (эркин иш юритиши) раҳбарлик услуби профессор-ўқитувчиларнинг ўқувчи-талабаларга топшириқ ва маслаҳатларни тавсиялар кўринишида бериши, ўқувчи-талабаларнинг ишига камроқ аралашиби билан тавсифланади. Бунда профессор-ўқитувчilar воситачи сифатида фаолият кўрсатади, педагогик жараёнларда ўқувчи-талабаларга кенг доирада мустақиллик, тўла эркинлик бериш билан бир қаторда, уларнинг ҳаракатларига кам эътибор беради ва назоратни сустлик билан амалга оширади. Ўз зиммасига маъсуллият олишни ёқтирамайди, келишувчанлик асосида фаолият кўрсатади, яъни ўқувчи-талабалар билан ўзаро муносабатларни бузмаслик учун уларнинг барча талабарини бажаради. Бу ўз ўрнида педагогик жараёнларда тартибсизлик вужудга келишига, ўқувчи-талабаларнинг хатти-ҳаракати ва ўкув фаолияти йўналишидаги назоратнинг сустлашига, уларнинг муайян фанга бўлган қизиқишлиарнинг йўқолишига олиб келади, шунингдек башқа педагогик жараёнларда ҳам ўқувчи-талабалар фаоллигининг сусайишига сабаб бўлади. Узбу раҳбарлик услубининг қуйидаги усул шаклларини ажратиб кўрсатиши мумкин:

- коммуникацион мойиллик - бунда профессор-ўқитувчilar ўқувчи-талабаларга турли хил саволларни бериши, ўз фикрларини билдириши учун имкониятлар беради, бу бошқарувнинг маслаҳатли усули бўлиб, ўқувчи-талабалар томонидан берилган таклифлар, уларнинг фикрлари, улар томонидан бажарилган топширикларнинг натижалари ўрганиб чиқилиши сабабли берилаётган топшириклар улар томонидан ўз вақтида бажарилади;

- ҳамкорликда қабул қилинган қарорлар асосида бошқарув - педагогик жараёнларда муаммоли вазиятларни вужудга келтириш усусларидан кенг фойдаланилади ҳамда профессор-ўқитувчilar муаммонинг ечимини топиш учун барча ўқувчи-талабаларни жалб этади ва бунда муаммони ечиш тартибини ўзи белгилайди,

шунингдек, ўзининг барча хукуклари ва ваколатларини сақлаб қолган ҳолда ўкувчи-талабалар томонидан муаммонинг ечими бўйича қарор қабул қилинишига рухсат беради.

**Лидерлик.** Лидер асосан маълум бир гурӯҳда ўзи бошчилик қилаётган йўналишларда шахслараро (норасмий) муносабатларни бошқариб, у ўз гурӯхи аъзоларининг кучли ва салбий томонларини, ижобий ва салбий одатларини, шунингдек, уларнинг психологик кусусиятлари, кайфиятлари, мояхдиллиги, интилишлари ҳамда қизиқишлигини яхши билганилиги сабабли етакчилик қиласди. Ихтиёрий жамоада турли йўналишларда лидерлар бўлиши мумкин. Масалан, гурли хил тадбирларни (жамоа аъзоларининг турли хил уй ишларида қашарлар, дам олиш тадбирлари, гурӯҳ бўлиб турли хил зиёфатлар ўюштириш ва ҳ. к.) ташкил этиш бўйича жамоатчилик йўналишида, спорт ёки спортнинг маълум бир тури бўйича, ўкув жараёнини ташкил этиш ёки фанларни юқори даражада ўзлаштириш йўналишларида.

**Лойиҳалаш** - Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш жараёнларини лойиҳалашда тизимли обьект сифатида яхлит педагогик жараённи ривожлантириш ва унинг уникал моделини такомиллаштиришга ташкил этувчи қисмлар таъсир кўрсатишнинг аҳамиятини инобатта олиш, шунингдек, бир хил ва генг шароитларда педагогик жараёнларнинг ривожланишига кўпроқ гаъсир кўрсатувчи баъзи қисм ва бўғинларни ўзгартиришга имтиёзлар бериш зарур.

Шунингдек, педагогик жараёнларнинг интегратив табиатига мос ривожлантирувчи стратегияларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириш механизмларини лойиҳалаштириш педагогик жараёнларда ўрганиладиган тушунчаларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигини ҳамда ахборотларнинг янгилиги ва ишончлилигини таъминлаш заруриятини белгилайди.

Бунда дарс (маъруза, семинар, амалий машғулот, экспурсия), дарсдан ташқари ташкил этиладиган тадбирлар (давра сұхбати, учрашув, турли мусобақа ва танловлар, конференция ва ҳ.к.), мустакил таълим ҳамда тарбиявий муносабатлар (инсон-инсон, инсон-техника-инсон, инсон-китоб-инсон, инсон-табиат-инсон, инсон-санъат-инсон қаби тарбиявий муносабатлар) жараёнларини, шунингдек гаълим муассасаларида ташкил этиладиган педагогик тажриба-синов ишлари ҳамда талабалар (олий ўкув юртлари ва ўрта маҳсус, касб-кунар таълими муассасалари талабалари) учун ташкил этиладиган педагогик амалиёт яхлит, бир бутун динамик тизим кўринишида гасаввур қилиниб лойиҳалаштирилиши зарур.

Педагогик жараёнларни лойиҳалаштириш ва ташкил этишда дарс ва дарсдан ташқари ташкил этиладиган тадбирлар, мустакил таълим, тарбиявий муносабатлар жараёнлари ҳамда педагогик амалиёт ва педагогик тажриба-синов жараёнларининг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигини таъминлаш ўкувчи-талабалар учун гашкил этиладиган таълим-тарбия жараёнлари натижавийлиги қисобланган педагогик жараёнлар самарадорлигини таъминлашга кизмат қиласди.

**Локал баҳолаш** – бу баҳолаш таълим муассасаси фаолиятини такомиллаштириш, педагогик жараёнини ташкил этиш ва бошқариш йўналишида маълум бир вазифани ёки унинг бир қисмини бажариш натижаларига асосланади.

**Маслаҳат** – муайян шароитларни ҳисобга олган ҳолда психологик таъсир ўтказиш.

**Масъулият** – бу ихтиёрий шахснинг ўз хатти-ҳаракати ва фаолияти натижаси учун жавобгарликни ҳис этишидир. Масъулият – бу шахснинг ўз зиммасига олган ёки унга топширилган мажбуриятларига ҳисоб бера олишида, хатти-ҳаракатларида, кимнидир-ниманидир айбламай, хатти-ҳаракати натижалари ва унинг оқибатлари учун жавобгарликни ўз зиммасига олишида кўринадиган фазилатdir.

Масъулиятнинг инсон хулқидаги муҳим белгиси – ўз вазифасин бажаришидаги аниклик, пухталик, ҳозиржавоблик, ўзини мажбур қил олиш, ўз хатти-ҳаракатлари оқибатига жавоб беришга тайёр туриш ҳ.к. Масъулиятли хулқни амалга ошириш куйидаги иродави сифатларга эга бўлишни талаб қиласди: қатъиятлилик, чидамлили ўзини тута билиш, барқарорлик ва ҳ.к.

Педагогик жараён субъектларида масъулият хулқи шакллантириш факат психологик омилларгагина боғлиқ бўлма мазкур жараённи ташкил этиш ва назорат қилиш билан боғлиқ бош омилларга ҳам боғлиқдир. Масалан, ўкувчи-талабаларга бўлган ишон турли хил вазифаларнинг топширилиши ва уларни назорат қилихусусиятлари таъсир кўрсатади.

**Махсус стратегия** – таълим муассасасида педагогик жараёнлаф самарадорлигини пасайиб кетишини, ўкувчи-талабаларнин ўзлаштириш даражасини ДТС талаблари даражасидан тушиб кетмаслигини, шунингдек, тажрибали, билимли, ўз касбини фидойилари бўлган профессор-ўқитувчиларни таълим муассасасида кетиб қолишиларини олдини олиш мақсадида узоқ муддатта тузилади.

**Мақсад** – ихтиёрий тизимнинг тизим ташкил этувчи компоненти ҳисобланади, педагогик тизимни бошқаришда мақсаднинг аҳамияти аниқ фаолиятнинг мақсади сифатида белгиланади. Бунда авва мақсад умумий ҳисобланади, уни лойиҳалаштириш жараёнида вазиятлар инобатга олинган ҳолда топшириклар бўйича тақсимланади. Яъни, бошқарувда мақсадни шакллантириш бир неча даражада амалга оширилади: умумий мақсадни белгилаш; умумий (стратегик) мақсадни аниқлаштириш; вазиятга кўра мақсадларни ишлаб чиқиши.

Бошқарув тизимида мақсадга самарали эришишнинг асоси шартларидан бири мақсадни белгилаш талабларига риоя қилиш мақсадлар олдиндан белгиланган ва аниқ шакллантирилган бўлиши бажарувчилар томонидан қабул қилинган ва уларга тушунарли бўлиши; мақсадлар таҳлил қилинган ва бажарилиш муддат белгиланган, шунингдек, бажарувчиларнинг ҳаракат мотивлаштирилган бўлиши; вертикал ва горизонтал бўйич келишилган турли хил топшириклар йўналишида тақсимланишид мақсадларнинг бирлиги сақланиши зарур ҳисобланади.

**Мақсадли-мотивлаштириш функцияси.** Педагогик жараёнларнинг самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллардан яна бири мотивлаштириш бўлиб, самарадорликка эришишда педагогик жараёнларнинг мақсадини, мақсадга эришиш йўналишида белгиланган вазифаларнинг мазмун-моҳиятини, ўрганиладиган тушунчаларнинг зарурити, аҳамияти ва мазмун моҳиятини ўкувчи-талабаларнинг бошланғич тушунчаларига боғлиқ ҳолда тушунтириш, ўрганиладиган тушунчаларга нисбатан ўкувчи-талабалар қизиқишини ривожлантириш асосида вазиятларга кўра уларнинг фаоллигини таъминлаш ва ўзаро муносабатларни мувофиқлаштириб бориш жараёнида профессор-ўқитувчилар томонидан бошқарувнинг мақсадли-мотивлаштириш функцияси амалга оширилади.

**Маъқуллаш** - педагогик жараёнларда субъектларнинг фаолиятига, хатти-харакатига, билдирган фикрларига, ижодий ёндашувларига нисбатан бўлган ижобий муносабат.

**Маълумот** - маълум мақсадга йўналтирилган, инсон шахсининг ривожланишини таъминловчи, маҳсус ташкил этилган тизим бўлиб, ўқитиши жараёни ва унинг натижаси ҳисобланади.

**Маълумотлилик** - шахсий сифат кўрсаткичи, яъни шахснинг ривожланиш даражаси, унинг тажрибаси, кўнишка ва малакаларни қай даражада ўзлаштирганлиги ва улардан фойдаланиш ҳамда улар ёрдамида янги билим-кўнишкаларни эгаллаб, ривожлантириб бориш қобилиятлари тушунилади.

**Менежмент** - инглизча сўз бўлиб, ўзбек тилида бошқарувни ташкил этиш (бошқариш, бошқарув ҳокимијати, ташкил этиш), раҳбарлик қилиш (режалаштириш, тартиба солиш-мувофиқлаштириш, назорат қилиш) маъноларини англатади. Менежмент - бу кўзланган мақсадларга эришиш учун фаолиятни, яъни индивидлар ёки уларнинг гурухларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда бошқариш усуслари, шакллари ва воситалари мажмуюи.

**Менежмент фани** - бу раҳбарларга бошқарув фаолиятини тўғри амалга ошириш, ходимлар фаолиятини самарали бошқариш ва мувофиқлаштиришда, шунингдек, корхона ва муассаса олдига кўйилган мақсадларга ҳамда кўзланган натижаларга эришишда муҳим аҳамият касб этувчи қарорларни қабул қилиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш, таҳлил қилиш ва объектив баҳолашни ўргатувчи фан бўлиб, унинг асосий мақсади замонавий ижтимоий-иктисодий шарт-шароитларда бошқарувнинг барча бўғинларида самарали ишлай оладиган юкори малакали бошқарувчиларни тайёрлашдан иборат.

Менежмент фан сифатида ўз мақсадига кўра қўйидагиларни ўрганади: бошқариш назарияси ва амалиёти; бошқариш обьекти ва субъекти; бошқариш тамойиллари ва усуслари; раҳбар маданияти; раҳбар ва лидер, уларнинг фазилатлари; раҳбар рейтинги; бошқаришда киришувчанлик ва қарор қабул қилиш; бошқарув функциялари; ходимларни бошқариш; жараёнларни бошқариш, самарадорликни бошқариш; ўз-ўзини бошқариш; худудий бошқариш ва ҳ.к.

**Миллий-худудий ёндашув.** Таълим муассасаларини минтақалаштириш жараёнлари турли хил тизимлар ва тизимости бўғинлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг сезиларли даражада ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Бошқарув қарорларининг мазмун ва можияти турли хил даражада белгиланмокда: давлат, худудий, шаҳар, туман ва муассасалар миқёсида. Бугунги қундаги тизимнинг аввалги тизимдан асосий фарқларидан, афзалликларидан бири таълимнинг демократлашуви - таълим ва тарбия услубларини танлашда ўкув юртлари мустақиллигининг кенгайиши, таълимни бошқаришнинг давлат-жамият тизимига ўтилишидадир. Шундан келиб чиқиб, педагогик жараёнларни бошқаришда субъектлар мустақил қарорлар қабул қилиш, таълим муассасасининг мустақил сиёсатини олиб бориш, тактика ва стратегияни мустақил белгилаш, худудий ва бошқа ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш имкониятларига эга.

**Мойиллик** - бу англаб етилмаган қобилиятдир. Ўқобилияларини англаб етиш маълум бир фаолият турига қизиқишин кескин орттиради ва шахснинг ижодий фаолият кўрсатиши учун маълум имкониятларни яратади.

**Мотивлаштириш** - бу маълум эҳтиёжлардан келиб чиқиб, кишилар фаолиятини психологик таъсир этиш йўллари билан мақсадга мувофиқ йўналтиришдир.

Педагогик жараёнларда давлат ва жамият, шахс, фан ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларидан келиб чиқкан ҳолда субъектларнинг хатти-ҳаракатларини, фаолиятини мувофиқлаштириш, эришиш зарур бўлган мақсадлар йўналишида профессор-ўқитувчилар ва ўкувчи-талабаларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш, уларнинг фаоллигини ривожлантириш самарадорлиги кўп жиҳатдан мотивлаштиришга боғлиқ бўлади.

Таълим муассасаларида ташкил этиладиган педагогик жараёнларда қулай таълимий мұхитни шакллантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиша субъектларнинг эҳтиёжлари ва имкониятларини ўрганиш асосида уларнинг фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантириш зарур бўлиб, мазкур жараёнда мотивлаштириш ўзига хос аҳамият касб этади.

Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда мотивлаштириш ташаббусларни ишлаб чиқиш ва таҳлил қилиш учун шарт-шароитлар яратиш, субъектларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, ижтимоий амалиёт ва таълим эҳтиёжларидан келиб чиқкан ҳолда натижаларнинг самарадорлигини таҳлил қилишни ҳамкорликда ташкил этиш, ўкувчи-талабаларда ўкув мотивларини шакллантириш орқали амалга оширилади.

**Муаммо** - ҳар қандай тизимда мавжуд ва зарур бўлган ҳолатдан четта чиқишини тавсифловчи вазият (вокеликни)ни англатади.

**Мувофиқлаштирилган ёндашув.** Педагогик жараёнла самарадорлигини ошириш, кўзлашган мақсадга эришишда субъектла фаоллигини таъминлашга жалб этиладиган сарф-харажатларнинг меъёрдан ортмаслигини таъминловчи, субъектларнинг имконияти қобилияти ва бошланғич тушунчаларига ҳамда мавжуд вазиятлар ва шарт-шароитларга мос келувчи, энг кулай бўлган ҳамда педагоги-

жараён ва унинг таркибий тузилишини қайта ташкил эта оладиган тизимни вужудга келтириш мувофикалаштирилган ёндашувни жорий этишдир.

Мувофикалаштирилган ёндашувни амалиётта татбиқ этилиши натижасида субъектларнинг фаолигини ҳамда педагогик жараён самарадорлигини таъминлаш учун сарф этиладиган меҳнат ва вақт тежалади, шунингдек, педагогик жараёнларда бир томонламалилик (субъект сифатида фақат ўқитувчининг ўзи фаолият кўрсатиши) бартараф этилади.

**Мужассамлаштирилган стратегия** - педагогик жараёнларни илмий асосда ташкил этишнинг барча йўналишларини қамраб олган ҳамда таълим муассасанинг яхлит фаолиятини ўзида жамлаган мўлжалдир.

**Музокаралар** - ихтилофларни ҳал қилиш усули сифатида тактик усулларнинг мажмуидан иборат бўлиб, қарама-қарши томонларнинг ўзаро мақбул ечимга келишларига қаратилган бўлади.

**Мулоқот.** Инсонларнинг маълум бир жамоада ёки гурӯхда ҳамкорликдаги фаолиятлари жараёнида вужудга келадиган эҳтиёжлардан бўлиб, уларнинг ўз фаолиятлари давомида ўзаро муносабатларга киришиш жараёни ҳисобланади. Инсонларнинг барча фаолиятлари давомида ўзаро муносабатлар, таъсир этиш шаклларини ўз ичига оладиган мазкур тушунча уларнинг ўзаро бир-бирларини тушунишлари, ҳамкорлик қилишлари ҳамда ўзаро ахборотлар алмашинишлари учун зарур ҳисобланади.

Ижтимоий психологияда мулоқот учта турга бўлинади. Биринчиси, инсонларнинг ўз-ўзи билан мулоқоти, иккинчиси инсоннинг бошқа инсонлар билан мулоқоти, учинчиси авлодлараро мулоқот бўлиб, мазкур мулоқотлар натижасида бир авлоднинг тажрибаси иккинчи авлодга ўргатилади, бу эса пировардиа инсонларнинг ривожланишига, ҳаёт, фан-техника ва технологияларнинг тараккий этишига замин яратади. Шундан кўриниб турибдики, мулоқот ёки бошқарув мулоқотисиз бошқарув жараёнини тасаввур қилиб бўлмайди.

**Мустақил маълумот** - бу авлодлар тажрибасини, фан ва техника ютукларини ўз ички туйғулари асосида мустақил ўрганишга қаратилган хатти-харакатлар мажмuinинг натижаси бўлиб, инсоннинг шахсий қобилиятларини ривожлантириш жараёни ҳисобланади. Мустақил маълумот инсон шахсининг ривожланишида, тажрибаларни эгаллашида қулайликлар яратса, мустақил таълим эса таълим олишнинг асоси ҳисобланади.

**Мустақил таълим** - бу инсоннинг ўзи танлаган воситалар ва адабиётлар ёрдамида авлодлар тажрибасини, фан ва техника ютукларини ўрганишга йўналтирилган шахсий хатти-харакатлар жараёни. Бунда инсоннинг ички дунёси, ҳис-туйғулари, мустақил фикрлаш қобилияти асосий роль ўйнайди.

**Назорат** - бу бошқарув жараёнининг фаол босқичларидан бири бўлиб, у бошқарувнинг барча функциялари билан боғлиқ бўлади. Умумий ҳолда режалаштирилган натижа билан ҳақиқий эришилган

натижаларни ўзаро солишириш жараёни бўлиб, у фаолиятнинг муваффакиятини аниклашга имконият яратади.

Педагогик тизимни бошқариш жараёнида кўзланган йўналишдан четта чиқишлиар ҳам вужудга келиши мумкин, бундай вазиятларда назорат йўл кўйилаётган хатоларнинг сабабини ўз вақтида аниклаш ва уларни тузатиш усулларини белгилаш имкониятларини яратади. Шунинг учун бошқарув фаолиятнинг барча босқичлари учун назорат зарур ҳисобланади.

**Назорат-ташхис функцияси** - режалаштирилган натижадан билан ҳақиқий эришилган натижаларни ўзаро солишириш жараёни бўлиб, у фаолиятнинг муваффакиятини аниклашга имконият яратади.

**Насиҳат** - психологик таъсир ва мулоқот шаклларидан бўлиб, мазмун жиҳатидан буйруқка, тақиқка, маслаҳатга ўхшаб кетади. Лекин насиҳат улардан фарқли ўлароқ, муайян бир фаолиятга ёки ҳодисага нисбатан кўникума, мослашувни шакллантиришга қаратилган бўлади.

**Натижалар бўйича бошқарув.** Бундай ёндашувнинг асосий ғояси шундан иборатки, ҳеч бир жараён, жумладан, педагогик жараён ҳам ўзи-ўзича ҳеч қандай аҳамият касб этмайди. Педагогик жараёнларнинг аҳамияти унинг натижавийлигида ўз ифодасини топади ва унинг натижавийлиги субъектлар (ўқувчи-талабалар)нинг фаолигини таъминлаш ва фаолиятини мувофикаштириш асосида турли ривожланишларни амалга оширишни кўзда тутади.

Натижалар бўйича бошқарув тушунчаликни тизими сифатида амал қиласи ва педагогик жараён субъектлари фаолиятини мувофикаштириш ва уларнинг фаолигини таъминлаш асосида белгиланган натижаларга эришиш мумкин. Мазкур жараёнда белгиланган вазифалар ва ўрганиладиган тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини ҳар бир иштирокчига тушунтириш орқали субъектларнинг ўзини-ўзи бошқариши ҳамда ўз фаолиятига ижодий ёндашувни жорий этиши таъминланади.

**Новаторлик ғоялари** - янгиликлар яратиш, уларни педагогик жараёнига татбиқ этиш ва маълум бир инновацион фаолиятни ташкил этиш бўйича ғоялар.

**Нутқ қобилияти** - раҳбар ва профессор ўқитувчиларнинг ўз фикрини, ҳис-туйғуларини нутқ ёрдамида, шу билан бирга мимика ва пантомимика ёрдамида аниқ ва равshan қилиб ифодалаб бериш ҳамда уларнинг фаолиятини маълум йўналишда ўзгартириш ёки керакли йўналишда ташкил қилиш қобилиятидир.

**Олдиндан кўриш-режалаштириш функцияси.** Бошқарув фаолиятини олдиндан кўриш (англ. *observation*) ва режалаштириш функцияси учун мақсадли-мотивлаштириш бошланғич асос бўлиб хизмат қиласи, олдиндан кўриш-режалаштириш функцияси ташкилий шакллар, усуллар, таъсир этувчи воситаларни аниклайди, назоратнинг меъёри ва натижаларини баҳолашга хизмат қиласи, шунингдек, педагогик тизимни ва унинг иштирокчиларининг хатти-ҳаракати ва фаолиятини мувофикаштириш ва тартибга солишга имконият яратади.

**Педагогик жараён** - бу шахслараро муносабатларда, бевосита ва билвосита таъсир кўрсатиш жараёнида (тарбиявий муносабатлар)

инсонларнинг шахсий сифатларининг шаклланиши ва ривожланишига, хатти-ҳаракати ва дунёқарашини ўзгаришига, тажрибасининг бойиши, билим, кўнижма ва малакаларининг шаклланиши ва ривожланишига хизмат қиласиган омиллар мавжмуини ташкил қилувчи таълимий муҳит.

**Педагогик маҳорат** - профессор-ўқитувчилар томонидан педагогик жараёни субъектларининг икониятлари, қобилияти ва бошланғич тушунчаларини ииобатта олган ҳолда миллий қадриятларимизни, ҳаётий тажрибаларни, фан ва техника соҳаларидаги ютукларимизни ўргатишни таъминлайди ҳамда уларнинг қобилиятларини ривожлантиришга хизмат қиласи.

**Педагогик такт** - ҳар қандай педагогик таъсирга нисбатан кўлланиладиган чора-тадбирларни (рағбатлантириш, жазолаш, панд-насиҳат) ҳис эта билишдан иборатdir. Қобилиятли раҳбар ходимларга эътибор бериб зийраклик билан қарайди, уларнинг индивидуал психологик хусусиятлари билан ҳисоблашади. Бунда муҳими - бўйсунувчиларга таъсир этишнинг энг қулай усулларини топа билиш, тарбиявий таъсирни кўллашда мақсадга мувофиқ педагогик чораларга эътибор бериш, аниқ педагогик вазифаларни ҳисобга олиш, ходим шахсининг психологик хусусиятлари ва унинг имкониятлари ҳамда мазкур педагогик ҳолатларни ҳисобга олиш зарур.

**Педагогик қобилият** - бу бошқарув жараёнида раҳбарлар ва профессор-ўқитувчилар учун энг зарурий хусусиятлардан бўлиб, уларнинг педагогик фаолиятга яроқлилигини ва шу фаолият билан муваффақиятли шуғуллана олишини, шунингдек, педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқара олишини белгилайди.

**Поғонавийлик** - ташкилий тузилишга кўра таълим муассасасининг юқори бўғини (раҳбарлар) билан қўйи бўғини (ижрочилар) ўртасидаги масофанинг катта-кичиклигини ифодалайди, яъни раҳбар билан оддий ижрочи ўртасидаги масофа қанчалик катта бўлса (даражалар сони) таълим муассасаларидаги поғонавийлик даражаси шунчалик катта бўлади.

**Принцип** - бу сўз лотин тилидан олинган бўлиб, асос, дастлабки, хатти-ҳаракат ва фаолиятнинг асосий негизи каби маъноларни билдириб, раҳбарлар ва профессор-ўқитувчиларнинг ўз фаолиятидаги бир сўзлиги ва қатъиятлилигидир. Уларнинг принциплилиги педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда, субъектлар фаолиятини мувофиқлаштиришда ҳамда педагогик жараёнларда ижодий муҳитни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

**Психик жараёнлар** - бу объектив оламни субъектив акс эттиришнинг турли шаклларидир. Психик жараёнлар психик функциялар деб ҳам айтилади. Психик жараёнларнинг асосий турлари сезги, идрок, хотира, тасаввур, хаёл, тафаккур, нутқ, хиссиёт, ирода бўлиб, улар ўз навбатида уч гурӯхга бирикади: билиш жараёнлари, иродавий жараёнлар, ҳиссий жараёнлар.

**Психик ҳоссалар ёки хусусиятлар** - шахснинг индивидуал-психологик хусусиятлари бўлиб, булар ёрдамида инсонлар бир-биридан фарқланади, уларнинг типологик ва индивидуал фарқлари аникланади.

**Психик хусусиятларга темперамент, характер, қобилият, эҳтиёж ва мотивлар киради.**

**Психологик маҳорат** - раҳбарлар ва профессор-ўқитувчиларнинг ўқувчи-талабаларни хатти-харакатларини бошқариш ва мувофиқлаштириш маҳоратидир. Чунки, бунда раҳбарлар ва профессор-ўқитувчилар ҳар бир ўқувчи-талабанинг психологик хусусиятлари ва гуруҳ психологиясини яхши билиши зарур, бу зарурятни инглиз олимлари "ўзгалар психологиясини билиш улар устидан ҳукмронликнинг ягона йўлидир" деб таърифлашган.

**Психологик ҳолатлар** - психик фаолиятнинг вактинчалик динамикаси билан тавсифланади. Бу инсон ички дунёсининг муҳим томони бўлиб, фаолиятга таъсир кўрсатади. Психик ҳолатларга чарчаш (толикиш), эмоционал зўриқиши (стресс), монотония ва бошқа психик ҳолатлар киради ва булар ўзаро боғлиқ бўлади.

**Раҳбар маданияти** - раҳбар одоби ва иқтидори ўртасидаги диалектик боғланиш. Бу боғланиш одоб, иймон, инсоф, адолат ва иқтидор каби фазилатлар мажмуудан иборат бўлади. Раҳбарнинг касбий маданияти деганда раҳбарнинг професионаллиги, унинг профессионал бошқарув фаолиятини бажаришга тайёргарлик даражаси тушунилади. Бунда раҳбарларнинг мақсадга мувофиқ у ёки бу касбий сифатлари алоҳида вазиятларда ҳар бир раҳбарнинг "идеал моделини" шакллантиришга асосланади.

**Раҳбарлик** - инсонларга мақсадли таъсир ўтказишга қаратилган, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш билан боғлиқ бўлган фаолиятдир. Раҳбарлар қатор функцияларни бажаради: жамоа фаолияти мақсадларини аниқлайди ва шакллантиради, мазкур фаолиятни режалаштиради, рағбатлантириш воситалари ва усулларини белгилайди, уларни назорат қилишни амалга оширади.

**Раҳбарлик** - одамларга мақсадли таъсир ўтказишга қаратилган, уларнинг хулқини тартибга солиш билан боғлиқ бўлган бошқарувнинг таркибий қисмидир.

**Раҳбарлик услублари** - раҳбар ўзининг бошқарув фаолиятида афзал билган ва асосланган барча усуллар ва хатти-харакатининг тактика ва стратегияларидан ташкил топган тизим сифатида қаралади. Бунда бир томондан стратегиялар билан бошқарув фаолияти мазмuni, бошқа томондан бу тизимнинг ўзи, инсон фаолияти муҳитида турли аҳамиятта зга бўлган ҳаракатлар ва шу қатори профессионал фаолият бошқарув субъектининг ривожланишида ҳамда унинг профессионал мутахассис сифатида шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

Раҳбарнинг ўз ишини ташкил қила билиши деганда унинг бошқарув фаолиятини тўғри режалаштириши, яъни буйруқ бериш, топшириқ ижросини текшириш, ходимлар фаолиятини баҳолаш ҳамда турли хил қарорлар қабул қилиши ва уни назорат қила олиши назарда тутилади.

**Рефлексив бошқарув.** Шахс ривожланишига таъсир этувчи турли хил омиллар билан ўзаро алоқага киришади, бунда хатти-харакатларнинг мазмун-моҳияти ва мақсадга йўналтирилган ўзгартирувчи фаолиятнинг эҳтиёжини англаш мумкин бўлади, чунки

ўз-ўзини чукур англаб етиш натижасида жамоада ўз ўринини аниқлаш, ўзини намоён қилиш (ўзини кўрсата билиш), ўз-ўзини (харакатларини, феъл-авторини) маъқуллаш, ўзининг ички имкониятларидан, қобилиятидан фойдаланиш, ўз-ўзини юдора қилиш вужудга келади.

**Рефлексия.** Мулокот жараёнида сұхбатдошнинг тасаввурини англашга харакат қилиш, яъни узини ўранида туриб ўзига баҳо беришга харакат қилиш, яъни бу иккисининг ишорига тааллуки бўлиб, ўзига бирорининг кўзи билан қарашга харакат қилиш.

**Ривожланиш** - бу инсоннинг руҳияти ва организмидаги сифатий ўзгаришларидир. Бу ўзгаришлар ижтимоий мухит, уй-жой шароитлари, уни куршаб турган кишиларнинг таъсири натижасида юз беради.

**Ривожланиш** - бу объектив жараён бўлиб, ташки ва ички бошқариувчи омиллар томонидан миқдор ва сифат жиҳатидан физик ва маънавий шаклланиш, яъни, шахснинг фазилатлари, сифатлар ва хулқларнинг шаклланиши, тушунчаларнинг чукурланиши, кенгайиши, осондан - қийинга, оддийдан - мураккабга, мавхумдан - билишга, оддий ҳаёт кечириш шаклларидан - олий фаолиятта ўтиш жараёнидир.

**Стереотип қарорлар.** Бундай қарорлар одатда мавжуд меъёрий хужжатлар, йўриғномалар, муассасанинг низоми асосида қабул қилинади. Мазкур қарорлар ходимларни ишга олиш ва ишдан бўшатиш, муассаса фаолиятини такомиллаштириш йўналишида чиқарилган буйруқларни ўз ичига олади.

**Стереотипизация.** Мулокотлар жараёнида инсонларнинг онгида шаклланиб ва муҳрланиб қолган тушунча ва тасаввурлардан доимий намуна сифатида фойдаланиш ҳолатлари бўлиб, бундай ҳолатлар ҳамиша ҳам ижобий натижаларга олиб келмайди. Масалан, раҳбарлар ўзининг маълум бир ходимининг мурожаат қилгани келаётганлигини кўриши билан "ҳозир иш ҳаддининг озлигидан шикоят қилишни бошлайди" деган шубҳани кўнглидан ўтиши стереотипни англатиб, бўлажак сұхбат жараёнига олдиндан ўз салбий таъсирини кўрсатади.

**Стратегия** [strategos] грекча сўз бўлиб, ўзбек тилида "генерал санъати" деган маънони англатади. Ўзбек тилининг изохли луғатида ҳам мазкур атама уруш олиб бориш санъати, ижтимоий-сиёсий курашга раҳбарлик қилиш санъати ва илми маъноларида талқин этилган.

Стратегия сўзи бугунги кунда бирон-бир фаолиятта раҳбарлик қилиш, корхона ёки муассасаларнинг фаолиятини бошқаришда истиқболни олдиндан аниқлаш, фаолиятни олдиндан режалаштириш, бажариладиган вазифаларнинг йўналишини аниқлаш, шунингдек мақсадга эришишда натижаларни олдиндан аниқлаш ва назорат қилиш йўналишларида кенг кўлланилмоқда. Мазкур сўздан стратегик режа, стратегик режалаштириш, бошқарув стратегияси, стратегик бошқарув каби тушунчалар келиб чиқдан бўлиб, бу тушунчаларнинг ҳар бирин ўзининг мазмун-моҳиятига кўра педагогик жараёnlарни ташкил этиш ва бошқаришда мухим аҳамият ҳасб этади.

**Стратегик бошқарув** - бу таълим муассасасининг стратег мақсади йўналишида муассаса имкониятларини профессор ўқитувчиларнинг умумий манбаатлари билан мувофикалаштириш назарда тутувчи узоқ муддатта тузилган дастур, режа ва лойиҳал асосида бошқаришdir. Стратегик бошқарув, одатда, мазкур тизим бошқарув маданиятининг юкори даражасини белгиловчи ке инновацион дастурларни амалга ошириш имкониятини яратади.

**Стресс.** Асабийлик ва кескинлик сўзлари инглизчада стрес [stress] деган маънони англатади. Стресс тушунчаси ижтимо психологияда шахсга нисбатан таъсири этаётган вазиятлар, омилл натижасида вужудга келаётган ҳолатни ифодалайди. Масала инсонлар фаолият кўрсатаётган жамоадаги руҳий мухитнинг таъсири ходимлар фаолият кўрсатаётган хоналардаги ҳароратнинг жу юкорилиги ёки паст даражадалиги, ўткир ҳидлар, етарли даражада ёритилмаганлик, ўкув куролларининг етишмаслиги, ортиқча мураккаб бўлган топшириклиарнинг берилиши ва ҳ. к. шул жумласидандир.

**Тавсияли қарорлар** - таълим муассасаси фаолиятини такомиллаштириш, педагогик жараёнига илғор педагоги технологияларни татбиқ этиш, янги ахборот технологияларини жори этиш ҳамда илғор педагогик тажрибаларни оммалаштириш йўналишида қабул қилинадиган қарорлар бўлиб, бунда таълим муассасасини ривожлантириш ва профессор-ўқитувчиларнин фаолиятини такомиллаштириш йўналишидаги тавсиялар ўифодасини топади.

**Тактик қарорлар.** Мазкур қарорлар таълим муассасаси олдиг кўйилган мақсадга эришишда кўлланиладиган восита ва усулла йўналишидаги қарорлар бўлиб, жорий ва тезкор қарорларни ифодалайди. Масалан, таълим муассасасининг йиллик ва жори дастурларини ҳамда режаларини тузиш ва жорий этиш, юкор малакали кадрлар билан таъминлаш йўналишидаги қарорлар бўлиб юкори ва ўрта бўғин раҳбарлари томонидан узоғи билан икки йилгач бўлган муддатта қабул қилинади.

**Талаб** - раҳбарнинг ходимларга муносабатининг бундай шакл мазмун жиҳатидан буйруқка яқин туради. Буйруқ у ёки бу фаолиятни бажариш ёки бажармасликка қаратилган бўлса, талаб эса айнан ўш буйруқларнинг бажарилишига қаратилган бўлади.

**Тарбия** - инсонлар ривожланишида асосий роль ўйнайдига жараён бўлиб, бир авлод ижтимоий тажрибасининг кейинги авлодла томонидан ўзлаштирилиши ва уларнинг ижтимоий ҳаётг кўшилишларини таъминлаб берувчи зарурий фаолиятdir.

**Тарбиявий жараён.** Усиб келаётган авлоднинг катт ёшдагилар тажрибасини эгаллаб бориш жараёни бўлиб, у инсонла ривожланишини бошқаради ҳамда уларнинг шахсий хислатларин шаклланишига зарур шароитлар яратиб беради.

**Тарбиявий муносабатлар** - инсонлар ўртасидаги доими муносабат (алоқалар) бўлиб, улар инсон шахсини ривожлантиришга яъни мустакил маълумот, мустакил таълим олиш ва ўзини-ўз тарбиялашни шакллантиришга хизмат қиласи, шунингдек, б

бошқарув жараёнида раҳбарлар билан ходимлар ўртасидаги муносабатларда турли шаклларда намоён бўлади, яъни, раҳбарларнинг билими, муомала ва мулокот маданияти, кийиниши, гавда ҳаракатлари, бошқарувчилик қобилияти, фан-техника, санъат ва табиятга бўлган муносабати ҳамда қизиқиши ходимларнинг фаолиятига ўз таъсирини кўрсатади.

**Тарбияланганлик** - шахснинг сифат кўрсаткичи, тажрибаларни яхши ўзлаштирганлиги, тарбиявий-ривожлантириш мақсадида йўналтирилганлик.

**Тарбияланувчи** - тажрибаларни эгаллайдиган ва ўрганадиган шахс.

**Тарбиячи** - инсон, авлодлар тажрибасини эгаллаш учун мажбурий ёки зарурий таъминотчи.

**Тартибга солиш-мувофикаштириш функцияси.** Мазкур функция педагогик тизимнинг ҳолатини зарурий, белгиланган даражада ушлаб туриш, уни янги сифат даражасига кўтариш ва педагогик жараёнда йўл қўйилаётган хатоликларни тузатиш ҳамда педагогик жараён субъектларининг хатти-ҳаракатларини тартибга солиш учун хизмат қиласи.

**Тафаккур.** Инсонларнинг ақлий фаолиятининг ва онгли хатти-ҳаракатларининг юксак шакли ҳисобланиб, социум ва ижтимоий муҳитни, мавжуд жараёнларнинг вужудга келиш сабаблари ва воқеиликни англаш воситаси, шунингдек, барча инсонларнинг эҳтиёжларини қондириш йўналишидаги фаолиятларини мувофикаштирувчи фикрлар, ғоялар ва қарашлар натижасида вужудга келган хulosаси ёки қабул қилинган қарор.

Тафаккур сезги, идрок, тасаввурларга нисбатан мавжуд жараёнларни, ҳодисаларни аниқ ва равшан, объектив акс эттирувчи билиш жараёни. Педагогик жараёнларда профессор-ўқитувчилар томонидан ўкувчи-талабаларнинг ёки ўкувчи-талабалар томонидан профессор-ўқитувчиларнинг ўрганилиши ва хulosалар чиқарилиши, шунингдек, ўзаро муносабатлар, алоқалар ва ахборотлар алмашинуви мазкур тушунча орқали амалга оширилади.

**Ташаббусли қарорлар.** Бундай шаклдаги қарорлар раҳбарларнинг бошқарув фаолияти жараёнида ахборотлар тўплаш методларидан фойдаланилиб тўпланган маълумотлар, амалга оширилган таҳлиллар ҳамда ўрганилган вазиятларнинг натижаларига асосан қабул қилинади ва улар муассасанинг истиқболини назарда тутади.

**Ташқи коммуникация.** Таълим муассасаси билан ташқи муҳит ўртасидаги ахборот алмашинуви жараёни ташқи коммуникацияларни ифодалаб, бунга ташқаридан келган ахборотлар, юкори бошқарув органлари, ҳокимият, вазирликлардан келган ахборотларни киритиш мумкин.

**Ташқиلىй ихтилофлар.** Бундай ихтилофлар таълим муассасасида профессор-ўқитувчиларга ўкув юкламаларини тақсимлашда (фанлар бўйича дарс соатлари ажратиш, ҳамда соатлар тақсимотида адолатнинг бузилиши), имтиёзлар беришда, мукофотга тавсия қилишда, жамоатчилик топширикларини беришда ва бошқа

**ташкилий жараёнларда раҳбарлар томонидан йўл қўйилган хатолар сабабли ёки раҳбарият томонидан берилган топшириклар маълум бир ходимлар томонидан бажарилмаса, маъмурият талабларини четлаб ўтишга ҳаракат қиласа келиб чиқади.**

**Ташкилий таъсир кўрсатиш** - педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришнинг ташкилий тузилишларини белгилаш, ички тартиб-коидаларни ўрнатиш; бошқарувчи ва бошқарувчи тизимлар ўртасида мувофиклик ва оқилона нисбатни ўрнатиш кабиларни ўз ичига олади. Педагогик жараёнларни самарали амалга ошириш учун ташкил этилган таълим муассасасининг таркиби, ташкилий тузилиши (структуря) ва таркибий қисмларини (компонентлар) аниклашда фаолият жараёнларининг хусусиятлари инобатга олинади.

Бу жараёнларни асосан қуидаги турларга бўлиш мумкин. Асосий (педагогик) жараён таълим муассасасининг асосий мақсадларига, кўзланган натижаларга эришишга йўналтирилган бўлади ва таъминловчи жараён таълим муассасасининг натижаларига тўғридан-тўғри ўз таъсирини кўрсатмаса-да, унинг асосий вазифаларини бажариши учун зарурӣ шароитларни яратади ва таъминлаб беради. Таълим муассасасида педагогик жараёнлар иккита кичик тизимлар доирасида, яъни дарсда ва дарсдан ташқари (тарбиявий) фаолият жараёнларида амалга оширилади.

**Ташкилий таъсир кўрсатиш шакллари** - лойиҳалаш, регламентлаш, меъёрлаш, кўлланмалар тайёрлаш ва ҳ.к. Таълим муассасаси фаолиятини ташкил этишда мотивлаштириш, ташабbusларни ишлаб чиқиш ва таҳлил қилиш учун шарт-шароитлар яратиш, барча таркибий қисм ва бўлимларнинг фаолиятини мувофикаштириш, ижтимоий амалиёт ва таълим эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда натижаларнинг самарадорлигини таҳлил қилишни ҳамкорликда ташкил этиш, давлат талаблари асосида педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш орқали амалга ошириш зарур.

**Ташкилий-ижрочилик функцияси.** Бу функция бошқарув фаолиятининг барча йўналишларида ўз аксини топади. Яъни, у кадрлар танлаш ва жой-жойига қўйиш, ижрочиларнинг ўзаро таъсир этиш тизимини шакллантириш, ахборотлар тўплаш ва уларга ишлов бериш фаолиятлари билан боғлиқ бўлади. Бунинг натижасида у ёки бу педагогик тизимга хос таркибий тузилиш вужудга келади.

**Ташкилий-маъмурий методлар.** Ушбу методлар ҳам иқтисодий методлар бажарадиган вазифаларни бажаради, факат уларнинг таъсир кўрсатиш усуллари ва шакллари ўзаро фарқ қиласи. Иқтисодий методларда белгиланган масалаларни ҳал қилиш учун раҳбарлар таъсир кўрсатишнинг турли хил усул ва шаклларини танлаш имкониятига эга бўлади. Ташкилий-маъмурий методлар қарорлар, буйруқлар, фармойишлар ва кўрсатмалар тайёрлаш, уларни ўз вақтида тегишли шахсларга етказиш ва бажарилишини назорат қилиш орқали таъсир кўрсатишни назарда тутади.

**Таълим** - тажрибалар алмасиниши жараёни бўлиб, режали равишда амалга ошириладиган “ўқитувчи-ўқувчи” муроҷоти, унинг натижасида маълумот, тарбия ва ривожланиш амалга ошади.

**Таълим менежменти** - бу илмий асосда ташкил этилган, ўзига хос поғонавийликка асосланган бошқарув: раҳбар, педагогик жамоа, ўкувчи-талабалар жамоаси. Шунга кўра бошқарувни турли хил моделлар асосида амалга ошириш мумкин: интеграл модел, биринчи поғона - педагогик жамоа фаолиятини бошқариш, иккинчи поғона - ўкувчи-талабалар фаолиятини бошқариш.

**Таълим муассасаларини бошқариш** - жамоа аъзоларини ҳамда уларнинг фаолиятини бошқаришдан иборат бўлиб, улар ўз навбатида таълим жараёнини ва воситаларини бошқарадилар. Бошқарув юқори савияда олиб бориладиган муассасаларда интизом, педагогларнинг меҳнат унумдорлиги, таълим жараёни самарадорлиги ва ўкувчи-талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари юқори даражада бўлади ҳамда таълим жараёни иштирокчилари фаолиятида мажбурий итоаткорлик ўрнини ижодий ёндашувлар згаллайди.

**Таълим муассасаси функциялари** - педагогик жараёнларда қўйидаги функцияларни амалга оширади: таълимий (тушунчалар тизими, дунёвий тушунчалар, фанлар бўйича умумий билимлар, кўникма ва малакалар; мустакил таълим); тарбиявий (таълим жараёни иштирокчиларида дунёқараш, ўзини-ўзи англаш ва ижтимоий мавқе, мотивлаштириш, тажриба ва ахлоқий одат, мухим ижтимоий кўникма ва малака, хулқ ва муомала, маънавий ва ахлоқий маданият, ўзини-ўзи тарбия кўникмаларини шакллантириш); психологик ривожланиш (олий психологик функциялар: идрок, хиссиёт, ироди, руҳий кечинмалар, ўзини-ўзи англаш, шахсий фаоллигини шакллантириш), таълим жараёни иштирокчиларида яратувчанликни ривожлантириш; ижодий фаолиятга тайёрлаш; соғлом турмуш тарзига одатлантириш; таълим муассасаси битирувчиларини ижтимоий-шахсий аҳамиятга эга бўлган турли хил фаолиятга тайёрлаш; педагогик жараёнларни ташкил этиш, ўзаро алоқаларни ўрнатиш ва мувофиқлаштириш, барча бўғин ва бўлимлар ўртасида вазифалар тақсимоти, раҳбар ходимлар ўртасида масъулиятларни белгилаш, бошқаришнинг аниқ услубини танлаш ва қарор қабул қилишда иш тартиби изчилиги, ахборотлар оқимини ташкил қилиш.

**Технология** - педагогик жараёнларни ташкил этиш, уни бошқариш, профессор-ўқитувчиларнинг педагогик ва ўкувчи-талабаларнинг ўкув фаолиятини ташкил қилиш усуллари тавсифи.

**Тизим** - алоқа, муносабатлар, интеграция, яхлитлик, ташкил этувчи қисмлар каби тушунчалар орқали ифодаланади. Бу тизимнинг бир-бiri билан боғлиқ бўлган, ўзаро таъсир этувчи қисмларининг мажмуи яхлит объектни ташкил этади. Ҳар бир қисм яхлит тизимнинг ўзгаришига ўз хиссасини кўшади.

**Тизимли ёндашув** - бунда педагогик жараёнлар тизим сифатида, яъни ташки мұхитда хизмат қилаётган мураккаб педагогик тизим сифатида кўриб чиқилади. Бунда унинг алоқалари ва воситаларининг мазмун ва моҳиятига кўра объектни бир бутун, яъни яхлит ҳолда тасаввур қилиш талаб этилади.

Педагогик жараёнлар самарадорлигини ўрганишда алоҳида хусусиятларга эга бўлган бир неча қисмларга ажратиб, улар ўртасидаги алоқалар ҳамда ўзаро боғлиқлик хусусиятлари аниқланади, чунки ҳар бир қисм яхлит тизимнинг ўзгаришига ўз хиссасини кўшади.

**Фаолият** - бу инсоннинг белгиланган мақсад йўналишида бошқарилиб турадиган ички ва ташки фаоллиги бўлиб, мазкур фаоллии орқали табиатга ва бошқа инсонларга таъсир кўрсатилади.

**Фаолият** - фалсафа фанида фаолият тушунчаси бутун оламга нисбатан бўлган ўзига хос инсоний муносабатлар усули сифатида қаралса, ижтимоий назарияда фаолият ижтимоий воқеликнинг мавжудлиги ва ривожланиши, ижтимоий фаолликни вужудга келиши деб таърифланади.

**Психология ва педагогика** фанлари йўналишидаги тадқиқотларда фаолият тушунчаси алоҳида объективлаштирилган моддий ва маънавий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва вужудга келтиришга йўналтирилган фаоллик, яъни субъектнинг фаоллиги сифатида тадқиқ қилинади.

**Фаоллик** - бу инсонларда "ўз кучи билан жавоб қилиш" қобилиятини билдиради. Инсонларни муайян тарзда ва муайян йўналишда ҳаракат қилишга уйдайдиган эҳтиёжлар унинг фаоллиги манбаи ҳисобланади.

**Функционал бошқарув** дейилганда кадрлар соҳасидаги ишлар билан боғлиқ бўлган барча вазифалар ва қарорлар, масалан, кадрлар танлаш, улардан фойдаланиш, малакасини ошириш, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш, рағбатлантириш ва мукофотлаш, лавозимларга тайинлаш, ишдан бўшатиш ва ҳ.к. тушунилади.

**Функционал ихтилофлар.** Бу хилдаги ихтилофлар таълим муассасалари раҳбариятининг ўз вазифасига совуконлик билан муносабатда бўлиши, яъни ўкув хоналарининг етарли даражада ёритилмаганлиги, қиши мавсумда иситилмаслиги, ўқитувчи ва ўкувчи-талабалар учун ишлаш, ўқиш, овқатланиш, спорт билан шугууланиш, дам олиш ҳамда ижодий фаолиятни амалга оширишлари учун етарли шароитлар яратилмаганлиги, шунингдек, таълим муассасаси кутубхонасидаги шароит ҳамда ўкув жараёнини илмий асосда ташкил этиш учун илмий-методик маҳсулотлар ва янги ахборот технологиялари, компьютер техникаси воситалари билан таъминланмаганлиги сабабли вужудга келиши мумкин.

**Функционал стратегия** - педагогик жараён субъектлари, таълим муассасасининг бўлимлари ҳамда жамоавий бошқарув органлари ва жамоатчилик ташкилотларининг функционал вазифаларини амалга ошириш усулларини ўз ичига олган ишчи стратегия ҳисобланади.

**Функция** - бу лотинча сўз бўлиб, бирор кимса ёки нарсанинг иш фаолият доираси, вазифаси деган маъноларни билдиради. Раҳбар ўзининг ишлаб чиқариш ва технологик вазифаларини бажариши профессионал функцияларини белгилайди ва бунда раҳбар профессионал-мутахасси сифатида доимо инсонлар билан муносабатда бўлади.

**Ходимларни мотивлаштириш** (ундаш) - бу усул ходимларнинг бошқарув жараёнида кенг миқёсда иштирок этишига асосланган бўлиб, бу усулни кўллаш орқали соглом ижтимоий-рухий мухит яратилади. Бунда ижтимоий-психологик усуллар меҳнат фаоллигини оширишга қаратилган бўлиб, у ходимларга, яъни уларнинг маънавий ва ижтимоий ҳулқига таъсир этиш орқали амалга оширилади.

**Ташкилий мухитнинг сифати** унинг ҳолатининг маданий намуналар билан мос келишини ҳамда бошқарувнинг тезкорлик ва имконият даражасини белгилайди. Яъни, вужудга келаётган вазиятларни ташкилий мухитнинг асосий ташкил этувчи элементлари билан

мувофикалаштириш бошқарув маданиятининг асосий кўрсаткичи сифатида хизмат қиласди.

**Хулқий компонентлар** - саъй-харакат, қилиқ, мимика, имо-ишора, нутқ ва бошқа инсон хулқи билан боғлиқ бўладиган муносабатлар.

**Шахс обрўси** - шахснинг жамоа аъзолари томонидан тан олиниши ва хурмат қилиниши, унинг субъектив сифатларининг жамоа фаолиятининг объектив талабларига мос келишини билдиради. Бунда шахснинг билими, тажрибаси, касб маҳорати, уддабуронлиги, тадбиркорлиги, фаоллиги муҳим аҳамият касб этади.

**Шахслараро ихтилофлар.** Тълим муассасасида шахслараро муносабатлар жиддий ва нозик бўлиб, бунда раҳбарлар ўртасидаги муносабатлар, раҳбар-ходим, раҳбар-ўқитувчи, раҳбар-ўкувчи, раҳбар-ота-она, ходим-ходим, ўқитувчи-ходим, ўқитувчи-ўкувчи, ўқитувчи-ота-она, ўкувчи-ўкувчи, ўкувчи-ота-она ҳамда педагоглараро муносабатларни ўз ичига олади.

Тълим муассасасидаги шахслараро муносабатларни ҳам нозик, ҳам мураккаб дейишимизга асосий сабаб, ёш авлодни тарбиялашда бу муносабатлар муҳим аҳамият касб этади, ҳаттохи ота-оналарнинг ўз фарзандлари билан бўлган муносабатлари ҳам педагогик жараёнига ўз таъсирини кўрсатади. Шахслараро ихтилофлар, асосан, инсонларнинг бир-бирини тушунмаслиги, манфаатларнинг номувофиқлиги, бир-бирини кўролмаслиги\* ёки арзимас сабабларга кўра ўзаро аразлаб юриши туфайли келиб чиқиши мумкин.

**Шахслараро муносабатлар** - бу бир жамоа ёки гурухнинг аъзолари бўлган инсонлар ўртасидаги объектив алоқалар, мулоқот ва ўзаро таъсиrlарни ифодалаб, расмий ва норасмий турларга, хизмат ва шахсий муносабатларга бўлинади. Хизмат муносабатлари бирор ижтимоий фойдали фаолият билан - ўкув, меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлади. Шахслараро муносабатлар ўзаро таъсири кўрсатиш, мулоқот, ҳамкорликдаги фаолиятда вужудга келади ва шакланади.

**Шахснинг заковатлилик, иродалилик, зукколик хислатлари** - зийраклик, эсда сақлаб қолишлиқ, ижодкорлик, танқидийлик, қизикувчанлик, ишқибозлик, диккатлилик, билимдонлик, савиялилик, ҳозиржавоблилик.

**Шахснинг умумий хислатлари** - ёқимлилик, жозибадорлик, дилбарлик, кўркамлик, хурматта сазоворлилик, буюклиқ, салоҳиятлилик; жаддийлик, босиқлик; мослашувчанлик, маданиятлилик, одоблилик, зиёлилик, табиийлик, одиллик, оддийлик.

**Эҳтиёж** - инсонларни маълум бир фаолиятга йўналтирувчи омиллар бўлиб, уларни жисмоний ёки аклий меҳнатга, шунингдек, дам олиш, билим олишга, хунар ўрганишга, умуман олганда яшаш учун курашишга чорлайди. Инсон эҳтиёжлари турли хил бўлиб, уларнинг психологик хусусиятларига, яъни одати, диди ва кайфияти, ёши ва соғлиги, жинси, оилавий аҳволи, меҳнат қилиш ва яшаш шароитларига ҳам боғлиқ бўлади.

Эҳтиёж - инсонларнинг ҳаёт кечиришининг аниқ шарт-шароитларга қарамлигини ифода этувчи ва бу шарт-шароитларга нисбатан унинг фаоллигини вужудга келтирувчи ҳолатdir.

Инсоннинг эҳтиёжлари ҳам ижтимоий, ҳам шахсий хусусиятларга эга бўлиб, у биринчидан, шунчаки тор маънодаги шахсий тавсифга эга бўлиб туюлганда ҳам ижтимоийдир (масалан, нон - нон бўлиб дастурхонга

келгунича кўплаб инсонлар меҳнати сарфланади, бу эса ижтимоий маҳсулотдир). Иккинчидан, инсон ўз эҳтиёжларини қондириш учун мазкур ижтимоий мухитда тарихан таркиб топган воситалар в усуслардан фойдаланади. Учинчидан, инсоннинг кўпгина эҳтиёжлар шахсий эҳтиёжларидан кўра ўзи биргаликда меҳнат қиласига жамиятнинг, жамоанинг, гурӯҳнинг эҳтиёжларини ифодалайди, яън жамоа эҳтиёжлари кишининг шахсий эҳтиёжлари тусини олад (йиғилишда маъруза билан чиқиш учун тайёрланиш эҳтиёжи).

**Эҳтиёслий ҳислатлар** - ўзгалар ютуқларидан қувониш, ўз фаолиятидан қоникиш, баҳтиёрлик, кўтаринкилик, тантанаворлик, қувноқлик, ҳазил-мутойибалик, уятчанлик, тортичоқлик, мўмин-қобиллик, диёнатлилик, озодалик, нозик табиатлилик.

**Янгилик** - янги тартиб, янги услуб, янги метод, янги ихтиrolар бўлиши мумкин.

**Янгилик киритиш** - бу янгиликнинг қўлланишини билдиради. Янгиликларни амалиётда қўллаш ва оммалаштиришга киришилган вактда у янги сифатга эга бўлади ва инновациялар вужудга келади. Янгилик киритишни оммалаштириш ва уларни ташкил этиш инновацион жараённинг ташкил этувчи қисмлари ҳисобланади.

**Ўзини-ўзи тарбия** - бу ички туйғулар ёрдамида миллий қадриятларни, инсон ҳаётидаги ютуқ ва муаммоларни, тажрибаларни ўрганиш, кўникма ва малакалар ҳосил қилиш, яъни, мустақил ривожланиш жараёнидир. Педагогик жараённи қандай ташкил этилмасин, ўзини-ўзи тарбиялашсиз унинг самарадорлигини таъминлаб бўлмайди.

**Ўқитиши** - миллий қадриятларимизни, ҳаётий тажрибаларни, фан ва техника соҳаларидағи ютуқларимизни ёш авлодларга ўргатишни таъминлайди.

**Ўқиниш** - миллий қадриятларни, фан-техника соҳасидаги ютуқларни тажрибаларни ўрганиш, тушуниш, тафаккурнинг ривожланиши мустақил фикрлаш ва улардан ҳаётда фойдаланиш учун кўникма ва малакаларни шаклланиши.

## АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ҳалоллик ва фидоийлик фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин. - Тошкент: Ўзбекистон, 1994. - 70 б..
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Тошкент: "Ўзбекистон", 1997.
3. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Тошкент: "Шарқ", 1997.
4. Инсон баҳт учун туғилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ҳикматли сўзларидан. - Тошкент: "Шарқ", 1998.
5. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. - Тошкент: "Ўзбекистон", 1999.
6. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. - Тошкент: Ўзбекистон, 1999. - 175 - 176-б.
7. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. - Тошкент: "Ўзбекистон", 2000.
8. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008. - 176 б.
9. Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш - бош йўлимиз. "Халқ сўзи", 15 февраль 2002 йил.
10. Каримов И.А. Одамларнинг ташвиш ва орзу-интилишлари билан яшаш фаолиятимиз мезонига айлансин. "Халқ сўзи", 19 июль 2002 йил.
11. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. "Халқ сўзи", 30 август 2002 йил.
12. Каримов И.А. Ислоҳотлар стратегияси - мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир. "Халқ сўзи", 18 февраль 2003 йил.
13. Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-кудратимизга, ҳалқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. - Тошкент: "Ўзбекистон", 2004.
14. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. - Тошкент: "Ўзбекистон", 2005.
15. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳукуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари - энг олий қадрият. - Тошкент: "Ўзбекистон", 2005.
16. Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24 январь 2003 йилдаги ПФ-3202-сонли Фармони.
17. "2004-2009 йилларда таълим муассасаси таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури" тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21 май 2004 йилдаги ПФ-3431-сонли Фармони.

18. Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 9 июлдаги "2004-20 йилларда таълим муассасаси таълимини ривожлантириш давл умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 321-сонли Қарори. - Тошкент, 2004.
19. Абдурахмонов К., Одегов Ю. ва бошқалар. Персонал бошқариш. Тошкент: "Шарқ", 1998.
20. Абдурахмонов К.Х., Д.Н.Радимова ва бошқалар. Давлат хизма персоналини бошқариш. - Тошкент: "Академия", 2002.
21. Адизова Т.М. Башқарув мулодоти. - Тошкент: Низомий ном ТДПУ, 2000.
22. Азизхўжаева Н.Н. Ўқитувчи мутахассислигига тайёрл технологияси. - Тошкент: Низомий номли ТДПУ, 2000.
23. Ахлоқ-одобга оид ҳадислар. - Тошкент, 1990.
24. Ахлидинов Р.Ш., Носирова Ф.А., Ражабова М.Р. Таъл муассасаси бошқарувида ички назорат. - Тошкент: "Шарқ", 1996.
25. Ахлидинов Р.Ш. Ўзбекистон Республикасида таъл муассасаси таълими тизимини бошқариш ҳусусиятлари (назар методологик жиҳатлар). - Тошкент: ЎзПФИТИ, 1997.
26. Ахлидинов Р., Саидов Ҳ. ва бошқалар. Истиқлол ва таълим Тошкент: "Шарқ", 2001.
27. Ахмадхўжаев Ҳ. Т., Мирдадаев К. М., Қозоқов О. С. Менежмент ва стратегияни бошқариш. - Тошкент: "Илм Зиё", 2004.
28. Безрукова В.С. Педагогика. - Екатеринбург, 1994.
29. Бурхонов А., Турғунов С. Т. "Мутахассислик психология фанидан маъruzалар тўплами. - Наманган: НамМПИ, 2000.
30. Бурхонов А., Турғунов С.Т. Психология: Маъruzалар тўплам Наманган: НамМПИ, 2000. - 94 б.
31. Валижонов Р., Қобулов О., Эргашев А. Менежмент асослар Тошкент: "Шарқ", 2002.
32. Давлетшин М. Г. Замонавий таълим муассас ўқитувчисининг психологияси. - Тошкент: "Ўқитувчи", 1999.
33. Джураев Р.Х., Турғунов С.Т. Таълим муассасалари бошқаришда менежментнинг асосий тушунчалари. - Тошкент: "Файз", 2006.
34. Зуннунова А. Педагогика тарихи. - Тошкент, 1997.
35. Ильин Е.П.. Мотивация и мотивы. СПб.: Питер, 2000. - С. 51
36. Йўлдошев Ж. Ф. Ўзбекистон Республикаси таълим тараққиёт йўлида. - Тошкент: "Ўқитувчи", 1994.
37. Йўлдошев Ж.Ф., Ахлидинов Р. Ш., Отабоева Р. Н. Мустак Ўзбекистон таълими. - Тошкент: "Шарқ", 1997.
38. Йўлдошев Ж. Ф. Таълим янгиланиш йўлида. - Тошкент: "Ўқитувчи", 2000.
39. Каримова В. М. Ижтимоий психология асослари. - Тошкент: "Ўқитувчи", 1994.
40. Коджаспирова Г.М., Коджаспиров А.Ю. Педагогический словарь. - М.: Академия, 2000. - С. 130.
41. Комилов Н., Бегматов А., Куронов М. Раҳбар ва ходи Тошкент: "Академия", 1998.

42. Лазарев В. С., Поташник М. М. Управление развитием школы. - Москва, 1995.
43. Менеджмент в управлении школой. Под ред. Т. И. Шамовой. - Москва: «NB Магистр», 1992.
44. Миркосимов М. Таълим муассасасини бошқаришнинг назарий ва педагогик асослари. - Тошкент: "Ўқитувчи", 1995.
45. Моисеев А. М. Качество управления школой: каким оно должно быть? - Москва, 2001.
46. Мунавваров А. К. Педагогика. - Тошкент: "Ўқитувчи", 1996.
47. Муракаев И. У., Саифназаров И. С. Менежмент асослари. - Тошкент: "Ўзбекистон", 2001.
48. Ожегов С. И. Словарь русского языка. Под ред. Н.Ю.Шведовой. 2-е изд-е - Москва: «Русский язык», 1990.
49. Перегудов Л.В., Сайдов М.Х. Олий таълим менежменти ва иқтисодиёти. - Тошкент: "Молия", 2002.
50. Пономаренко В.А. Психология духовности профессионала. - Москва: «Русский язык», 1997.
51. Поташник М.М. Управление современной школой. - Москва, 1995.
52. Слободчиков В.И. О возможных уровнях анализа проблемы рефлексии // Проблемы логической организации рефлексивных процессов. - Новосибирск, 1986. - С. 130.
53. Словарь иностранных слов. - 16-е изд., испр. - Москва: «Русский язык», 1988.
54. Сухобская Г.С., Горбунова Л.Л. Взаимосвязь теории и практики в процессе подготовки и повышения квалификации педагогических кадров. - М.: НИИ ИОО АПН, 1990. - 92 с.
55. Топоровский В.П. Аналитическая деятельность руководителя образовательного учреждения. - Санкт-Петербург, 2000.
56. Топоровский В.П. Развитие исследовательской культуры директора школы. - Санкт-Петербург, 2000.
57. Турсунов И.Й. Халқ педагогикасининг долзарб муаммолари. - Тошкент: "Ўқитувчи", 1990.
58. Турсунов И.Й., Нишоналиев У.Н. Педагогика курси. Дарслик. - Тошкент: "Ўқитувчи", 1997.
59. Турғунов С.Т. "Педагогика" фанидан маъruzалар тўплами. - Наманган: НамМПИ, 1999.
60. Турғунов С.Т. Таълим муассасасини бошқаришда педагогиканинг асосий тушунчалари ва тадқиқот методлари. - Наманган: НВПҚТМОИ, 2003.
61. Турғунов С.Т., Максудова Л.А. Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш. - Ташкент, Фан, 2009.
62. Турғунов С.Т., Шодмонова Ш.С. Мустакиллик тафаккури. - Ташкент, Фан ва технология, 2009.
63. Тўхтабоев А. Маъмурий менежмент. - Тошкент: "Молия", 2003.
64. Шакуров Р.Х. Социально-психологические проблемы руководства педагогическим коллективом. - Москва, 1982.

65. Шамова Т. И., Тюлю Г. М. и другие. Как руководителю школы оценить свою управленческую деятельность. Методические рекомендации. - Москва: МПГУ, 1994.
66. Шарифхужаев М., Абдуллаев Ё. Менеджмент. Дарслик. - Тошкент: "Ўқитувчи", 2001.
67. Курбонов Ш., Сайтхалилов Э., Куронов М., Ахлидинов Р., Мажидов И. Миллий истиқбол ғоясини шакллантиришда ташкилий-услубий ёндашувлар. - Тошкент: "Академия", 2002.
68. Фозиев Э. Тафаккур психологияси. - Тошкент: "Ўқитувчи", 1990.
69. Ғуломов С. С. Менеджмент асослари. - Тошкент: "Шарқ", 2002.
70. Ҳайдаров Ф.И. Ўкув фаолияти мотивацияси: Монография. - Тошкент: Фан, 2005. - 122 б.
71. Ҳошимов К., Нишонова С., Иномова М., Ҳасанов Р. Педагогика тарихи. - Тошкент: Ўқитувчи, 1996. - 446 б.

## **МУНДАРИЖА**

|   |           |
|---|-----------|
| <b>КИРИШ.....</b>   | <b>3</b>  |
| <b>I БОБ. ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАШКИЛ<br/>ЭТИЛАДИГАН ПЕДАГОГИК ЖАРАЁНЛАР.....</b>                    | <b>6</b>  |
| <b>    1.1. Таълим ва тарбия жараёнларининг<br/>        ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги .....</b>    | <b>6</b>  |
| <b>    1.2. Тарбиявий муносабатлар жараёнлари.....</b>  | <b>11</b> |
| <b>    1.3. Педагогик жараёнлар, педагогик тизим.....</b>   | <b>17</b> |
| <b>II БОБ. ПЕДАГОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ ТАШКИЛ<br/>ЭТИШ ВА БОШҚАРИШ.....</b>                                 | <b>24</b> |
| <b>    2.1. Педагогик жараёнларни ташкил этиш<br/>        ва бошқаришга замонавий ёндашувлар.....</b> | <b>24</b> |
| <b>    2.3. Педагогик жараёнларни ташкил этиш<br/>        ва бошқаришда мотивлаштириш.....</b>        | <b>30</b> |
| <b>    2.4. Педагогик жараёнлар ташкил этиш ва<br/>        бошқаришнинг функция ва методлари.....</b> | <b>38</b> |
| <b>III БОБ. ПЕДАГОГИК ЖАРАЁНЛАРНИНГ<br/>САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ.....</b>                | <b>44</b> |
| <b>    3.1. Педагогик жараёнлар самарадорлиги.....</b>  | <b>44</b> |
| <b>    3.2. Узлуксиз малака жараёнларини<br/>        ташкил этиш ва бошқариш.....</b>                 | <b>48</b> |
| <b>        Асосий тушунчалар, таянч сўз ва иборалар.....</b>  | <b>59</b> |
| <b>        Адабиётлар.....</b>  | <b>83</b> |

**Р.Х.ДЖУРАЕВ, С.Т.ТУРГУНОВ, Г.М.НАЗИРОВА**

# **П Е Д А Г О Г И К А**

**Муҳаррир:  
Компьютерда  
саҳифаловчи:**

**С.Алимходжаева  
М.Холиков**

\*

**Босишига рухсат этилди 19.11.2013.  
Бичими 60x84<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Босма табоғи 5,5.  
Буюртма №17. Адади 180 нусха.**

**Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика  
фандари илмий тадқиқот институти  
«Riso EZ 200 E» нусха кўчириш  
мосламасида чоп этилди.**

3000 cy m